



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JAMOAT XAVFSIZLIGI
UNIVERSITETI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTINING HUZURIDAGI
QONUNCHILIK VA HUQUQIY
SIYOSAT INSTITUTI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KRIMINOLOGIYA TADQIQOT
INSTITUTI

ҲОКИМИЯТ, БОШҚАРУВ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ
ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ
**КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ
ЮРИДИК-ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИ**

КИБЕРАЛОГИЯ МЕТОДИ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН
— ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА —

А. Анорбоев



QONUN
ADOLAT
XAVFSIZLIK



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲУЗУРИДАГИ
ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КРИМИНОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

А. Анорбоев

**Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият
тартибига қарши кибержиноятларнинг юридик-техник жиҳатлари**

**Кибералогия методи асосида яратилган
ўқув-услубий қўлланма**

Муаллиф: А. Анорбоев. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши кибержиноятларнинг юридик-техник жиҳатлари. Кибералогия методи асосида яратилган ўқув-услубий қўлланма. – Т.: “Dimal” нашриёти, 2026 й. – Б. 324

Такризчилар:

ю.ф.д. профессор А. Закурлаев, ю.ф.д. С. Гулямов, ю.ф.д. Б. Мўминов



<https://orcid.org/0009-0003-5355-8753>

ORCID



<https://scholar.google.com/citations?user=Kljpc8AAAA&hl=ru>

**GOOGLE
академия**



**DOI
10.5281/zenodo.
20052597**



**Index
Copernicus –
ID 48623**

Мазкур ўқув-услубий қўлланма ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки у орқали содир этилаётган ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши кибержиноятларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги ҳолати нуқтаи назаридан ўтказилган таҳлиллар натижасида тайёрланган илмий иш саналади. Ушбу илмий ишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий ва техник таҳлили назарда тутилган. Ушбу таҳлиллар кибералогия методи асосида амалга оширилган бўлиб, қўлланманинг мазкур усул орқали тайёрланиши унинг нафақат ўқувчиларга, балки сунъий интеллектга ҳам тушунарли бўлишини таъминлаб, инсон ва технология ўртасидаги ўзаро тушуниш имкониятини бирмунча яқинлаштиради.

Мазкур илмий ишдан олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, ўрта-махсус таълим ташкилотлари ўқувчи ва талабалари, магистр ва тадқиқотчилари, профессор ва ўқитувчилари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, тезкор қидирув, назорат органлари ходимлари ва мутахассислари, шунингдек, мустақил тадқиқот олиб бораётган ёки таълим олаётган фойдаланувчиларга ҳам мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти, Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети кенгашлари тавсиясига асосан чоп этилган.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
1-БОБ. ҲОКИМИЯТ, БОШҚАРУВ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТЕХНИК ТАҲЛИЛИ	7
1.1-§. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши кибержиноятларнинг юридик-техник таҳлили.....	7
1.2-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	15
1.3-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	29
1.4-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб мансаб сохтакорлиги ёхуд мансаб киберсохтакорлиги жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	43
1.5-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора олиш ёхуд киберпора олиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	58
1.6-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора бериш ёхуд киберпора бериш жиноятининг юридик-техник жиҳатлари.....	76
1.7-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятининг юридик-техник таҳлили....	91
1.8-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	107
1.9-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	123
1.10-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	139
1.11-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	155
1.12-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	171
1.13-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	183

1.14-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб хужжатлар, штамплар, мухрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	199
1.15-§. Киберўзбошимчалик жиноятининг юридик-техник таҳлили....	214
1.16-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	229
1.17-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	241
1.18-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш) жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	256
1.19-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	269
1.20-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	280
1.21-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	294
2-БОБ. ҲОКИМИЯТ, БОШҚАРУВ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ.....	306
2.1-§. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши кибержиноятлар учун жазо тизими.....	306
2.2-§. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши кибержиноятлар учун жазо тайинлаш тартиби.....	311
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	316

КИРИШ

Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши натижасида бугунги кунда барча соҳа, тармоқ ва йўналишлар босқичма-босқич рақамлашиб бормоқда. Бироқ, бу рақамлаштириш жараёни фойдаланувчиларга мислсиз қулайликлар яратиши билан бир қаторда, ўзига хос янги ва мураккаб салбий ҳолатларни ҳам вужудга келтирмоқда. Ушбу салбий ҳолатлар ичида энг йириги ва глобал миқёсда хавф туғдираётгани, шубҳасиз, кибержиноятлардир. Кибержиноятлар ичида ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши кибержиноятлар нафақат шахсга, балки жамият ва давлат манфаатларига ҳам таҳдид солмоқда. Ҳатто фуқароларнинг шахсидан ёвуз ниятда фойдаланиб, бошқа шахсларга нисбатан ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилиши кузатилмоқда. Бунинг оқибатида ахборот-коммуникация технологиялари инсониятнинг кейинги тақдирига, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига реал хавф сифатида намоён бўлмоқда.

Анъанавий жиноятчилик турларининг аста-секинлик билан кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконга кўчиб ўтиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида мутлақо янги, мураккаб вазифаларни қўймоқда. Кибермуҳит, шу жумладан, кибермакондаги ҳуқуқбузарликларнинг чегара билмаслиги, уларнинг кўпинча трансмиллий хусусиятга эга эканлиги бундай жиноятларга қарши курашни янада қийинлаштиради. Бундан ташқари, жиноятчиларнинг аксарият ҳолларда аноним қолиши ва изларини рақамли муҳитда яшириши уларни тезкорлик билан фош этишда тўсиқ бўлмоқда. Бундай шароитда ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши кибержиноятларга қарши курашишнинг мустаҳкам, изчил ва замонавий ҳуқуқий базасини яратиш ҳар бир ривожланаётган давлатнинг устувор вазифасига айланган. Ўзбекистон Республикаси ҳам глобал ахборот маконининг ажралмас қисми сифатида ўз миллий киберхавфсизлигини таъминлашга давлат даражасида жиддий эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация тизимларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунчиликка, хусусан, жиноят қонунчилигига тизимли равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши кибержиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи нормаларнинг такомиллаштирилиши ушбу йўналишдаги жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Кодексида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи махсус нормалар бугунги куннинг шиддатли талабларидан келиб чиқиб, илмий ва амалий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинишини тақозо этади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу қўлланма айнан шу эҳтиёжларни қондириш, соҳадаги назарий ва амалий муаммоларни изчил очиб бериш мақсадида яратилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги ушбу Кодексида зарурий белги сифатида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар,

кибержиноят саналадиган ижтимоий хавфли қилмишлар мазкур китобнинг асосий тадқиқот объекти сифатида олинган. Фойдаланувчи бу китоб орқали ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши кибержиноятлар амалдаги қайси норманинг бузилиши сабабли вужудга келишини, объектив томондан содир этилиши тартиби, субъекти, субъектив томони, объекти, тамомланиши, квалификацияси, жиноят предмети, воситаси, содир этиш усуллари, жиноятни фош қилиш учун зарур бўлган рақамли излар ва экспертизалар ҳақида зарур билимга эга бўлиши мумкин.

Ушбу қўлланманинг кибералогия методи асосида ишлаб чиқилганлиги уни нафақат фойдаланувчиларга, балки сунъий интеллект технологияларига ҳам тушунарли ва қулай шаклга келтирган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари бугунги кунда рақамли далилларни тўплаш, қонуний қайд этиш ва уларни тўғри баҳолашда кўплаб процессуал муаммоларга дуч келмоқда. Шу боис, дарсликда соф жиноят-ҳуқуқий квалификация масалалари билан бир қаторда, бундай жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг ўзига хос процессуал ва криминалистик жиҳатларига ҳам қисқача тўхталиб ўтилган. Ҳар бир кўриб чиқилган модда кенг шарҳланиб, қилмишни тўғри квалификация қилиш учун зарур бўлган қонуний мезонлар аниқ ва тушунарли тарзда кўрсатиб берилган.

Бугунги куннинг етук юристи нафақат соф ҳуқуқий нормаларни, балки ахборот-коммуникация технологияларининг базавий ишлаш принципларини ҳам муайян даражада тушуниши шарт эканлиги қўлланманинг асосий ғояларидан биридир. Ушбу ўқув адабиёти айнан шу икки муҳим соҳа – ҳуқуқшунослик ва ахборот-коммуникация технологиялари кесишиш нуқтасида юзага келадиган жинойи-ҳуқуқий ижтимоий муносабатларни тартибга солиш усулларини ўргатади. Қолаверса, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлил ўтказиш ғоят муҳим бўлганлиги сабабли, хорижий давлатларнинг кибержиноятчиликка қарши курашиш амалиёти таҳлилидан келиб чиқиб, зарур таклиф ва тавсияларга ҳам ўрин ажратилган. Амалиётдаги реал суд ишлари ва тергов материаллари асосида келтирилган ҳаётий мисоллар ўқувчининг назарий билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ишончимиз комилки, мазкур қўлланма олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар учун муҳим илмий манба бўлибгина қолмай, суриштирувчилар, терговчилар, прокурорлар, судьялар, экспертлар, мутахассислар ва ҳимоячиларнинг кундалик фаолиятида мураккаб кибержиноятларни тўғри малакалашда яқин кўмакчи ва дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Умуман олганда, кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда қонун устуворлигини таъминлаш орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини яратиш ушбу илмий асарнинг бош мақсадидир.

1-БОБ. ҲОКИМИЯТ, БОШҚАРУВ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТЕХНИК ТАҲЛИЛИ

1.1-§. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши кибержиноятларнинг юридик-техник таҳлили

1. Кибержиноят бўлиши мумкинлиги тасдиқланган ушбу жиноят турлари – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансаб сохтакорлиги ёхуд мансаб киберсохтакорлиги, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора олиш ёхуд киберпора олиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора бериш ёхуд киберпора бериш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора олиш-беришда воситачилик қилиш, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш, давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш, ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, киберўзбошимчалик, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш), банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш;

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар;

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар;

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – жиноят содир этгунига қадар қуйидаги ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс:

16 ёш – ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши бошқа кибержиноятлар;

18 ёш – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансаб сохтакорлиги ёхуд мансаб киберсохтакорлиги, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора олиш ёхуд киберпора олиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш), қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш;

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – қуйидаги усуллар орқали Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ҳолат ва ҳаракатлар бўйича шахсга қарши кибержиноятларни содир этиш:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

8. Кибержиноят мақсади – Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари. Шу жумладан, тизим, тармоқ, дастур, дастурий восита, дастурий аппарат, аппарат-дастурий восита, дастурий маҳсулот, дастурий таъминот, қурилма, аппарат, техник восита, алоқа, ахборот, сунъий интеллект, телекоммуникация воситаси, тиббий восита, ахборот, булутли, рақамли, сунъий интеллект, телекоммуникациялар, кибер, шу жумладан, киберхавфсизлик, био, веб-технологиялари, платформалар, маркетплейслар, мессенжер, веб-сайт, ахборот ресурси ва хк.

10. Кибержиноятнинг умумий зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмиши ва оқибат сабабий боғланиш;
- 6) алоқа;
- 7) ахборот;
- 8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
- 9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Қўшимча зарурий белгилари, Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича бўлади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ҳаракат бажарилган ёки оқибат вужудга келган вақтдан бошлаб Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича бўлади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури –

моддий таркибли кибержиноят – ушбу жиноятлар тамом бўлган деб топилиши учун қонунда кўрсатилган муайян зарар ёки зиён шаклидаги оқибатлар келиб чиқиши мажбурийдир ва унга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳокимият ёки мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансаб сохтакорлиги ёхуд мансаб киберсохтакорлиги, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўзбошимчалик ёхуд киберўзбошимчалик, банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш кибержиноятлари кириши мумкин;

формал таркибли кибержиноят – бу тоифадаги жиноятлар муайян жиноий ҳаракатнинг ўзи содир этилиши билан тамом бўлади ҳамда жиноий оқибатнинг юзага келиши талаб қилинмайди ва унга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора олиш ёхуд киберпора олиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, пора бериш ёхуд киберпора бериш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора олиш-беришда воситачилик қилиш, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш, давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш, ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш), тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш кибержиноятлари кириши мумкин;

аралаш таркибли кибержиноят – ушбу жиноятларда модданинг асосий қисми ҳаракатнинг ўзи билан тамом бўлади (формал), аммо унинг оғирлаштирувчи қисмларида реал оғир оқибатлар келиб чиқиши шартлиги (моддий таркиб) инobatга олинган ва унга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш кибержиноятлари кириши мумкин;

кесик таркибли кибержиноят – тайёргарлик кўриш ёки суиқасд босқичидаёқ тугалланган деб топиладиган жиноятлар бўлиб, ушбу турга кирувчи Жиноят Кодексида ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши соф кибержиноятлар назарда тутилмаган.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир кибержиноятларга бўлинади.

Бунда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради. Мисол учун:

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш, киберўзбошимчалик, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш, банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш, давлат органи, ташкилоти ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш, давлат органи, ташкилоти ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши кибержиноятлари кириши мумкин;

Унча оғир бўлмаган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансаб сохтакорлиги ёхуд мансаб киберсохтакорлиги, ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш, пора бериш ёхуд киберпора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш кибержиноятлари кириши мумкин;

Оғир кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора олиш ёхуд киберпора олиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора бериш ёхуд киберпора бериш, ахборот-

коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора олиш-беришда воситачилик қилиш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш солиш ёхуд киберқийноқ, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб далилларни сохталаштириш, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш кибержиноятлари кириши мумкин;

Ўта оғир кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора олиш ёхуд киберпора олиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора бериш ёхуд киберпора бериш кибержиноятлари кириши мумкин.

Эслатма, ушбу кибержиноятларнинг таснифланиши Жиноят кодексидаги моддаларнинг санкциясига қараб ўзгариши мумкин, шу сабабли юқоридаги кибержиноятлар қатъий қоида саналмайди.

14. Жазо тизимига кўра тури –

1) Жиноят кодексида қилмиш учун жарима жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансаб сохтакорлиги, пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш, давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш, ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, ўзбошимчалик, диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш), банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш кибержиноятлари кириши мумкин;

2) Жиноят кодексида қилмиш учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансаб сохтакорлиги, пора олиш, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш), қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки

кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш кибержиноятлари кириши мумкин;

3) Жиноят кодексида қилмиш учун мажбурий жамоат ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар — ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансаб сохтакорлиги, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши, давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш, ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, ўзбошимчалик, диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш кибержиноятлари кириши мумкин;

4) Жиноят кодексида қилмиш учун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар — ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансаб сохтакорлиги, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши, давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш, ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, ўзбошимчалик, диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш, банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш кибержиноятлари кириши мумкин;

5) Жиноят кодексида қилмиш учун озодликни чеклаш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар — ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансаб сохтакорлиги, пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши, спорт

мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш, ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш), банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш кибержиноятлари кириши мумкин;

б) Жиноят кодексида қилмиш учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансаб сохтакорлиги ёхуд мансаб киберсохтакорлиги, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора олиш ёхуд киберпора олиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора бериш ёхуд киберпора бериш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора олиш-беришда воситачилик қилиш, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш, ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш), банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш кибержиноятлари кириши мумкин.

Эслатма, ушбу кибержиноятларнинг таснифланиши Жиноят кодексидаги моддаларнинг санкциясига қараб ўзгариши мумкин, шу сабабли юқоридаги кибержиноятлар қатъий қоида саналмайди.

Юқоридагиларга кўра, айтадиган бўлсак, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши кибержиноятлар Жиноят кодекси Махсус қисмининг бешинчи бўлимида назарда тутилган ва унга Жиноят кодексининг 205-206, 209-215, 216¹, 228-229, 229², 230¹-230²-, 233, 235-236-моддаларида назарда тутилган, шунингдек ахборот-

коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация, интернет тармоқларида, ундан фойдаланиб, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки улар орқали содир этилган кибержиноятлар кириши мумкин.

1.2-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

205-модда. Ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасдан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтинчи соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашишига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан

фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹.

Қонунчиликка асосан, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниқласа, улар ўз ваколатлари доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўриши мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзга қонуний фаолиятига аралашиш ёки бундай фаолиятни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига:

битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босишни талаб қилиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш тўғрисида талаб қўйиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида қабул қилинган, зарар кўрилишига олиб келган қарорлар учун уларнинг бошқарув органлари аъзоларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тақиқланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг филиаллари раҳбар ходимларини тайинлашга аралашishi, банк маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиши тақиқланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг банклар кредит портфели ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш юзасидан банклар фаолиятига аралашishi тақиқланади.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан ушбу хўжаликларнинг агротехника усулларини, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, бу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилашига аралашishга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно².

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт³.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари барча ариза берувчиларнинг электрон давлат хизматларидан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини таъминлаши шарт⁴.

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити хавфсизлигини таъминлаш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши;

электрон рақамли имзонинг калити бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки кириш режимининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказини дарҳол хабардор қилиши;

² Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–395-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатларга имзо қўйиш учун мўлжалланган электрон рақамли имзонинг калитидан фақат тегишли мақсадларда фойдаланиши шарт⁵.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁶.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият,

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁶ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслиқ, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим⁷.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи

⁷ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳукуқини бериши шарт⁸.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁹.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, ушбу Қонунда белгиланган, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, беғараз ва холис бўлиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши, ўз хизмат мавқеидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги, шунингдек ўз хизмат фаолиятига, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқароларнинг фаолиятига қонунга хилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиши, шунингдек ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида олинган

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мазкур маълумотларни ошкор қилмаслиги, шу жумладан давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти тугаганидан кейин ошкор этмаслиги, қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши, давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши, ўзининг касбий компетенциясини мунтазам равишда ошириб бориши шарт.

Давлат фуқаролик хизматчиси ўзаро яқин қариндошликда ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно, педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустасно, ўзи хизмат қилаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олишга, ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга, чет давлат фуқаролигини олишга, қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар, шунингдек давлат фуқаролик хизматига киришдан олдин олинган ва ошкор қилинган мол-мулк мустасно, ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга ҳақли эмас. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фуқаролик хизматига қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Давлат фуқаролик хизматчиси шуғулланиши мумкин бўлмаган ҳақ тўланадиган фаолият турлари рўйхати коррупцияга қарши курашиш ва давлат фуқаролик хизмати бўйича махсус ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади. Ушбу чекловларга риоя этмаганлик давлат

фуқаролик хизматчисини қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт. Давлат фуқаролик хизматчиси қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шарт¹⁰.

Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонунчиликда белгиланган доирада амалга ошириши шарт.

Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак.

Маъмурий орган маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириши шарт.

Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқланади¹¹.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ–457-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин¹².

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади¹³.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, ҳокимият ёки мансаб ваколатини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати, сув, ер, ўсимлик ва ҳавонот дунёси муҳофазаси ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс – махсус субъект – давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси.

¹² Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹³ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга ҳилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, қасд (ўч, рашк, ғаразғўйлик), безорилик ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
 2) қилмишнинг ҳуқуққа ҳилофлилиги;
 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмишнинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан содир этилиши;

6) қилмишнинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши орқали содир этилиши;

7) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши зарурлиги;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) фуқароларнинг ҳуқуқларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;

2) фуқароларнинг ҳуқуқларига жиддий зиён етган вақтдан;

3) фуқароларнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;

4) фуқароларнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларига жиддий зиён етган вақтдан;

- 5) жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;
- 6) жамоат манфаатларига жиддий зиён етган вақтдан;
- 7) давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;
- 8) давлат манфаатларига жиддий зиён етган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – биринчи қисми моддий таркибли, иккинчи қисми аралаш таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавfli қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – электрон маълумотлар, давлат реестрлари, бюджет маълумотлари, тендер платформалар ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) авторизацияни суиистеъмол қилиш (Authorization Abuse). Мисол учун, мансабдор тизимга ўз профилидан кириб, талабга жавоб бермайдиган субъектга рухсатнома бериши;

2) электрон рақамли имзо воситаларини манипуляция қилиш. Мисол учун, мансабдор шахс хизмат компютерида ўз электрон рақамли имзоси билан қонунга ҳилоф электрон қарорларни, далолатномаларни ёки молиявий топшириқларни имзолаши;

3) маълумотларни яшириш ёки нотўғри тоифалаш. Мисол учун, реестр ёки электрон базаларда, масалан, кадастр ёки суд-ижро тизимларида маълумот статусини атайлаб “Кўриб чиқилмоқда” ёки “Тўхтатилган” ҳолатига ўтказиб, жараёни сунъий блоклаш;

4) алгоритмни танлаб қўллаш. Мисол учун, электрон танловлар ёки тендерларда баҳолаш мезонларига субъектив таъсир кўрсатиб, ўз ваколати доирасида, фақат маълум бир гуруҳ ғалаба қозонишини таъминлаш;

5) маълумотларни ғайриқонуний ўзгартириш. Мисол учун, давлат реестрлари ёки маълумотлар базаларига (масалан, кўчмас мулк, солиқ ёки божхона базалари) масофадан кириб, маълумотларни ўз манфаати йўлида сохталаштириш;

6) электрон рақамли имзони (ЭРИ) суиистеъмол қилиш. Мисол учун, ўз ваколати доирасидаги электрон ҳужжат айланиши тизимида сохта буйруқлар ёки рухсатномаларни тасдиқлаш;

7) тизимли тўсиқлар яратиш. Мисол учун, тадбиркор ёки фуқаронинг электрон сўровларини ахборот-коммуникация технология ёрдамида асоссиз блоклаш ёки жараёни сунъий равишда кечиктириш орқали зарар етказиш;

8) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаш. Мисол учун, кибержиноятчилар гуруҳига давлат ахборот тизимларига кириш учун ўз логин-паролларини бериш ёки тизимдаги ҳимоя механизмларини улар учун очиб қўйиш йўли билан содир этиши мумкин.

Жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар зарур бўлиши мумкин, хусусан:

1) аудит журналлари (Audit Trails ёки System Logs). Мисол учун, ҳар бир давлат тизимида қайси ID рақамли фойдаланувчи, қайси сана, соат ва миллисонияда қандай тугмани босганлиги тарихи сақланади;

2) сессия маълумотлари (Session Data). Мисол учун, логин қилинган IP-манзил, MAC-манзил, фойдаланилган қурилма (компьютер ёки смартфон) ва браузер (User-Agent) маълумотлари;

3) электрон рақамли имзо криптографик излари. Мисол учун, тасдиқланган электрон ҳужжат таркибидаги хэш-сумма (Hash value), вақт муҳри (Time stamp) ва сертификатнинг амал қилиш муддати ҳақидаги мета-маълумотлар;

4) маълумотлар базаси транзакциялари (SQL/NoSQL logs). Мисол учун, базада қайси ячейкадаги маълумот “А” ҳолатдан “Б” ҳолатга ўзгартирилганлигининг реляцион излари.

Жиноятни фош қилиш учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси давлат органи ёки давлат иштирокидаги ташкилотнинг мансабдор шахси қайси қурилма, IP-манзил ва логин орқали хизмат тармоғига кирганини, электрон ҳужжатлар ва маълумотлар базасига (масалан, фуқароларнинг навбатини сунъий ўзгартириш, давлат мулкани рўйхатдан ўтказиш тизимларидаги ўзгаришлар) киритилган ноқонуний ҳаракатларнинг рақамли изларини ва тизим лог-файлларини (log files), мансабдор шахснинг иш жойидаги аппарат воситаларидан (қаттиқ дисклар, флешкалар) ўчирилган маълумотларни, IP ва тармоқ изларини, давлат ахборот тизимининг мантикий ишлаш алгоритмининг, тизимда мансабдор шахс томонидан киритилган маълумотлар қай даражада тизим қоидаларига зид бўлганлигини;

2) суд-иқтисодий экспертизаси мансабдор шахснинг АКТ орқали амалга оширган ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида фуқароларга, давлат бюджетига ёки жамоат манфаатларига етказилган ҳақиқий зарар миқдорини ва унинг моддада кўрсатилган кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда эканлигини;

3) суд-молия-кредит экспертизаси агар ҳокимиятни суиистеъмол қилиш давлат мақсадли жамғармалари ёки ғазначилик электрон тизимлари орқали маблағларни ноқонуний йўналтириш билан боғлиқ бўлса, транзакциялар занжирини ва электрон тўловномаларнинг ҳаракатини;

4) суд-бухгалтерия экспертизаси мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш орқали давлат ташкилотининг электрон бухгалтерия дастурларига (масалан, 1C ёки UzASBO) киритилган сохта маълумотларни, ҳисобдан чиқарилган бюджет маблағларининг қонунийлигини;

5) суд-филологик экспертизаси давлат органи мансабдор шахсининг ички электрон ёзишмалари (E-mail, идоравий мессенжерлар) матнини таҳлил қилиб, ундаги буйруқларнинг хизмат манфаатларига зидлигини ва жиноятнинг қасддан содир этилганини тасдиқловчи лингвистик белгиларни;

6) суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси мансабдор шахснинг АКТ ёрдамида қилган ҳаракатлари масалан, давлат органининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали нотўғри маълумот тарқатиши давлат ҳокимияти обрўсига қанчалик жиддий зиён етказганлигини ва жамиятда давлат бошқарувига нисбатан ишончсизлик уйғотганлик даражасини;

7) суд-фонография экспертизаси мансабдор шахснинг қўл остидаги ходимларга ахборот-коммуникация технологиялари орқали давлат манфаатларига зид бўлган ҳаракатларни амалга ошириш бўйича берган оғзаки телефон кўрсатмалари ёки аудиохабарларидаги овознинг унга тегишлилигини ҳамда ёзувнинг яхлитлигини;

8) видеоматериалларнинг суд экспертизаси давлат ташкилотининг сервер хоналарида ёки ходимларнинг иш жойларида ўрнатилган кузатув камераларидаги тасвирлар орқали мансабдор шахснинг тизимга аралашув жараёни ва вақтини;

9) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси мансабдор шахс томонидан суиистеъмол қилиш орқали расмийлаштирилган электрон давлат ҳужжатлари, қарорлари ёки рухсатномаларидаги электрон рақамли имзоларнинг (ЭРИ) ва QR-кодларнинг ҳақиқийлигини;

10) суд-портрет экспертизаси хизмат компьютерларига ноқонуний кириш вақтида ёки сервер ускуналари олдида видеокамерага тушиб қолган шахснинг қиёфасини;

11) суд-психологик экспертизаси мансабдор шахснинг ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш вақтидаги руҳий-психологик ҳолатини, унинг давлат ва фуқаролар манфаатига зарар етказаётганини англаган ҳолда қасддан ҳаракат қилганини;

12) суд-хатшунослик экспертизаси жиноятни амалга ошириш жараёнида тизим логларини ёки электрон ҳужжатларни ўзгартиришга асос бўлган сохта қўлёзма кўрсатмалар, резолюциялар ва имзоларнинг айнан қайси мансабдор шахс томонидан қўйилганини;

13) суд-электротехникавий экспертизаси давлат ахборот тизимларининг ҳимоясини бузиш ёки лог-файлларни ўчириш мақсадида ишлатилган ташқи техник воситаларнинг (флешкалар, махсус қурилмалар) хусусиятлари ва техник ҳолатини;

14) ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси агар мансабдор шахс (масалан, божхона ёки ташқи савдо вазирлиги ходими) электрон божхона тизимларида ваколатини суиистеъмол қилиб, импорт-экспорт операцияларига тўсқинлик қилса ёки ноқонуний рухсат берса, бунинг давлат ташқи иқтисодий манфаатларига етказган зарарини;

15) суд-криптографик экспертизаси ҳужжатларга қўйилган электрон рақамли имзоларнинг ҳақиқийлигини, уларнинг ўзгартирилмаганлигини ва айнан шу гумонланувчига тегишли калит орқали шакллантирилганлигини;



16) одам ДНКси суд-биологик экспертизаси давлатнинг махфий ёки ёпиқ ахборот тизимлари жойлашган қурилмаларда (масалан, махсус хизмат компьютерлари ёки калитларида) қолган биологик излар орқали ушбу қурилмаларга ким жисмонан тегганини

аниқлайди.

Бунда, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқладиган манфаатлари деганда амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролаорининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тушуниш лозим.

1.3-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

206-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтинчи соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашишига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир.

Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹⁴.

Қонунчиликка асосан, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниқласа, улар ўз ваколатлари доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўриши мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзга қонуний фаолиятига аралашиш ёки бундай фаолиятни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига:

битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босишни талаб қилиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш тўғрисида талаб қўйиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида қабул қилинган, зарар кўрилишига олиб келган қарорлар учун уларнинг бошқарув органлари аъзоларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тақиқланади.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг филиаллари раҳбар ходимларини тайинлашга аралашishi, банк маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиши тақиқланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг банклар кредит портфели ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш юзасидан банклар фаолиятига аралашishi тақиқланади.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан ушбу хўжаликларнинг агротехника усулларини, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, бу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилашига аралашishiга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно¹⁵.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, ҳолисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт¹⁶.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари барча ариза берувчиларнинг электрон давлат хизматларидан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини таъминлаши шарт¹⁷.

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити хавфсизлигини таъминлаш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши;

электрон рақамли имзонинг калити бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки кириш режимининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказини дарҳол хабардор қилиши;

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–395-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатларга имзо қўйиш учун мўлжалланган электрон рақамли имзонинг калитидан фақат тегишли мақсадларда фойдаланиши шарт¹⁸.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур¹⁹.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият,

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслиқ, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим²⁰.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи

²⁰ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳукуқини бериши шарт²¹.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт²².

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, ушбу Қонунда белгиланган, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, беғараз ва холис бўлиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши, ўз хизмат мавқеидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги, шунингдек ўз хизмат фаолиятига, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқароларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиши, шунингдек ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида олинган

²¹ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²² Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мазкур маълумотларни ошкор қилмаслиги, шу жумладан давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти тугаганидан кейин ошкор этмаслиги, қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши, давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши, ўзининг касбий компетенциясини мунтазам равишда ошириб бориши шарт. Давлат фуқаролик хизматчиси ўзаро яқин қариндошликда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно, педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустасно, ўзи хизмат қилаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олишга, ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга, чет давлат фуқаролигини олишга, қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар, шунингдек давлат фуқаролик хизматида киришдан олдин олинган ва ошкор қилинган мол-мулк мустасно, ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга ҳақли эмас. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фуқаролик хизматида қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Давлат фуқаролик хизматчиси шуғулланиши мумкин бўлмаган ҳақ тўланадиган фаолият турлари рўйхати коррупцияга қарши курашиш ва давлат фуқаролик хизмати бўйича махсус ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади. Ушбу чекловларга риоя этмаганлик давлат фуқаролик хизматчисини қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа

жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт. Давлат фуқаролик хизматчиси қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шарт²³.

Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонунчиликда белгиланган доирада амалга ошириши шарт. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак. Маъмурий орган маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шарт. Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқланади²⁴.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф

²³ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ–457-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

равишда рухий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин²⁵.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади²⁶.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, ҳокимият ёки мансаб ваколатини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати, сув, ер, ўсимлик ва ҳавонот дунёси муҳофазаси ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 18 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс – махсус субъект – давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

коммуникация тизимига кириб, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, қасд (ўч, рашк, ғаразғўйлик), безорилик ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмишнинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан содир этилиши;

6) қилмишнинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши орқали содир этилиши;

7) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши зарурлиги;

- 8) алоқа;
- 9) ахборот;
- 10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
- 11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) фуқароларнинг ҳуқуқларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;
 2) фуқароларнинг ҳуқуқларига жиддий зиён етган вақтдан;
 3) фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;

4) фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етган вақтдан;

5) жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;

- 6) жамоат манфаатларига жиддий зиён етган вақтдан;
- 7) давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;
- 8) давлат манфаатларига жиддий зиён етган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – биринчи қисми моддий, иккинчи қисми аралаш таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилики даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – электрон маълумотлар, давлат реестрлари, бюджет маълумотлари, тендер платформалар, электрон ҳужжатлар, ахборот тизимлари, электрон рақамли имзо, маълумотлар базаси, Ахборот тизимларининг дастурий таъминоти (Software), тармоқ инфратузилмаси, марказлаштирилган маълумотлар базалари (СУБД), аудит журналлари ва фойдаланувчиларнинг идентификация маълумотлари (ҳисоб маълумотлари, ЭРИ) ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 4) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 5) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 6) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) ваколатларни кенгайтириш (Privilege Escalation):

вертикал кенгайтириш. Мисол учун, оддий ходим (мансабдор) тизимдаги код заифлигидан (SQL Injection ёки API заифлиги) фойдаланиб, ўзига супер-администратор ҳуқуқини бериб олиш ва юқори турувчи раҳбарнинг лавозим мажбуриятларини бажариш;

горизонтал кенгайтириш. Мисол учун, ходим ўзи билан тенг мақомдаги, лекин бошқа ҳудудга ёки соҳага масъул бўлган ҳамкасбининг электрон профилига рухсатсиз кириб, унинг номидан ҳаракат қилиши;

2) бировнинг рақамли идентификаторларини ўзлаштириш. Мисол учун, бошқа мансабдор шахсининг (айниқса раҳбарнинг) логин, пароли ёки ЭРИ (e-imzo) калитини хуфёна ёки алдов йўли билан қўлга киритиб, тизимда ўз ваколатига қирмайдиган қарорларни имзолаши;

3) тизимдаги мантикий чекловларни четлаб ўтиш (Bypassing Business Logic). Мисол учун, дастурдаги мантикий хатолардан фойдаланиш, масалан, тизим “ариза фақат 3 та имзодан сўнг тасдиқланади” деб дастурланган бўлса, жиноятчи URL-манзилдаги параметрларни қўлда ўзгартириб (Parameter Tampering), 1 та имзо билан аризани автоматик тасдиқланган ҳолатга ўтказиш;

4) backdoor (орқа эшик) ва зарарли скриптлар. Мисол учун, тизимга ташқи аралашув орқали фақат ўзи учун ишлайдиган яширин йўл яратиш ва

белгиланган тартибларни четлаб ўтиб маълумотларни тўғридан-тўғри маълумотлар базасида (Database level) ўзгартириш;

5) тизим иерархиясини бузиш. Мисол учун, мансабдор шахснинг ўзига тегишли бўлмаган ахборот тизимларига (масалан, суд, прокуратура ёки ИИБ базаларига) хизмат мавқеидан фойдаланиб, қонуний асосларсиз кириши ва у ерда маълумотларни ўзгартириши;

6) эксклюзив рақамли буйруқлар бериш. Мисол учун, фақат юқори турувчи органлар ёки махсус комиссиялар ваколатига кирадиган жараёнларни (масалан, стратегик объектларни рақамли бошқариш, йирик молиявий транзакцияларни тасдиқлаш ёки тизимли блоклаш) якка тартибда, ҳеч қандай коллегиял қарорсиз амалга ошириш;

7) криптографик калитларни ноқонуний ишлатиш. Мисол учун, ўз ваколатига кирмайдиган электрон ҳужжатларни ёки давлат сири ҳисобланган маълумотларни шифрдан чиқариш (decryption) ва уларни тарқатиш;

8) давлат ахборот тизимлари архитектурасига ўзгартириш киритиш. Мисол учун, ахборот-коммуникация технологиялари мутахассиси бўлган мансабдор шахснинг тизим кодига ўз ваколатига кирмайдиган орқа эшиклар (backdoors) яратиши ёки алгоритмларни ўзгартириши орқали содир этилиши мумкин.

Жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар зарур бўлиши мумкин, хусусан:

1) рухсат этилмаган уринишлар журнали (Failed Access Logs). Мисол учун, шахснинг ўз ваколатига кирмайдиган саҳифа ёки функцияга киришга қилган, аммо тизим томонидан дастлаб блокланган (Access Denied ёки Error 403 Forbidden) уринишлари тарихи;

2) ваколатларнинг ўзгариш излари (IAM / Active Directory Logs). Мисол учун, тизимда ким, қачон ва қайси IP манзилдан фойдаланувчининг ролларини масалан, мутахассисдан админга) ўзгартирганини кўрсатувчи аудит ёзувлари;

3) номувофик метамаълумотлар. Мисол учун, электрон ҳужжат тасдиқланган вақт билан фойдаланувчининг тизимга кирган вақти, ёки IP-манзил ва ЭРИ сертификати эгасининг жойлашуви ўртасидаги кескин фарқлар;

4) тармоқ трафигомаси (PCAP файллари). Мисол учун, тизим заифлигига (Exploit) қилинган ҳужум трафиги ва юборилган ғайритабиий сўровлар (HTTP requests).

Жиноятни фош қилиш учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси мансабдор шахснинг электрон тизимларда (ЯИДХП, E-qaror ва б.) ўз ваколатига (user role) крмайдиган функцияларни қандай бажарганини, тизимдаги бўшлиқлардан (заифликлардан) фойдаланиб ҳуқуқларини сунъий оширганини (privilege escalation) ёки бошқа мансабдор шахснинг аккаунтига қонунга ҳилоф равишда кириб ҳаракат қилганини, тизимнинг код манбаларини (Source Code) ва архитектурасини ўрганади, мансабдор шахс қайси мантиқий заифлик ёки скрипт орқали ўзига берилмаган ваколатни бажарганини ва бунинг кетма-кетлигини,



гумонланувчининг қурилмаларидан (компьютер, сервер, лог-файллар) жиноят қуроли сифатида фойдаланилган дастурлар изини қидириш ва ўчирилган ёзувларни, агар ваколатдан четга чиқиш бошқа шахснинг электрон рақамли имзо калити ёрдамида қилинган бўлса, ҳужжатнинг хэш-суммасини ва имзо қачон, қайси қурилмадан босилганини;

2) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси мансабдор шахс томонидан ўз ваколатидан четга чиқиб шакллантирилган электрон қарорлар, буйруқлар ёки лицензиялардаги электрон рақамли имзоларни (ЭРИ) таҳлил қилиб, калитнинг айнан қайси қурилмадан ва ким томонидан қўлланилганини, шунингдек, ҳужжатдаги вақт ва реквизитларнинг ўзгартирилмаганлигини;

3) суд-иқтисодий экспертизаси ваколатдан четга чиқиб қилинган ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ операциялар масалан, ноқонуний тарзда тендер ғолибларини тасдиқлаш ёки солиқ қарздорлигини ўчириш) натижасида давлат бюджетига ёки фуқароларга етказилган ҳақиқий моддий зарар миқдорини ҳисоблаб, унинг кўп ёки жуда кўп миқдорга мослигини;

4) суд-молия-кредит экспертизаси агар ваколатдан четга чиқиш молиявий ресурсларни электрон тақсимлашда масалан, ғазначилик тизимларида ўз ваколатига крмайдиган йирик суммаларни ўтказишда содир этилган бўлса, маблағларнинг ноқонуний транзакциялар занжирини ва электрон тўловномаларнинг йўналишини;

5) суд-бухгалтерия экспертизаси мансабдор шахснинг ваколатисиз давлат ташкилоти электрон ҳисоб-китобларига киритган сохта ўзгартиришларни, балансдан чиқарилган активларнинг бухгалтерия дастурларидаги (UzASBO, 1C) изларини;

6) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси мансабдор шахснинг ички тармоқ ёки мессенжерларда бошқа ходимларга ўзининг ваколатига крмайдиган электрон операцияларни бажариш бўйича берган кўрсатмалари матнини таҳлил қилиб, ҳаракатнинг қасддан содир этилганлиги ва зўравонлик ёки пўписа аломатларини;

7) суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси мансабдор шахс ўз ваколатидан четга чиқиб давлат ахборот ресурсларида (масалан, расмий веб-

сайтлар ёки давлат порталларида) ноқонуний қарорлар ёки баёлотлар жойлаштирган бўлса, бунинг давлат ҳокимияти обрўсига ва жамиятдаги барқарорликка етказган жиддий зиён даражасини;

8) суд-фонографик экспертизаси ўз ваколати доирасидан четга чиқиб, АКТ тармоқларида ноқонуний ўзгартиришлар қилиш учун телефон ёки овозли алоқа каналлари орқали берилган оғзаки буйруқларнинг овоз эгасини ва ёзувнинг яхлитлигини;

9) видеоматериалларнинг суд экспертизаси мансабдор шахснинг ўзига тегишли бўлмаган сервер хонасига ёки юқори турувчи раҳбарнинг компьютерига рухсатсиз жисмоний яқинлашиб, ундан фойдаланганлик ҳолатлари акс этган кузатув камералари тасвирларини;

10) суд-портрет экспертизаси ўз ваколати доирасидан четга чиқиб бошқа ходимнинг автоматик иш жойидан (АИЖ) электрон қарорларни тасдиқлаган шахсни кузатув камералари ёки биометрик тизимлар орқали;

11) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг ўз ваколатлари чегарасини аниқ билган ҳолда, қасддан ундан четга чиқиш мотивини, бу вақтдаги руҳий ҳолатини ва ўзини ўзи бошқариш лаёқатини;

12) суд-хатшунослик экспертизаси ахборот-коммуникация тизимларига кириш учун пароллар ёки ЭРИ калитларини топширишга мажбурловчи кўлёзма хатлар, сохта далолатномалар ёки рухсатномалардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини;

13) суд-электротехникавий экспертизаси мансабдор шахс ўзига рухсат берилмаган давлат ахборот тизимларига кириш учун локал тармоққа улаган кўшимча техник воситаларнинг (модемлар, маршрутизаторлар, калит-терминаллар) вазифаси ва ишлаш ҳолатини;

14) ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси агар мансабдор шахс божхона ёки логистиканинг электрон базаларида ўз ваколатига кирмайдиган товарларни ўтказиб юборишга ёки блоклашга буйруқ берган бўлса, бу ҳаракатнинг ташқи савдо қоидаларига зидлигини ва иқтисодий оқибатларини;

15) одам ДНКси суд-биологик экспертизаси юқори турувчи раҳбариятгагина тегишли бўлган ёпиқ АКТ-қурилмаларида (масалан, махсус алоқа телефонлари ёки флеш-калитларда) ваколати йўқ мансабдор шахснинг биологик излари (тер, ёғ) мавжудлигини аниқлайди.

Қилмишда назарда тутилган ҳаракат жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлиши жинойтни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

1.4-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб мансаб сохтакорлиги ёхуд мансаб киберсохтакорлиги жиноятининг юридик-техник таҳлили

209-модда. Мансаб сохтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) тақдирланган ёки ҳавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашишига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир.

Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт²⁷.

Қонунчиликка асосан, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниқласа, улар ўз ваколатлари доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўриши мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзга қонуний фаолиятига аралашиш ёки бундай фаолиятни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босишни талаб қилиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш тўғрисида талаб қўйиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида қабул қилинган, зарар кўрилишига олиб келган қарорлар учун уларнинг бошқарув органлари аъзоларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тақиқланади.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг филиаллари раҳбар ходимларини тайинлашга аралашishi, банк маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиши тақиқланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг банклар кредит портфели ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш юзасидан банклар фаолиятига аралашishi тақиқланади. Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан ушбу хўжаликларнинг агротехника усулларини, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, бу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилашига аралашishiга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно²⁸.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт²⁹.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари барча ариза берувчиларнинг электрон давлат хизматларидан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт. Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт. Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини таъминлаши шарт³⁰.

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити хавфсизлигини таъминлаш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши, электрон рақамли имзонинг калити бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки кириш режимининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказини дарҳол хабардор қилиши, тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатларга имзо қўйиш учун мўлжалланган электрон рақамли имзонинг калитидан фақат тегишли мақсадларда фойдаланиши шарт³¹.

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–395-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³¹ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур³².

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари

³² Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табiiй муҳитга зарар етказмаслиги лозим³³.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда

³³ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт³⁴.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт³⁵.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, Қонунда белгиланган, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, беғараз ва холис бўлиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши, ўз хизмат мавқеидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги, шунингдек ўз хизмат фаолиятига, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқароларнинг фаолиятига қонунга хилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиши, шунингдек ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида олинган мазкур маълумотларни ошкор қилмаслиги, шу жумладан давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти тугаганидан кейин ошкор этмаслиги, қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши, давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мақсадларида фойдаланиши, ўзининг касбий компетенциясини мунтазам равишда ошириб бориши шарт.

Давлат фуқаролик хизматчиси ўзаро яқин қариндошликда ёки қудатомондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно, педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини бажаришга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустасно, ўзи хизмат қилаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олишга, ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга, чет давлат фуқаролигини олишга, қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар, шунингдек давлат фуқаролик хизматида киришдан олдин олинган ва ошқор қилинган мол-мулк мустасно, ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга ҳақли эмас. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фуқаролик хизматида қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Давлат фуқаролик хизматчиси шуғулланиши мумкин бўлмаган ҳақ тўланадиган фаолият турлари рўйхати коррупцияга қарши курашиш ва давлат фуқаролик хизмати бўйича махсус ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади. Ушбу чекловларга риоя этмаганлик давлат фуқаролик хизматчисини қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга

нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт. Давлат фуқаролик хизматчиси қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шарт³⁶.

Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонунчиликда белгиланган доирада амалга ошириши шарт. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак. Маъмурий орган маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шарт. Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқланади³⁷.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан руҳсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли

³⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ–457-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин³⁸.

Бунда, тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-кидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади³⁹.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, ҳокимият ёки мансаб ваколатини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати, сув, ер, ўсимлик ва ҳавонот дунёси муҳофазаси ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 18 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс – махсус субъект – давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни

³⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁹ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилиши орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, қасд (ўч, рашк, ғаразгўйлик), безорилик ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмишнинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан содир этилиши;

6) қилмишнинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилиши орқали содир этилиши;

7) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлиши зарурлиги;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига жиддий зиён етказган вақтдан;

2) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа

манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг онун билан кўрикланадиган манфаатларига жиддий зиён етказган вақтдан;

3) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши жамоат манфаатларига жиддий зиён етказган вақтдан;

4) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши давлат манфаатларига жиддий зиён етказган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – биринчи қисми моддий, иккинчи қисми аралаш таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – электрон маълумотлар, давлат реестрлари, бюджет маълумотлари, тендер платформалар, электрон ҳужжатлар, ахборот тизимлари, электрон рақамли имзо, маълумотлар базаси, Ахборот тизимларининг дастурий таъминоти (Software), тармоқ инфратузилмаси, марказлаштирилган маълумотлар базалари (СУБД), аудит журналлари ва фойдаланувчиларнинг идентификация маълумотлари (ҳисоб маълумотлари, ЭРИ), PDF, XML, JSON ҳужжатлар, электрон қарорлар, лицензиялар (digital), реестр ёзувлари, электрон сертификатлар, E-IMZO билан тасдиқланган файллар ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) database injection (бевосита базага аралашув). Мисол учун, дастурий интерфейсни (GUI) айланиб ўтиб, тўғридан-тўғри маълумотлар базасидаги (Back-end) қийматларни ўзгартириш;

2) электрон рақамли имзо калитини сунистеъмол қилиш. Мисол учун, бошқа мансабдор шахсининг ЭРИ калитидан фойдаланиб, сохта маълумот киритилган ҳужжатни унинг номидан тасдиқлаш;

3) алгоритмик сохтакорлик. Мисол учун, тизимнинг ҳисоб-китоб модулини вақтинчалик ўзгартириб, нотўғри натижа (масалан, имтиёзли балл)



олиш ва кейин алгоритмни асл ҳолига қайтариш;

4) metadata manipulating. Мисол учун, файлнинг яратилган санаси ва муаллифи ҳақидаги яширин маълумотларни махсус дастурлар (Hex-editors) ёрдамида ўзгартириш;

5) маълумотлар базасига сохта ёзувлар киритиш. Мисол учун, давлат реестрларига, шу жумладан, ахборот тизими ва ресурсларига амалда мавжуд бўлмаган маълумотларни масофадан туриб қўйиш;

6) электрон ҳужжатларни қалбакилаштириш. Мисол учун, PDF ёки бошқа форматдаги расмий ҳужжатларнинг мазмунини махсус дастурлар ёрдамида ўзгартириш ва уларни тизим орқали ҳақиқий сифатида тарқатиш;

7) лог-файлларни (тизим тарихини) тахрирлаш. Мисол учун, қилмишни яшириш мақсадида тизимдаги ҳаракатлар тарихини ўзгартириб, сохта вақт ёки сохта ижрочининг шахсга доир маълумотларини киритиш;

8) сунъий интеллект ёрдамида сохта таҳлилий материаллар яратиш. Мисол учун, ахборот тизими ва платформанинг сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиб, аслида ўтказилмаган тадқиқотлар учун сохта илмий хулосалар ва ҳисоботларни автоматик шакллантириш;

9) автоматлаштирилган скриптлар (Bots). Мисол учун, тизимга сохта маълумотларни оммавий равишда киритиш учун кичик дастурлар ёки скриптлардан фойдаланиб, ахборот тизими ёки платформада тадқиқотлар сонини сунъий равишда ошириб кўрсатиш;

10) сессияларни ўғирлаш (Session Hijacking). Мисол учун, бошқа бир масъул шахсининг (масалан, раҳбарнинг) тизимдаги очиқ қолган сессиясидан фойдаланиб, унинг номидан сохта тасдиқнома юбориш;

11) хеш-қийматларни манипуляция қилиш. Мисол учун, рақамли ҳужжатнинг яхлитлигини таъминловчи хеш-кодларни (hash sums) ўзгартириш орқали ҳужжат мазмуни алмаштирилганини яшириш;

12) deepfake ва сунъий интеллект матнлари. Мисол учун, сохта ҳисоботларни тайёрлашда сунъий интеллект ёрдамида ҳақиқий муаллиф услубини нусхалаш ёки сохта аудио-видео ҳисоботларни тизимга юклаш йўли билан содир этилиши мумкин.

Жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар зарур бўлиши мумкин, хусусан:

1) transactional logs. Мисол учун, маълумотлар базасидаги ёзув қачон ва қайси ҳисоб ёзуви (Account) орқали ўзгартирилгани ҳақидаги ёзув.;

2) shadow copies ёки snapshots. Мисол учун, тизимнинг архив нусхалари. Масалан, кечаги нусхада қарздор деб турган шахс, бугунги нусхада қарзсиз бўлиб қолгани;

3) application logs. Мисол учун, илова ичидаги фойдаланувчи ҳаракатлари кетма-кетлиги;

4) MAC va IP address correlation. Мисол учун, ҳаракат содир этилган курилманинг тармоқ идентификаторлари ва унинг шахсга тегишлилиги;

5) Hash values. Мисол учун, ҳужжатнинг хэш-суммаси ўзгаргани (ҳужжатга кичик ўзгартириш киритилса ҳам унинг хэш-коди тубдан ўзгаради).

Жиноятни фош қилиш учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари курилмалари ёрдамида давлат реестрлари ёки маълумотлар базаларига қайси вақтда ва қайси манзилдан (IP-manzil) кирилганини, ҳужжатнинг асл метамаълумотларини, ўчириб юборилган электрон ёзувларни тиклаш ва сохта маълумотлар киритилишининг техник механизмини, курилмада сохта ҳужжат яратилганини, ўчирилган файлларни тиклаш ва тизимга кириш вақтларини, маълумотлар базаси ва дастурий таъминотнинг яхлитлиги бузилганини, масофавий аралашув изларини, электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини ва ҳужжат имзолангандан сўнг ўзгартириш киритилган-киритилмаганлигини, файлнинг техник параметрлари (сана, вақт, дастур версияси) ҳақиқийлигини;

2) суд-иқтисодий экспертизаси мансаб сохтакорлиги натижасида давлат бюджетига ёки ташкилотга етказилган ҳақиқий иқтисодий зарар миқдорини ҳамда ушбу зарарнинг моддада назарда тутилган жиддий зарар даражасига мослигини;

3) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари воситасида яратилган сохта электрон ҳужжатлардаги электрон рақамли имзоларнинг (ЭРИ), QR-кодларнинг, электрон муҳр ва реквизитларнинг ҳақиқийлигини ёки уларнинг техник жиҳатдан қалбакилаштирилганлик ҳолатларини;

4) суд-филологик экспертизаси мансабдор шахснинг электрон ёзишмалари (Telegram, E-mail ва ҳк.) ва ҳужжат матнини таҳлил қилиш орқали ундаги ғаразгўйлик ёки шахсий манфаатдорлик ниятини, маълумотларнинг атайлаб нотўғри баён этилганини тасдиқловчи лингвистик белгиларни;

5) суд-бухгалтерия экспертизаси давлат иштирокидаги ташкилотларнинг электрон бухгалтерия тизимларида (UzASBO, 1C) сохта ҳужжатлар асосида амалга оширилган ноқонуний пул ўтказмаларини, асоссиз ҳисобдан чиқарилган маблағларни ва ҳисоботлардаги виртуал тафовутларни;

6) суд-молия-кредит экспертизаси сохта электрон маълумотномалар ёки ҳужжатлар асосида банк тизимлари орқали олинган кредитларнинг ҳаракат йўналишини ва ушбу маблағларнинг якуний эгасини (транзакциялар занжирини);

7) суд-фонографик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари тармоқлари орқали сохтакорликка оид берилган овозли

буйруқлар ёки келишувлардаги овознинг айнан шу мансабдор шахсга тегишлилигини ва ёзувда монтаж йўқлигини;

8) видеоматериалларнинг суд экспертизаси мансабдор шахснинг компьютерда сохта ёзувларни киритаётган жараёни ёки серверхонадаги ҳаракатлари акс этган видеокузатув тасвирларининг ҳаққонийлигини ва ундаги вақт кўрсаткичларини;

9) суд-портрет экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари тизимларига киришда биометрик идентификациядан (Face ID) ўтиш вақтида ёки кузатув камераларида қолган тасвирлар орқали сохтакорликни амалга оширган шахснинг қиёфасини идентификация қилишни;

10) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг сохта маълумот киритиш вақтидаги руҳий ҳолатини, унинг ўз ҳаракатлари оқибатини "била туриб" англаганлигини ва жиноят содир этишдаги асл психологик мотивларини;

11) суд-хатшунослик экспертизаси сохта электрон хужжатларни шакллантиришга асос бўлган қўлёзма буйруқлар, далолатномалар ёки резолюциялардаги имзоларнинг айнан қайси мансабдор шахс томонидан қўйилганини;

12) суд-товаршунослик экспертизаси мансаб сохтакорлиги орқали асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилган ёки қиймати пасайтириб кўрсатилган ахборот-коммуникация технологиялари ускуналари ва дастурий таъминотларнинг ҳақиқий бозор қийматини;

13) суд-электротехникавий экспертизаси сохтакорликни амалга ошириш ёки тизим ҳимоясини бузиб кириш учун ишлатилган махсус техник курилмаларнинг (токкенлар, аппарат калитлари) техник созлигини ва вазифасини;

14) одам ДНКси суд-биологик экспертизаси сохта маълумотлар киритилган техник воситаларда (сичқонча, клавиатура) ёки электрон рақамли имзо калитларида қолган биологик излар орқали ушбу воситалардан айнан қайси мансабдор шахс фойдаланганини;

15) ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси агар сохтакорлик экспорт-импорт операцияларига оид электрон тизимларда содир этилган бўлса, киритилган сохта маълумотларнинг давлат ташқи иқтисодий манфаатларига етказган зарарини;

16) суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси мансаб сохтакорлиги натижасида давлатнинг расмий ахборот ресурсларида пайдо бўлган сохта маълумотларнинг давлат ҳокимияти обрўсига ва жамиятдаги ижтимоий барқарорликка етказган салбий таъсирини аниқлайди.

Ушбу жиноятда ғаразғўйлик моддий ва номоддий манфаатдорлик ёки бошқа шахсий манфаатлар, жумладан, ижро интизоми бўйича кўрсаткичларни сунъий равишда ошириш, танқиддан қочиш, мурожаталарга жавоб хатини тизимда юборилган деб кўрсатиш орқали ижро интизомини бузиш ва бошқалар бўлиши мумкин.

Агарда ғаразғўйлик пора билан боғлиқ бўлса, қилмиш ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган порахўрлик жиноятлари билан бирга жиноятлар мажмуи сифатида малакаланиши шарт.

Киберэкспертизада метадата таҳлили амалга оширилиб, ҳужжат аслида қачон ва қайси компьютерда яратилганлигини текшириш, электрон рақамли имзо (ЭРИ) орқали сохта ҳужжат қайси мансабдор шахснинг томонидан тасдиқланганини аниқлаш, тизимга қайси IP-манзил орқали кирилгани ва қайси модулда ўзгартириш қилинганини кузатиш орқали идентификация тўлиқ амалга оширилиши даркор. Шунингдек, тизим логлари (Audit Logs) бўлган маълумот киритилган аниқ вақт, IP-манзил ва қурилманинг MAC-манзили, ЭРИ калитларининг ҳақиқийлиги, электрон имзо қўйилган вақтда сертификатнинг амал қилиши ва имзо эгасининг идентификация маълумотлари, ҳужжат метамаълумотлари, шу жумладан, файлнинг яратилиш тарихи, таҳрир қилинган дастурий воситалар ва муаллифлик теглари, маълумотлар базасининг транзакциялар тарихи, шу жумладан, ўзгартириш базанинг қайси қаватида (interface ёки back-end) амалга оширилганини аниқлаш ҳамда матннинг сунъий интеллект томонидан генерация қилинганлиги ёки йўқлигини аниқловчи техник маркерларни текшириш шарт.

Кибержиноятчи инсайдер сифатида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори билимга эга, давлат ахборот тизимларининг ички ишлаш алгоритмини биладиган, тизим ичидаги ишончли шахс (инсайдер) бўлиши мумкин. Одатда ушбу жиноят рақамли назоратнинг кучайиши натижасида мансабдор шахсларнинг ўз ишидаги камчиликларни яшириш ёки кўрсаткичларни сохталаштиришга бўлган рақамли эҳтиёжи ортиши туфайли вужудга келади, шу сабабли тақдимнома ёки хусусий ажрим юбораётган вақтида ушбу жиноятнинг вужудга келиш сабабларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

1.5-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора олиш ёхуд киберпора олиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

210-модда. Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлиши, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) тамағирлик йўли билан;

г) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашишига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши,

мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт⁴⁰.

Қонунчиликка асосан, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниқласа, улар ўз ваколатлари доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўриши мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзга қонуний фаолиятига аралашиш ёки бундай фаолиятни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига:

битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босишни талаб қилиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш тўғрисида талаб қўйиш;

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида қабул қилинган, зарар кўрилишига олиб келган қарорлар учун уларнинг бошқарув органлари аъзоларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тақиқланади.

Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг филиаллари раҳбар ходимларини тайинлашга аралашishi, банк маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиши тақиқланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг банклар кредит портфели ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш юзасидан банклар фаолиятига аралашishi тақиқланади.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан ушбу хўжаликларнинг агротехника усулларини, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, бу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилашига аралашishiга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно⁴¹.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт⁴².

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари барча ариза берувчиларнинг электрон давлат хизматларидан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини таъминлаши шарт⁴³.

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити хавфсизлигини таъминлаш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши;

⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴² Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴³ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–395-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

электрон рақамли имзонинг калити бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки кириш режимининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказини дарҳол хабардор қилиши;

тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатларга имзо қўйиш учун мўлжалланган электрон рақамли имзонинг калитидан фақат тегишли мақсадларда фойдаланиши шарт⁴⁴.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁴⁵.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чикувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб

⁴⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим⁴⁶.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши,

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт⁴⁷.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлиғига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁴⁸.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, Қонунда белгиланган, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, беғараз ва ҳолис бўлиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши, ўз хизмат мавқеидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги, шунингдек ўз хизмат фаолиятига, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва

⁴⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фуқароларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиши, шунингдек ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида олинган мазкур маълумотларни ошкор қилмаслиги, шу жумладан давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти тугаганидан кейин ошкор этмаслиги, қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши, давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши, ўзининг касбий компетенциясини мунтазам равишда ошириб бориши шарт.

Давлат фуқаролик хизматчиси ўзаро яқин қариндошликда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустасно, ўзи хизмат қилаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олишга, ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга, чет давлат фуқаролигини олишга, қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар, шунингдек давлат фуқаролик хизматида киришдан олдин олинган ва ошкор қилинган мол-мулк мустасно, ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга ҳақли эмас.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фуқаролик хизматида қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини

тўхтатиб туриш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Давлат фуқаролик хизматчиси шуғулланиши мумкин бўлмаган ҳақ тўланадиган фаолият турлари рўйхати коррупцияга қарши курашиш ва давлат фуқаролик хизмати бўйича махсус ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади. Ушбу чекловларга риоя этмаганлик давлат фуқаролик хизматчисини қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт. Давлат фуқаролик хизматчиси қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шарт⁴⁹.

Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонунчиликда белгиланган доирада амалга ошириши шарт. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак. Маъмурий орган маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шарт. Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқланади⁵⁰.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонлиқни,

⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ–457-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда рухий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин⁵¹.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади⁵².

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, ҳокимият ёки мансаб ваколатини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати, сув, ер, ўсимлик ва ҳавонот дунёси муҳофазаси ва бошқалар;

⁵¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵² Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

5. Кибержиноят субъекти – 18 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс – махсус субъект – давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга ҳилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлиши орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, қасд (ғаразгўйлик, тамагирлик) ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоӣ хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа ҳилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан содир этилиши;
- 6) қилмишнинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлиши орқали содир этилиши;
- 7) айбдорнинг қилаётган қилмиши қонунга ҳилоф эканлигини билиши;
- 8) алоқа;
- 9) ахборот;
- 10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
- 11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

- 1) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси моддий қимматликлар олган вақтдан;

2) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси мулкый манфаатдор бўлган вақтдан;

3) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси моддий қимматликларга тенглаштирилган неъматларни олиш ҳуқуқига эга бўлган вақтдан;

4) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси моддий қимматликларга тенглаштирилган неъматларни олиш ҳуқуқини берувчи имтиёзга (масалан, блокчейн тармоғида транзакция тасдиқланган лаҳза) эга бўлган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли, бироқ амалиётда кесик таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавfli қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – моддий қимматликлар, мулкый манфаатдорликка боғлиқ корпоратив молиявий активлар, электрон ҳисоб рақамлари, онлайн тўлов баланслари, виртуал активлар, рақамли активлар, мол-мулк, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозлар, мулкый ҳуқуқлар, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар, мулкый йўсиндаги ҳаракатлар, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни бериш ёки муаллифлик ҳуқуқидан фойда олишга қаратилган ҳаракатлар, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товар сотиш каби ҳаракатлар, мулкый манфаатлар, шу жумладан, умумий мулкдорлик, меросдан воз кечиш ва ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миждозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш

хукуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш хукуқи ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription) ва ҳк.

Бунда, жиноят предмети сифатида моддий қийматга эга нарса, номоддий манфаат, рақамли актив, махфий ахборот ва ҳукуқ бериш тан олинishi мумкин. Бироқ, номоддий манфаатга кирадиган ҳолатлар, жумладан, жинсий алоқа қилиш, бошқа шахсни жинсий алоқа қилишга кўндириш ушбу жиноят предмети саналмайди ва улар жиноят бўлиши учун айбдор мулкый манфаатдорликка ёки моддий қимматликка эга бўлиши шарт.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) **смарт-контрактлар орқали автоматлаштирилган пора (Self-executing bribe).** Мисол учун, маълум бир ҳаракат масалан, тизимда рухсатнома чиқиши бажарилганидан сўнг, дастур коди автоматик равишда крипто-маблағни мансабдорнинг ҳамёнига ўтказиш;

2) **mixer ва tumbler хизматлари.** Мисол учун, пора сифатида келиб тушган крипто-маблағларни келиб чиқишини яшириш учун уларни юзлаб бошқа транзакциялар билан аралаштириб юбориш;

3) **виртуал воситачилик.** Мисол учун, пора мессенжерлардаги ботлар орқали, ҳеч қандай юзма-юз учрашувсиз ва овозли алоқасиз ташкил этилиши;

4) **тармоқли пора.** Мисол учун, маблағни битта йирик суммада эмас, балки юзлаб майда микро-транзакциялар кўринишида турли карта ва ҳамёнларга бўлиб юбориш (Smurfing);

5) **криптовалюталар орқали транзакциялар.** Мисол учун, транзакция занжирини кузатиш мураккаб бўлган миксерлар (tumblers)дан фойдаланиб, порани анонимлаштирилган криптоҳамёнлар (Bitcoin, Monero, USDT ва ҳ.к.) орқали қабул қилиш;

6) **электрон ҳамёнлар ва мобил иловалар.** Тўлов тизимлари (Payme, Click ва ҳ.к.) ёки халқаро ҳамёнлар (WebMoney, AdvCash) орқали маблағларни учинчи шахсларга тегишли сим-карталар ёки дроплар (пул ювиш учун

ёлланувчилар – жинойй даромадларни легаллаштирувчи шахслар) ҳисобига ўтказиш;

7) виртуал активлар ва ин-гейм валюталари. Мисол учун, порани онлайн ўйинлардаги қимматбаҳо буюмлар ёки виртуал мулклар шаклида олиш ва кейинчалик уларни ҳақиқий пулга айлантириш (нақдлаштириш);

8) тизимдаги ваколатларни сотиш. Мисол учун, мансабдор шахс пора эвазига пора берувчига давлат ахборот тизимида ноқонуний кириш имконини берувчи логин-паролларни тақдим этиши ёки тизимда маълум имтиёзли ёзувларни яратиши;

9) НФТ (NFT) ва рақамли санъат. Мисол учун, ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган рақамли тасвирни (NFT) пора берувчидан жуда қиммат нархда сотиб олинишини ташкиллаштириш ва шу орқали мулкый манфаатдор бўлиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жинойтни фош этишда қуйидаги рақамли далиллар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) blockchain explorer ёзувлари. Мисол учун, транзакция хэши (TXID), жўнатувчи ва қабул қилувчи ҳамён манзиллари, ўтказилган вақт.;

2) exchange (биржа) маълумотлари. Мисол учун, KYC (Know Your Customer) маълумотлари, яъни крипто-ҳамён айнан қайси мансабдор шахснинг паспортига ёки телефон рақамига боғлангани;

3) мессенжерлардаги кеш ва метамалумотлар. Мисол учун, Telegram, Signal ёки WhatsApp ва бошқа мессенжерлардаги ўчириб юборилган хабарларнинг техник қолдиқлари;

4) банк иловалари логлари. Мисол учун, IP-манзиллар ва қурилма идентификаторларининг (IMEI) маблағ келиб тушган вақтдаги координатлари;

5) cookie ва browser history. Мисол учун, гумонланувчининг крипто-биржаларга киргани ёки маблағни қандай нақдлаштириш ҳақидаги қидирув сўровлари.

Жинойтни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари қурилмаларида пора предметининг ҳаракатига оид рақамли изларни, электрон ҳамёнлар ва крипто-биржа иловаларининг кэш маълумотларини, пора эвазига бажарилиши керак бўлган ҳаракатларнинг тизимдаги лог-файлларини масалан, маълумотларни ўзгартириш ёки рухсат беришни, шахснинг қурилмаларидан криптоҳамён калитларини (seed phrase) топиш ва мессенжерлардаги ёзишмаларни;

2) суд-иктисодий экспертизаси пора сифатида олинган моддий қимматликларнинг, электрон активларнинг ёки тақдим этилган мулкый манфаатнинг масалан, мансабдор шахснинг кредитлари ёки коммунал тўловларини масофавий тўлаб бериш умумий қийматини ҳамда унинг кўп ёки жуда кўп миқдор даражасини;

3) суд-молия-кредит экспертизаси пора сифатида берилган пул маблағларининг банк карталари (P2P), транзит ҳисоб рақамлари ва масофавий

банк хизматлари орқали ҳаракатланиш занжирини, маблағларнинг якуний келиб тушиш манзилини ва уларни нақдлаштириш жараёнини;

4) суд-филологик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари тармоқларидаги (Telegram, WhatsApp ва б.) ёзишмаларда пора олишга шаъма қилувчи кодли сўзларни, тамагирлик аломатларини ва пора бераётган шахс манфаатлари йўлида келишилган шартларнинг мазмунини;

5) суд-бухгалтерия экспертизаси порани давлат иштирокидаги ташкилотнинг молиявий ҳужжатларида мукофот пули, хизмат сафари харажатлари ёки бошқа тўловлар сифатида ниқоблаш мақсадида киритилган сохта бухгалтерия ёзувларини;

6) суд-фонография экспертизаси пора олиш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширилган телефон сўзлашувлари ва аудиохабарлардаги овозларнинг айнан мансабдор шахсга тегишлилигини ҳамда ёзувда техник ўзгартиришлар йўқлигини;

7) видеоматериалларнинг суд экспертизаси пора предмети бўлган моддий қимматликларни масалан, қимматбаҳо гаджетлар ёки банк карталарини топшириш жараёни акс этган видеокузатув тасвирларининг ҳаққонийлигини ва ундаги шахсларнинг ҳаракатларини;

8) суд-портрет экспертизаси банкоматлардан ёки тўлов терминалларида фойдаланиш вақтида камераларга тушиб қолган, пора сифатида келиб тушган маблағларни нақдлаштираётган ёки ишлатаётган шахснинг қиёфасини идентификация қилишни;

9) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси мансабдор шахс пора эвазига ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида расмийлаштириб берган электрон ҳужжатлардаги рақамли имзоларнинг, QR-кодларнинг ва реквизитларнинг ҳақиқийлигини;

10) суд-хатшунослик экспертизаси пора олиш билан боғлиқ бўлган кўлёзма қайдлар, қора бухгалтерия ёзувлари ёки банк карталари рақамлари ёзилган қоғозлардаги хат-ҳаракатлар кимга тегишли эканлигини аниқлайди;

11) уд-товаршунослик экспертизаси пора предмети сифатида берилган ахборот-коммуникация технологиялари воситаларининг (масалан, сўнгги моделдаги смартфонлар, сервер ускуналари) ҳақиқий бозор қийматини;

12) суд-психологик экспертизаси мансабдор шахснинг ҳаракатларида тамагирлик аломатлари бор-йўқлигини, унинг пора олиш вақтидаги иродавий ҳолатини ва жиноий мотивларининг психологик хусусиятларини;

13) суд-электротехникавий экспертизаси жиноятни яшириш ёки пора предметини масалан, крипто-ҳамён калитларини сақлаш учун ишлатилган махсус техник қурилмаларнинг ишлаш принципини ва техник ҳолатини;

14) одам ДНКси суд-биологик экспертизаси пора сифатида берилган нақд пулларда, банк карталарида ёки техник воситаларда қолган биологик излар орқали ушбу ашёларни айнан қайси мансабдор шахс ушлаганини ва қабул қилганини;

15) ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси агар пора халқаро шартномалар ёки экспорт-импорт амалиётларини электрон

тизимларда қўллаб-қувватлаш эвазига олинган бўлса, бу ҳаракатнинг ташкилот валюта балансига таъсирини;

16) суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси пора олиш жиноятининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг нуфузига, давлат хизматчиларининг этикасига ва жамиятнинг давлатга бўлган ишончига етказган зарарли таъсирини аниқлайди.

Кибержиноят сифатида пора олишда бевосита жисмоний алоқа бўлмайди, балки томонлан darknet ёки мессенжерлар орқали келишади, бу эса тезкор-қидирув тадбирларини масалан, пора билан ушлашни қийинлаштиради. Давлат хизматларининг рақамлашиши натижасида мансабдор шахснинг тизим ичидаги бир тугмани босиш ваколати юқори иқтисодий қийматга эга бўлиб бориши туфайли бунга оид жиноятлар кўпайиб бораверади. Шу сабабли суд-иқтисодий ва компьютер-техникавий экспертизалари доирасида қуйидагиларни мажбурий текшириш керак бўлади:

1) **блокчейн таҳлили (Chainalysis)**. Кriptoҳамёнларнинг мансублиги, транзакциялар вақти ва занжирини текширилади;

2) **қурилмалардаги хабарлар (Forensic Messaging)**. Ижтимоий тармоқлар, жумладан, Telegram, Signal ёки даркнет форумларидаги ўчириб ташланган келишув хабарларини тиклаш ва таҳлил қилиш амалга оширилади;

3) **электрон ҳамёнларнинг идентификация маълумотлари**. Тўлов амалга оширилган вақтдаги IP-манзил, IMEI код ва транзакция амалга оширилган браузернинг рақамли излари олинадилар ва текширилади.

4) **мулкӣ манфаатдорликни баҳолаш**. Рақамли активнинг (масалан, NFT ёки аккаунтнинг) бозор қиймати ва унинг сотиб олиниш жараёнидаги сунъий қимматлаштирилганлик ҳолатини текширилади.

Жиноят такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖК 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, кўп ёки жуда миқдорда, тамагирлик йўли билан, бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, бу ҳолатлар жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олинадилар.

Тергов давомида мансабдор шахс томонидан пора берувчининг манфаати учун қайси ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик эвазига пора олинганлигини аниқлаш ва уни ҳукмда кўрсатиш лозим. Бу ўринда порахўрлик учун жавобгарлик, пора ҳаракат содир қилингандан олдин ёки кейин берилишига боғлиқ бўлмасдан, пора олдиндан келишилганлиги, пора олувчининг манфаати учун бирон-бир ҳаракат бажарилган бўлишидан қатъи назар келиб чиқади. Мансабдор шахснинг ўз қўли ёки назорати остидаги шахслардан уларни хизмат юзасидан ҳимоялаш ёки қўллаб туриш, ваколати доирасига кирувчи масалаларни ушбу шахслар манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳал қилганлиги учун улардан пул маблағлари ёки бошқача бойликларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб олиши пора олиш ҳам ҳисобланади. Бойликлар ёки хизматларни олиш шартлари олдиндан махсус келишилмаган бўлсада, лекин жиноят иштирокчилари пора, пора берувчининг манфаатларини кўзлаб берилаётганлигини англаган ҳолларда ҳам мансабдор

шахсларнинг ҳаракатлари пора бериш ва олиш деб тан олинади. Пора бериш ва олиш учун жавобгарлик ўзганинг мулкани талон-торож, мансаб сохтакорлиги, ҳужжатларни сохталаштириш ва шу каби бошқа жиноятлар билан бир вақтда жиноятлар мажмуи учун жиноий жавобгарликка тортишни мустасно қилмайди. Бошқа шахсга пора бериш йўли билан исталган ҳаракат ёки ҳаракатсизликка эришишни таклиф қилган шахс пора берувчи тариқасида жавобгар бўлади, пора учун келишилган ҳаракатни бажаришга келишган ва порани топширган шахс эса пора беришда иштирокчи тариқасида жавобгар бўлиши лозим. Агарда у таклифнинг моҳиятини билган ҳолда порани фақатгина такдим этса, унинг ҳаракати порахўрликда воситачилик тариқасида тавсифланиши керак. Порани бериш ёки олишни ташкиллаштирувчи, бунга йўналтирилган турли хил фаолият юритувчи ёки бўлмаса пора бериш ёки олишда ёрдамчи бўлган ва бир вақтнинг ўзида воситачилик ҳаракатларини бажарган шахс пора бериш ёки олишда иштирокчиликда жавобгар бўлади. Бу ўринда иштирокчининг ҳаракатини тавсифлаш масаласи у кимнинг манфаатини, ким томонидан ва кимнинг пора берувчинингми ёки олувчининг ташаббуси билан ҳаракат қилганидан келиб чиқиб, унинг қасди нимага қаратилганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш лозим бўлади. Бундай ҳолларда ЖКнинг 212-моддаси билан қайта тавсифлаш талаб қилинмайди. Пора олиш, пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилишни такрорийлик белгисига кўра тавсифлаш ушбу жиноятнинг ўзини икки маротабадан кам бўлмаган миқдорда содир этилишини ва улардан ҳеч бири учун шахснинг судланмаганлигини ҳамда жиноий жавобгарликка тортишнинг муддати ўтиб кетмаганлигини тақозо этади. Мансабдор шахснинг бир вақтнинг ўзида бир неча шахсдан пораларни олиши, башарти пора берувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида қилмиш содир этилса, такрорий пора олиш деб тавсифланиши лозим. Жиноятни содир этишда аввалдан, яъни жиноят бошлангунча келишиб олган икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахс иштирок этган бўлса, пора олиш бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир этилган ҳисобланади. Жиноят мансабдор шахслардан лоақал бири пора олган пайтдан эътиборан тугалланган деб ҳисобланади. Бунда пора олувчи шахснинг пора олишда бир неча мансабдор шахслар иштирок этаётганлигини тан олган-олмаганлигининг аҳамияти йўқ. Бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан аввалдан тил бириктириб пора олинганда поранинг миқдори олинган бойликлар ёки мулкый манфаатнинг умумий қиймати билан белгиланади, асоссиз равишда олинган нарсаларни давлат фойдасига ундиришда эса, ҳар бир мансабдор шахс олган мулкый фойданинг пул миқдоридан келиб чиқиш керак. Бошқа мансабдор шахс билан аввалдан келишмаган ҳолда пора олиб, кейин поранинг бир қисмини унга берган мансабдор шахс, порани олганлиги учун ҳам, берганлиги учун ҳам, яъни жиноятлар мажмуи учун жавобгар бўлади. Жиноятни тавсифлаш пора миқдorigа боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда, ҳар қандай пора предметининг қиймати товарларнинг нархи, хизматларнинг ҳақи ёки тарифи асосида, улар бўлмаганда экспертлар хулосаси асосида аниқланади. Агарда кўп ёки жуда кўп миқдорда ноқонуний тақдирлаш бўлиб-бўлиб

олинган бўлса ва бу ҳаракатлар ягона давомли жиноятнинг бир қисми бўлса, содир этилган ҳаракатлар тегишлича кўп ёки жуда кўп миқдорда пора олиш деб баҳоланиши лозим.



Тамагирлик – мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан тушириш демакдир. Шунинг учун мансабдор шахс томонидан масалан, камомадни кўрсатмаслик, ўқув юртларига тартиб-қоидаларни бузган ҳолда қабул қилиш, жиноят ишини ноқонуний тугатиш ва бошқа ҳолларда пора талаб қилиш ҳаракатларида товламачилик аломатлари мавжуд бўлмайди. Жиноят кодексининг 210, 211, 212-моддалари 1,2 ва 3-қисмларида кўзда тутилган белгиларга

тушувчи жиноятни ЖКнинг 33-моддасида кўрсатилган қоидаларга асосан шу моддаларнинг 3-қисми билан тавсифлаш керак. Бу ҳолда ҳукмнинг тавсиф қисмида қилмишнинг барча тавсифлаш белгилари ва маҳкумнинг содир этганликда айбдор деб топилган барча ҳаракатлари кўрсатилиши зарур. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини билдирувчи (тамагирлик, поранинг кўп ёки жуда кўп миқдори) тавсифлаш белгилари жиноят иштирокчиларининг ҳам айбига, агарда бу ҳолатлар уларнинг қасди билан қамраб олинган бўлса, қўйилиши лозим. Шунинг билан бирга жиноят иштирокчиларининг ҳаракатларини тавсифлашда жиноятнинг бошқа иштирокчиларини таърифловчи (бир неча бор пора олиш, бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, порахўрлик учун судланганлик каби) ҳолатлар инобатга олинмаслиги керак. Агар айбдор пора берувчидан мансабдор шахсга бериш учун деб пора тариқасида пул ёки бошқа бойликларни олганида ва бундай қилмишни хоҳламасдан, уларни ўзлаштириб юборганда, қилмиш фирибгарлик деб тавсифланиши лозим. Бойликларни қўлга киритиш мақсадида пора берувчи улар томонидан пора беришга оғдирилган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга қизиқтирувчи тариқасида қўшимча тавсифланиши керак. Пора берувчининг ҳаракати бундай ҳолларда пора беришга суиқасд деб тавсифланиши лозим бўлади. Бу ўринда пора берилиши мўлжалланган муайян мансабдор шахс айтилган-айтилмаганлигининг аҳамияти бўлмайди.

Пора берувчиларни порада товламачилик ёки пора берганлик тўғрисида ўттиз сутка мобайнида ихтиёрий ариза бериш асосларига кўра жиноий жавобгарликдан озод этиш бу шахсларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлигини билдирмайди. Шу сабабли улар жабрланувчи деб топилмайди ва

пора тариқасида берилган бойликларни қайтариб олишни талаб қилишга ҳақли эмаслар.

Пора берганлик тўғрисида ихтиёрий равишда хабар берганлик бир вақтнинг ўзида мансабдор шахс томонидан пора олингани ҳақида ҳам хабар ҳисобланади, шу сабабли судлар ЖКнинг 237-моддасига биноан ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик тўғрисида аризачига тушунтирилган-тушунтирилмаганлигига эътибор беришлари зарур. Агар ёлғон ариза берганлик ҳолати аниқланса, суд аризачини қонуний жавобгарликка тортиш чорасини кўриши керак. Агар жабрланувчи пора талаб қилинганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган бўлиб, тезкор тадбир давомида жабрланувчининг мулкидан пора предмети тариқасида фойдаланилган бўлса, ушбу мулк Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасининг 4-бандига асосан жабрланувчига қайтарилиши лозим, бошқа ҳолатларда пора предмети суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади.

1.6-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора бериш ёхуд киберпора бериш жиноятининг юридик-техник жиҳатлари

211-модда. Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора бериш:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора бериш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашишига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва

мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт⁵³.

Қонунчиликка асосан, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниқласа, улар ўз ваколатлари доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўриши мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзга қонуний фаолиятига аралашиш ёки бундай фаолиятни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига:

битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босишни талаб қилиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш тўғрисида талаб қўйиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида қабул қилинган, зарар қўрилишига олиб келган қарорлар учун уларнинг бошқарув органлари аъзоларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тақиқланади.

Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг филиаллари раҳбар ходимларини тайинлашга аралашиши, банк маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиши тақиқланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг банклар кредит портфели ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш юзасидан банклар фаолиятига аралашиши тақиқланади.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан ушбу хўжаликларнинг агротехника усуллари, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, бу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилашига аралашишга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно⁵⁴.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт⁵⁵.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари барча ариза берувчиларнинг электрон давлат хизматларидан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини таъминлаши шарт⁵⁶.

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси:

⁵⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–395-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити хавфсизлигини таъминлаш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши;

электрон рақамли имзонинг калити бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки кириш режимининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказини дарҳол хабардор қилиши;

тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатларга имзо қўйиш учун мўлжалланган электрон рақамли имзонинг калитидан фақат тегишли мақсадларда фойдаланиши шарт⁵⁷.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁵⁸.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти

⁵⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим⁵⁹.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ходисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт⁶⁰.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁶¹.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, Қонунда белгиланган, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, беғараз ва холис бўлиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши, ўз хизмат мавқеидан шахсий ва

⁶⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁶¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги, шунингдек ўз хизмат фаолиятига, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқароларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиши, шунингдек ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида олинган мазкур маълумотларни ошкор қилмаслиги, шу жумладан давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти тугаганидан кейин ошкор этмаслиги, қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши, давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши, ўзининг касбий компетенциясини мунтазам равишда ошириб бориши шарт.

Давлат фуқаролик хизматчиси ўзаро яқин қариндошликда ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно, педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустасно, ўзи хизмат қилаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олишга, ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга, чет давлат фуқаролигини олишга, қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар, шунингдек давлат фуқаролик хизматида киришдан олдин олинган ва ошкор қилинган мол-мулк мустасно, ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга ҳақли эмас. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган

шахс давлат фуқаролик хизматига қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Давлат фуқаролик хизматчиси шуғулланиши мумкин бўлмаган ҳақ тўланадиган фаолият турлари рўйхати коррупцияга қарши курашиш ва давлат фуқаролик хизмати бўйича махсус ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади. Ушбу чекловларга риоя этмаганлик давлат фуқаролик хизматчисини қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт. Давлат фуқаролик хизматчиси қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шарт⁶².

Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонунчиликда белгиланган доирада амалга ошириши шарт. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак. Маъмурий орган маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шарт. Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқланади⁶³.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иктисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз

⁶² Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁶³ Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ–457-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин⁶⁴.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади⁶⁵.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, ҳокимият ёки мансаб ваколатини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти,

⁶⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁶⁵ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, сув, ер, ўсимлик ва ҳавонот дунёси муҳофазаси ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, қасд (ғаразғўйлик, тамағирлик, ўч олиш, рашк) ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоӣ хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмишнинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига нисбатан содир этилиши;

6) қилмишнинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш орқали содир этилиши;

7) айбдорнинг қилаётган қилмиши қонунга хилоф эканлигини билиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига моддий қимматликлар берилган вақтдан;

2) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси мулкӣ манфаатдор этилган вақтдан;

3) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига моддий қимматликларга тенглаштирилган неъматларни олиш ҳуқуқи берилган вақтдан;

4) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига моддий қимматликларга тенглаштирилган неъматларни олиш ҳуқуқини берувчи имтиёз (масалан, блокчейн тармоғида транзакция тасдиқланган лаҳза) берилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – аралаш таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфи қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – моддий қимматликлар, мулкӣ манфаатдорликка боғлиқ корпоратив молиявий активлар, электрон ҳисоб рақамлари, онлайн тўлов баланслари, виртуал активлар, рақамли активлар, мол-мулк, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозлар, мулкӣ ҳуқуқлар, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар, мулкӣ йўсиндаги ҳаракатлар, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни бериш ёки муаллифлик ҳуқуқидан фойда олишга қаратилган ҳаракатлар, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товар сотиш каби ҳаракатлар, мулкӣ манфаатлар, шу жумладан, умумий мулкдорлик, меросдан воз кечиш ва ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфӣ маълумот, тендер маълумотлари, миждозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш

хукуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш хукуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш ва ҳк.

Бунда, жиноят предмети сифатида моддий қийматга эга нарса, номоддий манфаат, рақамли актив, махфий ахборот ва ҳуқуқ бериш тан олиниши мумкин. Бироқ, номоддий манфаатга кирадиган ҳолатлар, жумладан, жинсий алоқа қилиш, бошқа шахсни жинсий алоқа қилишга кўндириш ушбу жиноят предмети саналмайди ва улар жиноят бўлиши учун айбдор мулкый манфаатдорликка ёки моддий қимматликка эга бўлиши шарт.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёншкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) **P2P (Peer-to-Peer) транзакциялар орқали воситачилик.** Мисол учун, пора берувчи ўз банк картасидан крипто-биржадаги мутлақо бегона шахсининг (мерчант) картасига пул ўтказди, биржа эса ўз навбатида мансабдор шахсининг крипто-ҳамёнига эквивалент миқдордаги криптовалюта ташлаши ва бунда бевосита пул ўтказмаси кузатилмаслиги;

2) **darknet escrow (кафолатли воситачилик).** Мисол учун, даркнет тармоғидаги махсус майдончалар орқали пора пуллари депозитга (Escrow) қўйилиши ва мансабдор шахс тизимда келишилган ишни қилганидан сўнг (масалан, суд ёки кадастр базасига ўзгартириш киритгач), смарт-контракт пулни автоматик равишда унинг ҳамёнига тушириб бериш;

3) **крипточеклар ва QR-кодлар.** Мисол учун, Telegram ботлар ёки крипто-иловалар орқали яратилган рақамли чекларни масалан, CryptoBot чеки мансабдорга жўнатиш ва мансабдор ҳаволани босиши билан маблағ унинг ҳисобига ўтиши;

4) ички ўйин валюталарини сотиб олиш. Мисол учун, пора берувчи мансабдорнинг виртуал akkaунтидан арзимас бир буюмни миллионлаб сўмга баҳоланган реал пулга сотиб олиши ва бу билан мулкый манфаатдорликни қонуний олди-сотди ниқоби остида амалга ошириш (Micro-transaction laundering);

5) криптовалюта ва стейблкоинлар. Мисол учун, пора предмети сифатида Биткоин, Ethereum ёки доллар курсига боғланган USDT (Tether) дан фойдаланиб, транзакцияларни ҳамёндан-ҳамёнга (P2P) ўтказиш;

6) виртуал активлар (NFT). Мисол учун, бадий қийматга эга бўлмаган бирор тасвирни NFT сифатида яратиш, уни мансабдор шахсга арзон нархда сотиш ва кейинчалик сунъий равишда юқори нархда қайта сотиб олиш (пул ювиш схемаси);

7) akkaунт ва рақамли мулк. Мисол учун, юқори рейтингли ўйин akkaунтлари, машҳур домен номлари ёки ижтимоий тармоқлардаги даромад келтирувчи каналлар устидан назоратни (логин-паролни) топшириш;

8) рақамли хизматларни тўлаб бериш. Мисол учун, мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун қимматбаҳо обуналар (SaaS), булутли сақлаш омборлари ёки хорижий таълим платформалари тўловларини амалга ошириш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жинойтни фош этишда қуйидаги рақамли далиллар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) ISP Logs (провайдер маълумотлари). Мисол учун, пора берувчининг крипто-биржага ёки онлайн-банкка кирган вақтидаги интернет трафики ва IP-манзиллари;

2) скриншотлар ва кеш. Мисол учун, жўнатилган маблағ ҳақида ҳисобот бериш учун олинган ва мессенжер орқали юборилган транзакция скриншотлари ва уларнинг ичидаги EXIF метамеълумотлари;

3) синхрон жойлашув излари (Location Data). Мисол учун, агар пора берувчи ва мансабдор шахс шартлашиш учун бир жойда учрашган бўлса, уларнинг мобил телефонларидаги GPS ва база станцияларидан олинган биллинг маълумотлари орқали уларнинг бир жойда бўлганлигини исботлаш;

4) браузер тарихи. Мисол учун, “криптовалюта қандай сотиб олинади”, “изни қандай яшириш мумкин” ёки мансабдор шахснинг исми-шарифи ва у ишлайдиган тизим бўйича қилинган қидирув сўровлари.

Жинойтни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси пора беришда фойдаланилган қурилмаларни (смартфон, компьютер), улардаги тўлов иловалари ва браузер тарихини, транзакция амалга оширилган IP-манзилларни ҳамда пора предмети бўлган рақамли маълумотларнинг яратилиши ва юборилишининг техник изларини, пора берувчининг қурилмасидан (смартфон, ноутбук) крипто-ҳамён дастурларини, ундан қилинган чиқим операциялари тарихини ва ўчирилган ёзишмаларни;

2) суд-молия-кредит экспертизаси пора сифатида берилган пул маблағларининг банк карталари, электрон ҳамёнлар ёки крипто-биржалар

орқали ҳаракатланиш занжирини, маблағларнинг якуний манзилини ва транзакцияларнинг вақт жиҳатидан мансабдор шахснинг ҳаракатларига боғлиқлигини;

3) суд-иктисодий экспертизаси пора сифатида берилган моддий қимматликлар ёки мулкӣ манфаатларнинг умумӣ миқдорини ҳисоблаб, унинг базавий ҳисоблаш миқдorigа нисбатан кўп ёки жуда кўп миқдор эканлигини;

4) суд-филологик экспертизаси пора берувчи ва олуvчи ўртасидаги ахборот-коммуникация технологиялари тармоқларидаги ёзишмаларни таҳлил қилиб, ундаги яширин маъноларни (сленглар, кодли сўзлар), пора эвазига бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар ҳақидаги келишувни ва шахснинг била туриб ҳаракат қилганини тасдиқловчи лингвистик белгиларни;

5) суд-бухгалтерия экспертизаси агар пора юридик шахснинг маблағлари ҳисобидан ахборот-коммуникация технологиялари орқали ниқобланган ҳолда масалан, сохта хизмат кўрсатиш шартномалари орқали берилган бўлса, ташкилотнинг электрон бухгалтериясидаги тафовутларни ва ноқонуний чиқимларни;

6) суд-фонографик экспертизаси пора бериш ҳақидаги телефон сўзлашувлари ёки мессенжерлардаги овозли хабарлардаги нутқ эгасини идентификация қилади ҳамда ушбу аудиоёзувларнинг ҳақиқийлигини ва техник ишлов (монтаж) берилмаганлигини;

7) видеоматериалларнинг суд экспертизаси банкоматлар, тўлов терминаллари ёки пора бериш жараёни масалан, ЭРИ калитини ёки картани топшириш акс этган видеокузатув камералари тасвирларининг ҳаққонийлигини ва ундаги шахсларнинг ҳаракатлари кетма-кетлигини;

8) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси пора бериш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида шакллантирилган электрон тўлов топшириқномалари, қвитанциялар ёки мулкӣ ҳуқуқни ўтказувчи электрон ҳужжатлардаги реквизитлар ва рақамли имзоларнинг ҳақиқийлигини;

9) суд-товаршунослик экспертизаси пора предмети сифатида берилган ахборот-коммуникация технологиялари қурилмаларининг, қимматбаҳо дастурий таъминотларнинг ёки рақамли активларнинг (NFT ва б.) жиноят содир этилган вақтдаги бозор қийматини;

10) суд-портрет экспертизаси тўлов тизимларидан фойдаланиш вақтида биометрик назоратга тушган ёки видеотасвирлардаги шахс қиёфасини идентификация қилиш орқали пора берувчини;

11) суд-психологик экспертизаси пора берувчининг руҳӣ ҳолатини, унга нисбатан мансабдор шахс томонидан товламачилик (пора сўраб қисташ) бўлган-бўлмаганлигини ҳамда шахснинг ўз ихтиёри билан арз қилиш вақтидаги иродавий ҳолатини;

12) суд-хатшунослик экспертизаси пора бериш учун ахборот-коммуникация технологиялари тизимларига кириш пароллари ёки логинлари ёзилган қўлёзма қайдларнинг кимга тегишлилигини;

13) суд-электротехникавий экспертизаси пора сифатида берилган махсус техник воситаларнинг ёки тўловларни яширин амалга ошириш учун ишлатилган аппарат мосламаларининг техник хусусиятларини;

14) одам ДНКси суд-биологик экспертизаси пора предмети сифатида берилган техник воситаларда, банк карталарида ёки пора беришда фойдаланилган алоқа қурилмаларида қолган биологик излар орқали уларни ушлаган шахсларни;

15) ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси агар пора чет эл валютасида ва халқаро тўлов тизимлари орқали ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида берилган бўлса, бу ҳаракатнинг валютани тартибга солиш қоидаларига таъсирини;

16) суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси пора бериш жинояти ахборот-коммуникация технологиялари орқали кенг миқёсда ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилиб, давлат бошқаруви органларининг фаолиятига нисбатан салбий ижтимоий фикр шакллантирган бўлса, унинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлайди.

Пора бериш такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖК 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, кўп ёки жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, бу ҳолатлар жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади. Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Кибермуҳитда пора бериш **мақсади** маблағ айланмасини анонимлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари назоратидан қочишни кўзлайди.

Киберэкспертизада рақамли из (Digital Footprint) аниқланиб, IP-манзиллар таҳлили остида пора предметини ўтказиш вақтида фойдаланилган қурилманинг жойлашувини аниқлаш, лог-файллар олиниб, тизимга кириш, транзакция тасдиғи ва ёзишмаларнинг вақти (Timestamp) аниқланиши, идентификация маълумотларига аниқлик киритилиб, жиноят содир этилган конкрет телефон ёки компьютерни идентификация қилиш орқали IMEI ва MAC-манзиллар аниқланиши, электрон ҳамён ёки профил қайси электрон почта ёки телефон рақамига боғланганини аниқлаш орқали аккаунт мета-маълумотлари қайд этилиши, блокчейн аналитикаси амалга оширилиб, транзакциялар занжирини кузатиш (Explorers), кирувчи ва чиқувчи ҳамёнлар орасидаги алоқадорликни, маблағлар қаерда нақдлаштирилганини (Crypto-Exchanges) аниқлаш, смарт-контракт экспертизаси ўтказилиб, агар пора бериш жараёни алгоритмлаштирилган бўлса (масалан, агар тизимда қарор қабул қилинса, пул ўтсин), ушбу кодни таҳлил қилиш ва ундаги ғаразли мақсадни исботлаш керак бўлади.

1.7-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

212-модда. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда содир этилган бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш:

а) ҳақ эвазига;

б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўрикланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашишига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди. Ҳеч ким

расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт⁶⁶.

Қонунчиликка асосан, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниқласа, улар ўз ваколатлари доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўриши мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзга қонуний фаолиятига аралашиш ёки бундай фаолиятни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига:

битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босишни талаб қилиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш тўғрисида талаб қўйиш;

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида қабул қилинган, зарар кўрилишига олиб келган қарорлар учун уларнинг бошқарув органлари аъзоларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тақиқланади.

Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг филиаллари раҳбар ходимларини тайинлашга аралашishi, банк маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиши тақиқланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг банклар кредит портфели ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш юзасидан банклар фаолиятига аралашishi тақиқланади.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан ушбу хўжаликларнинг агротехника усулларини, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, бу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилашига аралашishiга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно⁶⁷.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт⁶⁸.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари барча ариза берувчиларнинг электрон давлат хизматларидан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини таъминлаши шарт⁶⁹.

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити хавфсизлигини таъминлаш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши;

⁶⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁶⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–395-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

электрон рақамли имзонинг калити бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки кириш режимининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказини дарҳол хабардор қилиши;

тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатларга имзо қўйиш учун мўлжалланган электрон рақамли имзонинг калитидан фақат тегишли мақсадларда фойдаланиши шарт⁷⁰.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁷¹.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб

⁷⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек яқуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслиги, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим⁷².

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга ҳилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслиги чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши,

⁷² Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт⁷³.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁷⁴.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, Қонунда белгиланган, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, беғараз ва холис бўлиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши, ўз хизмат мавқеидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги, шунингдек ўз хизмат фаолиятига, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва

⁷³ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁷⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фуқароларнинг фаолиятига қонунга хилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиши, шунингдек ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида олинган мазкур маълумотларни ошкор қилмаслиги, шу жумладан давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти тугаганидан кейин ошкор этмаслиги, қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши, давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши, ўзининг касбий компетенциясини мунтазам равишда ошириб бориши шарт.

Давлат фуқаролик хизматчиси ўзаро яқин қариндошликда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно, педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустасно, ўзи хизмат қилаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олишга, ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга, чет давлат фуқаролигини олишга, қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар, шунингдек давлат фуқаролик хизматида киришдан олдин олинган ва ошкор қилинган мол-мулк мустасно, ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга ҳақли эмас. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фуқаролик хизматида қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан

белгиланади. Давлат фуқаролик хизматчиси шуғулланиши мумкин бўлмаган ҳақ тўланадиган фаолият турлари рўйхати коррупцияга қарши курашиш ва давлат фуқаролик хизмати бўйича махсус ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади. Ушбу чекловларга риоя этмаганлик давлат фуқаролик хизматчисини қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт. Давлат фуқаролик хизматчиси қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шарт⁷⁵.

Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонунчиликда белгиланган доирада амалга ошириши шарт. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак. Маъмурий орган маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шарт. Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқланади⁷⁶.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват

⁷⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁷⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ–457-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин⁷⁷.

Бунда, тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-кидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади⁷⁸.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, ҳокимият ёки мансаб ваколатини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати, сув, ер, ўсимлик ва ҳавонот дунёси муҳофазаси ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

⁷⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁷⁸ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга ҳилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, қасд (ғаразгўйлик, тамагирлик) ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
 2) қилмишнинг ҳуқуққа ҳилофлилиги;
 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмишнинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси билан боғлиқ ҳолда, содир этилиши;

6) қилмишнинг пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш, ташкил этиш, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш орқали содир этилиши;

7) айбдорнинг қилаётган қилмиши қонунга ҳилоф эканлигини билиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига моддий қимматликлар берилган вақтдан;

2) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси мулкый манфаатдор этилган вақтдан;

3) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига моддий қимматликларга тенглаштирилган неъматларни олиш ҳуқуқи берилган вақтдан;

4) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига моддий қимматликларга тенглаштирилган неъматларни олиш ҳуқуқини берувчи имтиёз (масалан, блокчейн тармоғида транзакция тасдиқланган лаҳза) берилган вақтдан;

5) пора олиш-беришга қаратилган фаолият ташкил этилиб, пора олувчи ва берувчи ўзаро келишувга эришган вақтдан;

6) воситачи ўз фаолиятини бошлаган, музокара бошланган вақтдан бошлаб, бунда тарафларнинг ўзаро бир-бирларини кўрган ёки кўрмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – аралаш таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – моддий қимматликлар, мулкӣ манфаатдорликка боғлиқ корпоратив молиявий активлар, электрон ҳисоб рақамлари, онлайн тўлов баланслари, виртуал активлар, рақамли активлар, мол-мулк, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозлар, мулкӣ ҳуқуқлар, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар, мулкӣ йўсиндаги ҳаракатлар, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни бериш ёки муаллифлик ҳуқуқидан фойда олишга қаратилган ҳаракатлар, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товар сотиш каби ҳаракатлар, мулкӣ манфаатлар, шу жумладан, умумий мулкдорлик, меросдан воз кечиш ва ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфӣй маълумот, тендер маълумотлари, миждозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жинсий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жинойтчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш ва ҳк.

Бунда, жинойт предмети сифатида моддий қийматга эга нарса, номоддий манфаат, рақамли актив, махфий ахборот ва ҳуқуқ бериш тан олиними мумкин. Бироқ, номоддий манфаатга кирадиган ҳолатлар, жумладан, жинсий алоқа қилиш, бошқа шахсни жинсий алоқа қилишга кўндириш ушбу жинойт предмети саналмайди ва улар жинойт бўлиши учун айбдор мулкый манфаатдорликка ёки моддий қимматликка эга бўлиши шарт.

16. Кибержинойтни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёншкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жинойт қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жинойт қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) келишувга эришишга қаратилган фаолият (интеллектуал воситачилик). Мисол учун, воситачи пора берувчи ва олувчини виртуал маконда учраштириши, масалан, Telegram тармоғида “Secret Chat” (яширин чат) очиб, иккала томонни қўшиши ва шартларни муҳокама қилиши ёки томонлар учун Darknet форумларида махсус ёпиқ ҳаволалар (Private links) яратиб бериши;

2) порани бевосита бериш (жисмоний-техник воситачилик). Мисол учун, манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан маблағни ўз банк картаси ёки криптоҳамёнига қабул қилиб олиб, изни йўқотиш мақсадида уни лойқалатиб (Layering), сўнггра мансабдор шахснинг яширин ҳисобига ўтказиб бериш (рақамли транзит);

3) рақамли кафил (escrow services). Мисол учун, воситачи Darknet ёки ёпиқ Telegram каналларда гарант (кафил) вазифасини бажариб, пора берувчи пулни воситачининг смарт-контрактига ташлаши ва мансабдор тизимда ишни ҳал қилгач, воситачи пулни автоматик ёки қўлда мансабдорга очиб бериши ёхуд воситачи сифатида учинчи томон (сайт ёки бот) маблағни ушлаб туриб, қачонки мансабдор шахс ўз ваколати доирасидаги ишни (масалан, тизимга ўзгартириш киритиш) бажарса, бот автоматик равишда пулни ўтказиш;

4) **P2P ниқобидаги воситачилик.** Мисол учун, воситачи ўзини расмий криптобиржа масалан, Binance P2P фойдаланувчисидек тутиб, пора берувчи унга миллий валютада пул ўтказиши, воситачи эса пора олувчининг (мансабдорнинг) ҳамёнига USDT ёки Bitcoin ўтказиши ва бунда воситачи пулнинг мақсадини билади ва жинойий келишувнинг бир қисми бўлиши;



5) **дроп-тармоқлар (drop networks).** Мисол учун, воситачи ўз номига эмас, балки алданган талабалар, нафақахўрлар номига очилган ўнлаб банк карталарини (пластик ёки виртуал) бошқариши ва пора пули шу карталар орқали бўлиниб-бўлиниб (Smurfing усулида) ўтказилиши;

6) **крипто-миксерлар ва овер-зе-каунтер (OTC) хизматлари.** Мисол учун, воситачи пора берувчидан маблағни қабул қилиб, унинг изини бир нечта транзакциялар орқали легаллаштириши ва мансабдор шахснинг аноним ҳамёнига етказиш;

7) **даркнет (Darknet) платформалари.** Мисол учун, пора олиш ва бериш бўйича келишувларни махсус шифрланган чатлар (Telegram, Signal) ёки Даркнетдаги яширин форумлар орқали ташкил қилиш;

8) **виртуал карталар ва транзит ҳамёнлар.** Мисол учун, порани воситачи ўзининг номига очилмаган (дроплар номидаги) электрон ҳамёнлар ёки хорижий виртуал карталар занжири орқали йўналтириш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жинойтни фош этишда қуйидаги рақамли далиллар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) **IP ва MAC корреляцияси.** Мисол учун, воситачининг қурилмасидан турли хил виртуал ҳамёнларга (шу жумладан, пора берувчи ва олувчининг ҳамёнларига) бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет кирилганлигининг провайдер ва дастур логларидаги излари;

2) **алоқа графлари (communication graphs).** Мисол учун, мобил алоқа биллинги ёки мессенжерлардаги метамаълумотлар (Metadata) асосида А (пора берувчи) ва Б (пора олувчи) ҳеч қачон тўғридан-тўғри гаплашмагани, балки доимо В (воситачи) орқали маълумот алмашганини кўрсатувчи тармоқли таҳлил (Network analysis) натижалари;

3) **крипто-биржа API сўровлари.** Мисол учун, агар воситачи савдо ботларидан фойдаланган бўлса, биржа серверига қилинган API сўровлари ва улардаги идентификаторлар (API Keys).

Жинойтни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси воситачининг ахборот-коммуникация технологиялари қурилмаларидаги (смартфон, планшет) уч томонлама (пора берувчи – воситачи – пора олувчи) боғланиш изларини, браузер тарихини, масофавий бошқарув иловалари ва электрон ҳамёнларга кириш логларини, воситачининг қурилмасидан (смартфон, сервер) виртуал

машиналарни (VirtualBox, VMware), яширин контейнерларни (VeraCrypt) ва анонимайзер дастурларни;

2) суд-филологик экспертизаси воситачининг мессенжерлардаги ёзишмаларини таҳлил қилиб, унинг ҳаракатлари пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилганлигини, унинг нутқида воситачилик қилиш мақсади ва томонларни келиштириш истаги мавжудлигини тасдиқловчи лингвистик белгиларни;

3) суд-молия-кредит экспертизаси пора предметининг воситачининг банк карталари, транзит ҳисоб рақамлари ёки крипто-ҳамёнлари орқали ўтган ҳаракат йўналишини (транзакциялар занжирини) ва маблағларнинг якуний манбасини;

4) суд-иқтисодий экспертизаси воситачи орқали ўтган пора миқдорини ҳисоблаб, унинг кўп ёки жуда кўп миқдорга мослигини ҳамда воситачининг ўз хизмати учун олган ҳақи (агар ҳақ эвазига бўлса) миқдорини;

5) суд-фонографик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари тармоқлари орқали воситачилик қилиш жараёнидаги телефон сўзлашувлари ва овозли хабарлардаги нутқ эгаларини идентификация қилади ҳамда ёзувларнинг яхлитлигини;

6) видеоматериалларнинг суд экспертизаси воситачининг пора берувчи ёки олувчи билан учрашган вақтини, техник воситаларни (масалан, ЭРИ калити ёки логин-парол ёзилган қоғозларни) топшириш жараёни акс этган кузатув камералари тасвирларини;

7) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси воситачиликни ниқоблаш учун ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тайёрланган сохта шартномалар, электрон тўлов қвитанциялари ва рақамли имзоларнинг ҳақиқийлигини;

8) суд-бухгалтерия экспертизаси агар воситачилик юридик шахслар ўртасидаги электрон ҳисоб-китоблар сифатида ниқобланган бўлса, ташкилотнинг электрон ҳисобларидаги асоссиз пул ўтказмаларини ва молиявий тафовутларни;

9) суд-психологик экспертизаси воситачининг ўз ҳаракатларини англаганлигини, унга нисбатан босим бўлган-бўлмаганлигини ҳамда жиноят содир этилгандан кейин ўз ихтиёри билан арз қилиш жараёнидаги руҳий ҳолати ва самимийлигини;

10) суд-портрет экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари тизимларидан фойдаланишда ёки банкоматлар олдида биометрик назоратга тушган шахснинг қиёфасини воситачи билан идентификация қилишни;

11) суд-хатшунослик экспертизаси воситачи томонидан пора берувчи ва олувчига топширилган, ахборот-коммуникация технологиялари тизимларига кириш кодлари ёки махфий калитлари ёзилган кўлёзма қайдларнинг кимга тегишлилигини;

12) суд-электротехникавий экспертизаси воситачилик жараёнида яширин алоқа ўрнатиш ёки транзакцияларни изсиз қолдириш учун ишлатилган махсус техник қурилмалар ва аппарат калитларининг вазифасини;

13) суд-товаршунослик экспертизаси воситачи орқали пора сифатида берилган қимматбаҳо ахборот-коммуникация технологиялари ускуналарининг ёки дастурий маҳсулотларнинг жиноят пайтидаги бозор қийматини;

14) одам ДНКси суд-биологик экспертизаси воситачи томонидан фойдаланилган ва кейин бошқа томонга топширилган техник воситаларда масалан, флеш-картлар, токкенлар ва ҳк.да қолган биологик излар орқали жиноят иштирокчиларини аниқлайди;

15) ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси агар воситачилик халқаро ахборот-коммуникация технологиялари тармоқлари ва офшор ҳисоблар орқали амалга оширилган бўлса, маблағларнинг трансчегаравий ҳаракати ва валюта қонунчилиги бузилганлигини;

16) суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси воситачилик жиноятининг ахборот-коммуникация технологиялари орқали кенг миқёсда содир этилиши натижасида давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг нуфузига етказилган ижтимоий зарарни аниқлайди.

Анъанавий жиноят ҳуқуқидаги “пул ташувчи” (куръер) ёки “даллол” образи бугунги кибермаконда мураккаб **рақамли транзит марказларига (Digital Escrow), P2P-мерчантларга ва шифрланган алоқа координаторларига** айланган.

Мазкур жиноят такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖК 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, кўп ёки жуда миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида, бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда, ҳақ эвазига, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, бу ҳолатлар жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади. Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Кибержиноятчилар кўпинча техник жиҳатдан саводли бўлиб, уларнинг мақсади пора берувчи ва олувчи ўртасидаги IP-боғланишни узиш ва шу орқали жиноят изларини йўқотиш ҳисобланади. Воситачи на пора берувчини, на олувчини юзма-юз танимаслиги мумкин ва фақат никнеймлар орқали мулоқот қилиш орқали ҳақ эвазига мазкур жиноятни содир этиши мумкин.

Киберэкспертизада қуйидагилар таҳлил қилиниши шарт, хусусан:

1. Мулоқот занжири (Communication Logs). Бунда, шифрланган ёзишмалардаги келишув далиллари олиниши, ўчириб юборилган хабарларни техник тиклаш (Data Recovery) керак бўлади.

2. Транзакциялар аналитикаси. Бунда, пора берувчидан воситачига ва воситачидан олувчига ўтган маблағларнинг вақт оралиғи (Time Correlation) текширилиши, ҳамёнларнинг бир хил IP-манзил ёки битта қурилма (IMEI) орқали бошқарилганини текширик керак бўлади.

3. Кибердроплар идентификацияси. Бунда, воситачи фойдаланган ҳамён ёки карталар аслида кимга тегишли эканлиги ва уларнинг воситачи билан алоқаси аниқланиши шарт.

4. Мета-маълумотлар. Бунда, юборилган скриншотлар ёки тўлов тасдиқларининг мета-маълумотлари орқали воситачининг географик координаталарини аниқлаш керак бўлади.

Мазкур жиноятда агар воситачи пул ўтказмаган бўлса-да, фақат ахборот-коммуникация технологиялари орқали томонларни келиштирган бўлса масалан, видеоконференция ташкил этса ҳам жиноят тугалланган ҳисобланади. Кибермуҳитда криптовалюта курси ўзгарувчан бўлгани учун, воситачилик қилинган сумма транзакция содир бўлган дақиқадаги курс билан белгиланади.

1.8-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

213-модда. Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣй манфаатдор этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар анча миқдорда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олти соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 – 212-моддаларида назарда тўтилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти моддий қимматликлар берган ёки мулкӣй манфаатдор этган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкӣй манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишида фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашишига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт⁷⁹.

Қонунчиликка асосан, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниқласа, улар ўз ваколатлари доирасида ва муайян қоидабузарликни

⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўриши мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзга қонуний фаолиятига аралашиш ёки бундай фаолиятни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига:

битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босишни талаб қилиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш тўғрисида талаб қўйиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида қабул қилинган, зарар кўрилишига олиб келган қарорлар учун уларнинг бошқарув органлари аъзоларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тақиқланади.

Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг филиаллари раҳбар ходимларини тайинлашга аралашиши, банк маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиши тақиқланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг банклар кредит портфели ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш юзасидан банклар фаолиятига аралашиши тақиқланади.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан ушбу хўжаликларнинг агротехника усуллари, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, бу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилашига аралашишга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно⁸⁰.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш

⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт⁸¹.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари барча ариза берувчиларнинг электрон давлат хизматларидан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт. Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт. Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини таъминлаши шарт⁸².

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити хавфсизлигини таъминлаш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши, электрон рақамли имзонинг калити бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки кириш режимининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказини дарҳол хабардор қилиши, тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатларга имзо қўйиш учун мўлжалланган электрон рақамли имзонинг калитидан фақат тегишли мақсадларда фойдаланиши шарт⁸³.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁸⁴.

⁸¹ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁸² Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–395-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁸³ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим⁸⁵.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокраниши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт⁸⁶.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлиғига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ

⁸⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ-764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жиной ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁸⁷.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, Қонунда белгиланган, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, беғараз ва холис бўлиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши, ўз хизмат мавқеидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги, шунингдек ўз хизмат фаолиятига, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқароларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиши, шунингдек ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида олинган мазкур маълумотларни ошкор қилмаслиги, шу жумладан давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти тутаганидан кейин ошкор этмаслиги, қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши, давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши, ўзининг касбий компетенциясини мунтазам равишда ошириб бориши шарт.

Давлат фуқаролик хизматчиси ўзаро яқин қариндошликда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно, педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин

⁸⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустасно, ўзи хизмат қилаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олишга, ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга, чет давлат фуқаролигини олишга, қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар, шунингдек давлат фуқаролик хизматига киришдан олдин олинган ва ошкор қилинган мол-мулк мустасно, ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга ҳақли эмас. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фуқаролик хизматига қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Давлат фуқаролик хизматчиси шуғулланиши мумкин бўлмаган ҳақ тўланадиган фаолият турлари рўйхати коррупцияга қарши курашиш ва давлат фуқаролик хизмати бўйича махсус ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади. Ушбу чекловларга риоя этмаганлик давлат фуқаролик хизматчисини қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт. Давлат фуқаролик хизматчиси қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шарт⁸⁸.

Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонунчиликда белгиланган доирада амалга ошириши шарт. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак. Маъмурий орган маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шарт. Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя

⁸⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқланади⁸⁹.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин⁹⁰.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки

⁸⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ-457-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-кидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади⁹¹.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, ҳокимият ёки мансаб ваколатини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати, сув, ер, ўсимлик ва ҳавонот дунёси муҳофазаси ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, қасд (ғаразғўйлик, тамагирлик) ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмишнинг давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчиси билан боғлиқ ҳолда, содир этилиши;

6) қилмишнинг давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур

⁹¹ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш орқали содир этилиши;

7) айбдорнинг қилаётган қилмиши қонунга хилоф эканлигини билиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари;

12) айбдор шундай қилмиши учун бир йил ичида маъмурий жазога тортилган бўлиши ёки қилмиш камида анча миқдорда содир этилиши.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига моддий қимматликлар берилган вақтдан;

2) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчиси мулкӣ манфаатдор этилган вақтдан;

3) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига моддий қимматликларга тенглаштирилган неъматларни олиш ҳуқуқи берилган вақтдан;

4) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига моддий қимматликларга тенглаштирилган неъматларни олиш ҳуқуқини берувчи имтиёз (масалан, блокчейн тармоғида транзакция тасдиқланган лаҳза) берилган вақтдан.

Бунда, тарафларнинг ўзаро бир-бирларини кўрган ёки кўрмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – аралаш таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – моддий қимматликлар, мулкӣ манфаатдорликка боғлиқ корпоратив молиявий активлар, электрон ҳисоб рақамлари, онлайн тўлов баланслари, виртуал активлар, рақамли активлар, мол-мулк, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозлар,

мулкий ҳуқуқлар, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар, мулкий йўсиндаги ҳаракатлар, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни бериш ёки муаллифлик ҳуқуқидан фойда олишга қаратилган ҳаракатлар, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товар сотиш каби ҳаракатлар, мулкий манфаатлар, шу жумладан, умумий мулкдорлик, меросдан воз кечиш ва ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

Бунда, жиноят предмети сифатида моддий қийматга эга нарсa, номоддий манфаат, рақамли актив, махфий ахборот ва ҳуқуқ бериш тан олиниши

мумкин. Бироқ, номоддий манфаатга кирадиган ҳолатлар, жумладан, жинсий алоқа қилиш, бошқа шахсни жинсий алоқа қилишга кўндириш ушбу жиноят предмети саналмайди ва улар жиноят бўлиши учун айбдор мулкый манфаатдорликка ёки моддий қимматликка эга бўлиши шарт.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёнишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

- 1) **рақамли навбат манипуляцияси.** Мисол учун, давлат хизматлари ёки божхона тизимларида ишлайдиган операторга пул (ёки крипто-актив) ўтказиб, сунъий равишда навбатни олдинга суриш ёки тизимдаги қизил тақиқларни (Flags) техник ўчириб туриш;

- 2) **ахборотни сизиб чиқариш (data exfiltration).** Мисол учун, тизим администраторининг ёрдамчиси ёки техник ходимга моддий манфаат бериб, базадаги шахсий маълумотларни (GDPR маълумотлари) ёки тижорат сирларини Flash-карта ёки булутли сервис (Google Drive, Telegram) орқали олиш;

- 3) **микро-транзакциялар орқали оғдириш.** Мисол учун, жиноят изини яшириш учун порани йирик суммада эмас, балки хизматчининг телефон рақамига, онлайн ўйинлардаги ҳисобига ёки электрон ҳамёнига кичик-кичик суммаларда мунтазам ўтказиб бориш (Subscription bribe);

- 4) **сохта имтиёзлар яратиш.** Мисол учун, техник ходимни оғдириб, тизимга тест ёки техник фойдаланувчи сифатида кириш ва тизимнинг ички имкониятларидан бепул фойдаланиш (масалан, пуллик давлат хизматини тизимда тўланди деб белгилатиш);

- 5) **ижтимоий инжиниринг ва фишинг.** Мисол учун, хизматчига зарарли ҳавола юбориб, унинг ишчи профилини қўлга киритиш ва кейинчалик бу ҳақида индамаслиги (ёки ёрдам бериши) учун унга мулкый манфаат таклиф қилиш;

- 6) **маълумотлар базасига кириш ҳуқуқини сотиб олиш.** Мисол учун, хизматчига пул бериб, унинг логин ва паролидан фойдаланиш ёки у орқали тизимдаги конфиденциал маълумотларни (масалан, фуқароларнинг шахсга доир маълумотларини) кўчириб олиш;

- 7) **зарарли дастур (Malware) ўрнатиш.** Мисол учун, хизматчига моддий манфаат эвазига ўзи ишлаётган ички тармоққа (интранет) ташқи қурилма (USB) орқали вирус ёки шпион дастур ўрнатишни таклиф қилиш;

- 8) **тизимдаги чекловларни четлаб ўтиш:** Мисол учун, тизимдаги маълумотларни ўзгартиртириш ёки ўчиртириш;

- 9) **электрон рақамли имзо (ЭРИ) дан фойдаланиш.** Мисол учун, хизматчини пора эвазига ўзига тегишли бўлган ЭРИ калити билан ҳужжатларни тасдиқлаб беришга кўндириш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жинойтни фош этишда қуйидаги рақамли далиллар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Молиявий излар:

Transaction Hash (TxID). Мисол учун, крипто-ўтказмаларнинг блокчейндаги қайтарилмас изи;

Billing Data. Мисол учун, банк иловаларидаги ўтказма вақти, суммаси ва IP-манзили;

P2P-платформа чатлари. Мисол учун, маблағни нақдлаштириш вақтидаги сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги ёзишмалар;

2) Техник ва тизимли излар:

Application Logs. Мисол учун, хизматчи оғдириб олингандан сўнг тизимда қилган ғайритабиий ҳаракатлари (масалан, иш вақтидан ташқари вақтда базага кириш);

MAC ва IMEI манзиллар. Мисол учун, жинойий мулоқот учун фойдаланилган қурилмаларнинг уникал идентификаторлари;

Session Cookies. Мисол учун, хизматчининг ишчи сессияси вақтида бошқа (бегона) IP-манзилдан тизимга кириш уринишлари;

3) Коммуникацион излар:

Мессенжерлардаги метамаълумотлар. Мисол учун, ўчирилган хабарларнинг базавий қолдиқлари (SQLite базалари);

Cloud Artifacts. Мисол учун, Google Drive ёки Dropbox каби сервисларга юкланган файлларнинг тарихи.

Жинойтни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси пора эвазига оғдириб олинаётган хизматчининг ва оғдириб олувчи шахснинг ахборот-коммуникация технологиялари қурилмаларини (смартфон, компьютер), улардаги электрон тўлов иловалари тарихини, масофавий бошқарув дастурларини ва хизматчи томонидан ўз мавқеидан фойдаланиб амалга оширилган рақамли ҳаракатлар изларини, қурилмадаги яширин файллар, ўчирилган ёзишмалар ва тизимга кириш логларини, давлат базасига техник жихатдан қандай таъсир ўтказилганини ва бунинг учун қайси тешиқдан (Exploit) фойдаланилганини;

2) суд-молия-кредит экспертизаси хизматчини оғдириб олиш учун йўналтирилган маблағларнинг банк карталари, электрон ҳамёнлар ёки крипто-активлар орқали ҳаракатланиш занжирини, транзакцияларнинг вақти ва миқдорини ҳамда ушбу маблағларнинг якуний олувчисини;

3) суд-иктисодий экспертизаси берилган моддий қимматликлар ёки тақдим этилган мулккий манфаатдорликнинг умумий қийматини ҳисоблаб, жинойтнинг анча, кўп ёки жуда кўп миқдорда содир этилганлик даражасини;

4) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари тармоқларидаги (Telegram, WhatsApp ва б.) ёзишмаларни таҳлил қилиб, ундаги хизматчини оғдириб олишга қаратилган таклифларни, келишув шартларини ва шахснинг қонунга хилоф эканлигини била туриб ҳаракат қилганини тасдиқловчи лингвистик белгиларни, ёзишмалардаги

жаргон сўзлар масалан, кекса – пул, ҳавола – пора айнан оғдириб олиш мақсадида ишлатилганини;

5) суд-бухгалтерия экспертизаси агар хизматчини оғдириб олиш учун тўланган маблағлар юридик шахснинг электрон бухгалтерия тизимларида сохта хизмат кўрсатиш ёки бошқа хизмат харажатлари сифатида ниқобланган бўлса, ушбу молиявий тафовутларни;

6) суд-фонографик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширилган телефон сўзлашувлари ёки юборилган овозли хабарлардаги нутқ эгаларининг шахсини идентификация қилади ҳамда ёзувларнинг ҳаққонийлигини, агар оғдириш аудио хабарлар орқали бўлса, овознинг ҳақиқийлигини ва унга техник ишлов (Deepfake) берилмаганини;

7) видеоматериалларнинг суд экспертизаси тўлов терминаллари, банкоматлар ёки хизматчи билан учрашув жойларидаги кузатув камералари тасвирларини таҳлил қилиб, моддий қимматликларни масалан, банк картаси ёки техник восита топшириш жараёнини ва вақтини;

8) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси хизматчини оғдириб олиш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тайёрланган электрон қвитанциялар, тўлов топшириқномалари ёки мулкӣ ҳуқуқни берувчи электрон ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини;

9) суд-товаршунослик экспертизаси хизматчига пора сифатида берилган ахборот-коммуникация технологиялари ускуналарининг (масалан, сўнгги русумдаги смартфон ёки ноутбук) ва дастурий маҳсулотларнинг жиноят содир этилган вақтдаги бозор қийматини;

10) суд-портрет экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари тизимларидан фойдаланиш вақтида биометрик назоратга ёки видеотасвирга тушган шахснинг қиёфасини идентификация қилиш орқали жиноят иштирокчиларини;

11) суд-психологик экспертизаси шахсга нисбатан хизматчи томонидан товламачилик қилинган-қилинмаганлигини, шахснинг ўз ихтиёри билан арз қилиш вақтидаги руҳий ҳолатини ва чин кўнгилдан пушаймонлик даражасини;

12) суд-хатшунослик экспертизаси хизматчини оғдириб олиш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари тизимларига кириш учун берилган қўлёзма пароллар ёки махфӣ кодларнинг ким томонидан ёзилганини;

13) суд-электротехникавий экспертизаси жиноятни содир этишда фойдаланилган ва шахсни идентификация қилишни қийинлаштирувчи махсус техник воситаларнинг (модемлар, яширин алоқа қурилмалари) техник ҳолатини;

14) одам ДНКси суд-биологик экспертизаси оғдириб олиш предмети бўлган техник қурилмаларда ёки уларни етказиб беришда ишлатилган воситаларда қолган биологик излар орқали гумонланувчи шахсларни;

15) ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси агар хизматчини оғдириб олиш халқаро тўлов тизимлари ва ахборот-коммуникация

технологиялари орқали чет эл валютасида амалга оширилган бўлса, маблағларнинг трансчегаравий ҳаракатини;

16) суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси хизматчининг пора эвазига оғдириб олиниши натижасида давлат органи ёки ташкилотининг обрўсига ва ахборот-коммуникация технологиялари тизимларининг хавфсизлигига етказилган ижтимоий-сиёсий зарарни аниқлайди.

Бу қилмиш жиноят бўлиши учун айбдор шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ушбу қилмишни содир этаётганлиги талаб қилинади. Ўша ҳаракатлар анча, кўп ва жуда кўп миқдорда, такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖК 210-212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, бу ҳолатлар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Башарти моддий қимматликлар берган ёки мулкӣ манфаатдор этган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкӣ манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Кўп ҳолларда ташкилотлар юқори раҳбарлар (мансабдорлар) назоратига урғу беришади, лекин тизимга техник хизмат кўрсатувчи оддий ходимлар (IT-мутахассислар, операторлар) назоратдан четда қолиши, хизматчини оғдириб олиш мансабдор шахсга пора беришдан кўра арзонроқ тушиши, лекин етказилган киберзарар миқдори бир неча баробар кўп бўлиши мумкинлиги, хизматчилар одатда паст маош олиши уларни кибержиноятчиларнинг таклифларига тезроқ кўнишига сабаб бўлиши орқали бу турдаги жиноятлар кўп содир этилиши мумкин.

Киберэкспертизада қуйидагилар таҳлил қилиниши ва текширилиши шарт:

1) **Кириш логларини таҳлил қилиш (Log Analysis).** Тизимга қайси вақтда, қайси IP-манзил ва қайси akkaунт орқали кирилган? ва хизматчи ўз ваколатидан ташқари бўлган маълумотларни сўраганми (Access Violations)?

2) **Электрон ёзишмалар экспертизаси.** Мессенжерларда (Telegram, WhatsApp ва ҳ.к.) оғдириб олиш бўйича келишувлар изини топиш ва келишувда ваъда қилинган моддий қимматликларнинг (масалан, крипто-транзакция скриншотлари) мавжудлиги аниқланиши шарт.

3) **Қурилмани техник кўрикдан ўтказиш.** Хизматчининг компьютер ёки телефонида бегона шахсларга тизимга масофавий кириш имконини берувчи дастурлар (AnyDesk, TeamViewer ва ҳ.к.) бор-йўқлигини текшириш керак.

4) **Тўловларни кузатиш.** Пора предмети бўлган маблағларнинг электрон ҳамёнлар ёки банк карталари орқали ҳаракати занжирини тиклаш зарур.

1.9-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши жиноятининг юридик-техник таҳлили

214-модда. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) анча миқдорда;

б) тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтинчи соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 – 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан шахсга нисбатан тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ

ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашишига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт⁹².

Қонунчиликка асосан, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниқласа, улар ўз ваколатлари доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўриши мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзга қонуний

⁹² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фаолиятига аралашини ёки бундай фаолиятни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига:

битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органи ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босишни талаб қилиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш тўғрисида талаб қўйиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида қабул қилинган, зарар кўрилишига олиб келган қарорлар учун уларнинг бошқарув органи аъзоларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тақиқланади.

Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг филиаллари раҳбар ходимларини тайинлашга аралашини, банк маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиши тақиқланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг банклар кредит портфели ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш юзасидан банклар фаолиятига аралашини тақиқланади.

Давлат органи, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан ушбу хўжаликларнинг агротехника усуллари, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, бу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилашига аралашини тақиқланади, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно⁹³.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт⁹⁴.

⁹³ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари барча ариза берувчиларнинг электрон давлат хизматларидан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини таъминлаши шарт⁹⁵.

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити хавфсизлигини таъминлаш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши;

электрон рақамли имзонинг калити бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки кириш режимининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказини дарҳол хабардор қилиши;

тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатларга имзо қўйиш учун мўлжалланган электрон рақамли имзонинг калитидан фақат тегишли мақсадларда фойдаланиши шарт⁹⁶.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁹⁷.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва

⁹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–395-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим⁹⁸.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва

⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга ҳилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт⁹⁹.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹⁰⁰.

⁹⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, Қонунда белгиланган, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, беғараз ва холис бўлиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши, ўз хизмат мавқеидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги, шунингдек ўз хизмат фаолиятига, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқароларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиши, шунингдек ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида олинган мазкур маълумотларни ошкор қилмаслиги, шу жумладан давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти тугаганидан кейин ошкор этмаслиги, қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши, давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши, ўзининг касбий компетенциясини мунтазам равишда ошириб бориши шарт.

Давлат фуқаролик хизматчиси ўзаро яқин қариндошликда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно, педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустасно, ўзи хизмат қилаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар

орқали олишга, ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга, чет давлат фуқаролигини олишга, қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар, шунингдек давлат фуқаролик хизматида киришдан олдин олинган ва ошкор қилинган мол-мулк мустасно, ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга ҳақли эмас. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фуқаролик хизматида қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Давлат фуқаролик хизматчиси шуғулланиши мумкин бўлмаган ҳақ тўланадиган фаолият турлари рўйхати коррупцияга қарши курашиш ва давлат фуқаролик хизмати бўйича махсус ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чекловларга риоя этмаганлик давлат фуқаролик хизматчисини қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт. Давлат фуқаролик хизматчиси қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шарт¹⁰¹.

Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонунчиликда белгиланган доирада амалга ошириши шарт. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак. Маъмурий орган маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шарт. Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя

¹⁰¹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқланади¹⁰².

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин¹⁰³.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки

¹⁰² Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ-457-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁰³ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-кидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади¹⁰⁴.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, ҳокимият ёки мансаб ваколатини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати, сув, ер, ўсимлик ва ҳавонот дунёси муҳофазаси ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, қасд (ғаразғўйлик, тамагирлик) ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчиси билан боғлиқ ҳолда, содир этилиши;

6) қилмишнинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян

¹⁰⁴ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши орқали содир этилиши;

7) айбдорнинг қилаётган қилмиши қонунга ҳилоф эканлигини билиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари;

12) айбдор шундай қилмиши учун бир йил ичида маъмурий жазога тортилган бўлиши ёки қилмиш камида анча миқдорда содир этилиши.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчиси моддий қимматликлар олган вақтдан;

2) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчиси мулкӣ манфаатдор бўлган вақтдан;

3) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисидан моддий қимматликларга тенглаштирилган неъматларни олиш ҳуқуқи вужудга келган вақтдан;

4) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига моддий қимматликларга тенглаштирилган неъматларни олиш ҳуқуқини берувчи имтиёз (масалан, блокчейн тармоғида транзакция тасдиқланган лаҳза) пайдо бўлган вақтдан.

Бунда, тарафларнинг ўзаро бир-бирларини кўрган ёки кўрмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – аралаш таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – моддий қимматликлар, мулкӣ манфаатдорликка боғлиқ корпоратив молиявий активлар, электрон ҳисоб рақамлари, онлайн тўлов баланслари, виртуал активлар, рақамли активлар, мол-мулк, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозлар, мулкӣ ҳуқуқлар, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли

қоғозларга бўлган ҳуқуқлар, мулкӣ йўсиндаги ҳаракатлар, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни бериш ёки муаллифлик ҳуқуқидан фойда олишга қаратилган ҳаракатлар, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товар сотиш каби ҳаракатлар, мулкӣ манфаатлар, шу жумладан, умумӣ мулкдорлик, меросдан воз кечиш ва ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоӣ тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфӣ маълумот, тендер маълумотлари, миждозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноӣ жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоӣ буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоӣ тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

Бунда, жиноят предмети сифатида моддий қийматга эга нарса, номоддий манфаат, рақамли актив, махфӣ ахборот ва ҳуқуқ бериш тан олиниши мумкин. Бироқ, номоддий манфаатга кирадиган ҳолатлар, жумладан, жинсий

алоқа қилиш, бошқа шахсни жинсий алоқа қилишга кўндириш ушбу жиноят предмети саналмайди ва улар жиноят бўлиши учун айбдор мулкый манфаатдорликка ёки моддий қимматликка эга бўлиши шарт.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

- 1) **Algorithm Manipulation (алгоритмни четлаб ўтиш).** Мисол учун, тизим автоматик равишда рад этиши керак бўлган аризани техник жиҳатдан маъқулланди ҳолатига ўтказиб қўйиш;

- 2) **Privileged access selling (кириш ҳуқуқини сотиш).** Мисол учун, ўзининг логин ва паролини ёки тизимга кириш сессиясини – Session Token вақтинчалик учинчи шахсга бериш;

- 3) **Data shadowing (маълумотларни яширин кўчириш).** Мисол учун, хизмат вазифаси юзасидан кириш ҳуқуқи бўлган базадан тижорат сирини кўчириб, уни Darknet майдончаларида ёки ёпиқ каналларда сотиш;

- 4) **Micro-bribing via digital assets (рақамли активлар орқали микро-пора).** Мисол учун, нақд пулсиз, балки ўйин ичидаги валюталар, NFT-коллекциялар ёки крипто-биржалардаги Red Packet (совға пакетлари) кўринишида маблағ қабул қилиш;

- 5) **Technical sabotage for profit (манфаат йўлидаги техник саботаж).** Мисол учун, маълумотлар базасидаги маълумотни атайлаб хато киритиш ва уни тузатиш эвазига пул талаб қилиш (тамагирлик);

- 6) **кибертамагирлик (Cyber-Extortion).** Мисол учун, хизматчи тизимдаги муҳим маълумотларни блоклаб қўйиши ёки уларни ошкор қилиш билан таҳдид қилиб, шахсдан электрон ҳамёнига пул ўтказишни талаб қилиши;

- 7) **backdoor (Орқа эшик) яратиш эвазига пул олиш.** Мисол учун, хизматчи масалан, тизим администратори дастурий кодга жиноятчилар учун яширин кириш нуқтасини қолдиради ва бунинг эвазига криптовалюта шаклида ҳақ олиши;

- 8) **тизимдаги чекловларни пуллик ечиш.** Мисол учун, давлат хизматлари тизимида навбатни сунъий илгари суриш ёки жарималарни тизимдан ўчириш эвазига Click, Payme ёки бошқа тўлов тизимлари орқали яширинча маблағ қабул қилиш йўли билан содир этиши мумкин.

- 9) **маълумотларни экспорт қилиш.** Мисол учун, хизматчи хизмат мавқеидан фойдаланиб, тизимдаги базани (фуқаролар, тадбиркорлар рўйхати) ташқи шахсларга сотиши ва бу орқали мулкый манфаатдор бўлиши йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли далиллар тўпланиши мумкин, хусусан:

- 1) **тизим ичидаги излар (Server-side traces):**

Audit logs. Мисол учун, тизимда ким, қачон ва қайси маълумотни ўзгартиргани ҳақидаги ёзувлар;

Access logs. Мисол учун, хизматчининг иш вақтидан ташқари вақтда ёки шубҳали IP-манзилдан масалан, VPN орқали тизимга киргани;

SQL Query History. Мисол учун, маълумотлар базасига юборилган ғайритабиий сўровлар тарихи;

2) тармоқ ва коммуникация излари:

Traffic Metadata. Мисол учун, мессенжерлар (Telegram, Signal ва ҳк.) орқали юборилган маълумотлар ҳажми ва вақти;

IMEI/IMSI mapping. Мисол учун, жиноий алоқа вақтида фойдаланилган қурилманинг географик координаталари;

Browser history & cache. Мисол учун, хизматчининг қурилмасида крипто-ҳамёнлар ёки аноним тўловлар ҳақида қидирув излари;

3) молиявий-рақамли излар:

P2P transaction IDs. Мисол учун, криптобиржалардаги ўтказмалар тарихи;

Mobile banking logs. Мисол учун, тўлов тизимларидаги суюнчи, қарз ёки изоҳсиз қолдирилган шубҳали ўтказмалар;

Digital wallet keys. Мисол учун, қурилма хотирасида сақланиб қолган виртуал ҳамён калитлари ва транзакция чеклари.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси давлат органи ёки ташкилот хизматчисининг ўз хизмат компютери орқали электрон маълумотлар базаларига киришини, уни оғдириб олувчи шахс манфаатларини кўзлаб амалга оширган ёки бажармаган рақамли ҳаракатларининг масалан, электрон навбатни сунъий силжитиш, тизимда маълумотномаларни тезлаштириб тасдиқлаш техник лог-файлларини ва IP-манзилларини, қурилмадаги хизматчининг компютери ва телефонидан ўчирилган ёзишмаларни, тизимга кириш калитларини ва яширин файлларни тиклаш, ахборот-коммуникация тизимининг кодига ёки базасига ташқаридан (ёки ичкаридан) ноқонуний аралашув бўлган-бўлмаганлигини ва бунинг натижасида тизим иши қандай ўзгарганини;

2) суд-молия-кредит экспертизаси хизматчи томонидан қонунга ҳилоф равишда олинган пул маблағларининг электрон тўлов тизимлари (иловалар, электрон ҳамёнлар) ёки банк карталари орқали ўтказилган транзакциялари занжирини ва маблағларнинг хизматчига келиб тушган аниқ вақтини;

3) суд-иқтисодий экспертизаси хизматчининг қонунга ҳилоф равишда олган моддий қимматликлари ёки мулкӣ манфаатдорлигининг умумий қийматини ҳисоблаб, жиноятнинг моддада кўрсатилган анча, кўп ёки жуда кўп миқдорга мослигини, берилган моддий қимматлик масалан, NFT ёки акция қийматини;

4) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси хизматчи ва манфаатдор шахс ўртасидаги ахборот-коммуникация технологиялари тармоқларидаги (ижтимоӣ тармоқлар, мессенжерлар) ёзишмалар матнини таҳлил қилиб, унда

хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиши бўйича келишув борлигини ва жиноятнинг тамагирлик (мажбурлаш, талаб қилиш) йўли билан содир этилганини тасдиқловчи лингвистик белгиларни, ёзишмалардаги яширин маъноларни масалан, базани тозалаш деганда пора эвазига маълумотни ўчириш назарда тутилганини;

5) суд-фонографик экспертизаси хизматчининг тамагирлик йўли билан мулкӣ манфаат талаб қилганлиги ёки олганлиги акс этган овозли хабарлари ва телефон сўзлашувларидаги нутқ эгасини, шунингдек, аудиоёзувнинг яхлитлигини ва монтаж қилинмаганлигини;

6) видеоматериалларнинг суд экспертизаси хизматчининг иш жойида ёки бошқа ҳудудларда ўрнатилган видеокузатув камералари тасвирлари орқали унга электрон тўлов воситалари (банк карталари, смарт-карталар) ёки бошқа моддий қимматликлар бевосита топширилган вақт ва ҳолатларни;

7) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси хизматчи томонидан моддий қимматликлар эвазига ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида расмийлаштириб берилган электрон ҳужжатлар, рухсатномалар ва электрон навбат талонларидаги реквизитларнинг ва шакллантириш жараёнининг ҳақиқийлигини;

8) суд-бухгалтерия экспертизаси агар хизматчига берилган моддий манфаатдорлик электрон ҳисоб-китобларда сохта хизматлар кўрсатиш шартномалари орқали ниқобланган бўлса, ташкилотнинг электрон бухгалтерия ҳисобларидаги тафовутлар ва ноқонуний чиқимларни;

9) суд-психологик экспертизаси хизматчининг жиноятни содир этиш вақтидаги руҳий ҳолатини, ўз ҳаракатларининг қонунга ҳилоф эканлигини била туриб амалга оширганини, шунингдек, тамагирлик ҳолатида жабрланувчига ўтказилган психологик таъсир даражасини;

10) суд-портрет экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари тизимларида масалан, банкоматлардан ноқонуний олинган пулни ечиш вақтида биометрик назоратга ёки камерага тушиб қолган шахснинг қиёфаси орқали жиноятга алоқадор хизматчини идентификация қилишни;

11) суд-товаршунослик экспертизаси хизматчи томонидан қонунга ҳилоф равишда олинган ахборот-коммуникация технологиялари ускуналари (сўнгги русумдаги смартфонлар, компьютерлар ва б.) ёки пуллик дастурий таъминотларнинг жиноят содир этилган пайтдаги ҳақиқий бозор қийматини;

12) суд-хатшунослик экспертизаси хизматчининг электрон тўловларни қабул қилиши ёки тизимларга кириши учун зарур бўлган логин-пароллар, банк реквизитлари қайд этилган қўлёзма ёзувларнинг айнан қайси шахс томонидан ёзилганини;

13) одам ДНКси суд-биологик экспертизаси хизматчига мулкӣ манфаатдорлик сифатида берилган моддий қимматликлар (масалан, техник курилмалар) ёки тўлов воситалари юзасида қолган биологик излар орқали ушбу буюмларга хизматчининг жисмонан текканлигини;

14) суд-электротехникавий экспертизаси хизматчи ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда электрон тизимларга ноқонуний аралашиш ёки рақамли

изларни яшириш мақсадида фойдаланган қўшимча техник воситаларнинг вазифаси ва созлигини;

15) ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси агар тамагирлик тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахсга нисбатан халқаро электрон савдо ёки божхона электрон тизимлари орқали содир этилган бўлса, бунинг тадбиркорнинг ташқи иқтисодий фаолиятига етказган зарарини аниқлайди.

Одатда хизматчи ўз айбини яшириш учун пора берган шахс билан фақат аноним мессенжерларда гаплашади ва маблағни дроп (бировнинг номидаги) карталарга олади. Шу сабабли тергов ва экспертизада қуйидагилар аниқланиши шарт:

Тергов ва кибер-экспертиза жараёнида қуйидагилар исботланиши шарт:

1) **Мулкий манфаатдорлик излари (Financial Forensics).** Хизматчининг яқинлари номига очилган электрон ҳамёнлар ёки виртуал карталарга келиб тушган шубҳали маблағлар текширилиши лозим.

2) **P2P транзакциялар.** Криптовалюта орқали маблағларнинг нақдлаштирилганини аниқлаш керак.

3) **Тизимдаги ҳаракатлар аудити (Audit Logs).** Хизматчи пора олган вақтда тизимда қандай ноқонуний амалиётларни бажарган (масалан, базага ўзгартириш киритган ёки файлларни юклаган)лиги аниқланиши зарур.

4) **Қурилмаларнинг ўзаро боғлиқлиги.** Пора берган шахс ва хизматчининг қурилмалари (смартфон, ноутбук) битта Wi-Fi тармоғида ёки бир хил VPN серверлари орқали мулоқот қилганлиги текширилиши шарт.

5) **Шифрланган маълумотларни дешифрлаш.** Хизматчининг телефонидаги яширин папкаларда (Secure Folder) сақланган ҳамён калитлари ёки транзакция скриншотларини тикланиши шарт.

Ушбу қилмиш жиноят бўлиши учун айбдорнинг шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этиши талаб қилинади. Ўша ҳаракатлар анча, кўп ёки жуда кўп миқдорда, тамагирлик йўли билан, такроран, хавfli рецидивист ёки илгари ЖК 210-212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан шахсга нисбатан тамагирлик йўли билан, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, бу ҳолатлар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади. Мазкур жиноят ЖКнинг 213-моддасида назарда тутилган жиноятнинг акси бўлиб, бунда хизматчининг ўзи ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши орқали ушбу жиноятни содир этади. Ушбу жиноят объекти, субъекти, субъектив томони, жиноят предмети пора олиш жинояти билан ўзаро бирхилдир.

1.10-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши жиноятининг юридик-техник таҳлили

214¹-модда. Спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг улар бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёхуд бажармаслиги эвазига қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши, ушбу Кодекснинг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда,

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) такроран;*
- б) кўп миқдорда;*
- в) тамагирлик йўли билан;*
- г) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –*

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда;*
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –*

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг

манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашishiга, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашishiга йўл қўйилмайди. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹⁰⁵.

Қонунчиликка асосан, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашishiга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниқласа, улар ўз ваколатлари доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўриши мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзга қонуний фаолиятига аралашishi ёки бундай фаолиятни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига:

¹⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босишни талаб қилиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш тўғрисида талаб қўйиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида қабул қилинган, зарар кўрилишига олиб келган қарорлар учун уларнинг бошқарув органлари аъзоларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тақиқланади.

Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг филиаллари раҳбар ходимларини тайинлашга аралашиши, банк маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиши тақиқланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг банклар кредит портфели ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш юзасидан банклар фаолиятига аралашиши тақиқланади.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан ушбу хўжаликларнинг агротехника усулларини, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, бу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилашига аралашишга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно¹⁰⁶.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт¹⁰⁷.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари барча ариза берувчиларнинг электрон давлат хизматларидан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт.

¹⁰⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁰⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини таъминлаши шарт¹⁰⁸.

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити хавфсизлигини таъминлаш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши;

электрон рақамли имзонинг калити бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки кириш режимининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказини дарҳол хабардор қилиши;

тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатларга имзо қўйиш учун мўлжалланган электрон рақамли имзонинг калитидан фақат тегишли мақсадларда фойдаланиши шарт¹⁰⁹.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур¹¹⁰.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва

¹⁰⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–395-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁰⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим¹¹¹.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш

¹¹¹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳукуқини бериши шарт¹¹².

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹¹³.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, Қонунда белгиланган, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши, манфаатлар тўқнашувига

¹¹² Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

йўл қўймаслиги, бегараз ва холис бўлиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши, ўз хизмат мавқеидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги, шунингдек ўз хизмат фаолиятига, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқароларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиши, шунингдек ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида олинган мазкур маълумотларни ошкор қилмаслиги, шу жумладан давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти тугаганидан кейин ошкор этмаслиги, қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши, давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши, ўзининг касбий компетенциясини мунтазам равишда ошириб бориши шарт.

Давлат фуқаролик хизматчиси ўзаро яқин қариндошликда ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно, педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустасно, ўзи хизмат қилаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олишга, ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга, чет давлат фуқаролигини олишга, қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга,

бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар, шунингдек давлат фуқаролик хизматиға киришдан олдин олинган ва ошқор қилинган мол-мулк мустасно, ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга ҳақли эмас. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фуқаролик хизматиға қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Давлат фуқаролик хизматчиси шуғулланиши мумкин бўлмаган ҳақ тўланадиган фаолият турлари рўйхати коррупцияга қарши курашиш ва давлат фуқаролик хизмати бўйича махсус ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чекловларга риоя этмаганлик давлат фуқаролик хизматчисини қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт. Давлат фуқаролик хизматчиси қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шарт¹¹⁴.

Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонунчиликда белгиланган доирада амалга ошириши шарт. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак. Маъмурий орган маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шарт. Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқланади¹¹⁵.

Қонунчиликка кўра, жисмоний тарбия ва спорт субъектлари жумласига жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, шу жумладан спорт-техника ташкилотлари, жисмоний тарбия-спорт жамиятлари, спорт клублари, спорт тайёргарлиги марказлари, спорт федерациялари (уюшмалари) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантирувчи

¹¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ–457-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ташкilotлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи таълим муассасалари, ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасалари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги тадқиқотларни амалга оширувчи илмий ташкilotлар, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи фуқаролар, спортчилар, спорт ҳакамлари, тренерлар, спорт бўйича агентлар ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассислар, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт тадбирларининг иштирокчилари ҳамда томошабинлари, қонунчиликка мувофиқ бошқа органлар ва ташкilotлар киради. Спортчи ўзи иштирок этаётган жисмоний тарбия ёки спорт тадбирлари тўғрисидаги қоидаларга, низомларга (регламентларга) ҳамда жисмоний тарбия ёки спорт тадбирлари ташкilotчиларининг талабларига риоя этиши шарт¹¹⁶.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга

¹¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ–394-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин¹¹⁷.

Бунда, тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-кидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади¹¹⁸.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, ҳокимият ёки мансаб ваколатини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс – махсус субъект – спортчи, тренер, спорт ҳаками ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчилари ва ташкилотчилари.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга ҳилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолда, спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг улар бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёхуд бажармаслиги эвазига қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши йўли билан содир этилади.

¹¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹¹⁸ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш, қасд (ғаразгўйлик, тамагирлик) ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмишнинг спортчи, тренер, спорт ҳаками ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчилари ва ташкилотчилари билан боғлиқ ҳолда, содир этилиши;

6) қилмишнинг Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолда, спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг улар бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёхуд бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши орқали содир этилиши;

7) айбдорнинг қилаётган қилмиши қонунга хилоф эканлигини билиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари;

12) айбдор қилмишида Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаслиги зарурлиги.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) спортчи, тренер, спорт ҳаками ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчилари ва ташкилотчилари моддий қимматликлар олган вақтдан;

2) спортчи, тренер, спорт ҳаками ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчилари ва ташкилотчилари мулкӣ манфаатдор бўлган вақтдан;

3) спортчи, тренер, спорт ҳаками ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларида моддий қимматликларга тенглаштирилган неъматларни олиш ҳуқуқи вужудга келган вақтдан;

4) спортчи, тренер, спорт ҳаками ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига моддий қимматликларга тенглаштирилган неъматларни олиш ҳуқуқини берувчи имтиёз (масалан, блокчейн тармоғида транзакция тасдиқланган лаҳза) пайдо бўлган вақтдан.

Бунда, тарафларнинг ўзаро бир-бирларини кўрган ёки кўрмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – моддий қимматликлар, мулкий манфаатдорликка боғлиқ корпоратив молиявий активлар, электрон ҳисоб рақамлари, онлайн тўлов баланслари, виртуал активлар, рақамли активлар, мол-мулк, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозлар, мулкий ҳуқуқлар, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар, мулкий йўсиндаги ҳаракатлар, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни бериш ёки муаллифлик ҳуқуқидан фойда олишга қаратилган ҳаракатлар, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товар сотиш каби ҳаракатлар, мулкий манфаатлар, шу жумладан, умумий мулкдорлик, меросдан воз кечиш ва ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

Бунда, жиноят предмети сифатида моддий қийматга эга нарсаси, номоддий манфаат, рақамли актив, махфий ахборот ва ҳуқуқ бериш тан олиниши мумкин. Бироқ, номоддий манфаатга кирадиган ҳолатлар, жумладан, жинсий алоқа қилиш, бошқа шахсни жинсий алоқа қилишга кўндириш ушбу жиноят предмети саналмайди ва улар жиноят бўлиши учун айбдор мулкӣ манфаатдорликка ёки моддий қимматликка эга бўлиши шарт.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Real-time Betting Manipulation. Мисол учун, спортчи ёки ҳакам майдонда туриб, мессенжер ёки махсус сигналлар, масалан, смарт-соатдаги тебраниш орқали букмекерлик синдикати билан алоқада бўлиш;

2) Spot-fixing (қисман келишув). Мисол учун, ўйиннинг умумий натижаси эмас, балки кичик деталлар (масалан, ким биринчи бўлиб сарик карточка олади ёки бурчак тўпи тепади) учун криптовалютада ҳақ олиш;

3) Darknet Syndicates. Мисол учун, келишилган ўйинлар ҳақидаги маълумотларни Даркнет форумларида сотиш ва тушган маблағни электрон ҳамёнлар орқали спортчиларга тақсимлаш;

4) Fake Tournaments. Мисол учун, аслида мавжуд бўлмаган, фақат компьютер графикаси ёки сохта трансляциялар ёрдамида яратилган “Ghost matches” (арвоҳ ўйинлар) орқали пул ювиш;

5) киберспортдаги match-fixing (Келишилган ўйинлар). Мисол учун, профессионал киберспортчига криптовалюта ёки ноёб ин-гейм (ўйин ичидаги қимматбаҳо буюмлар) бериш эвазига ўйинни атайлаб бой беришни таклиф қилиш;

6) техник манипуляция. Мисол учун, спорт ҳаками ёки ташкилотчисига пул бериб, мусобақа пайтида рақиб жамоанинг техник воситаларига (масалан, интернет тезлигига ёки серверга) DDoS-ҳужум уюштириш ёки дастурий таъминотда лаг (кечкикиш) ҳосил қилиш;

7) маълумотларнинг сизиб чиқиши (Inside Information). Мисол учун, спортчи ёки тренердан жамоанинг жисмоний ҳолати ёки махфий тактикасини ахборот-коммуникация технологиялари (чатлар) орқали сотиб олиб, ушбу

маълумот асосида онлайн-беттингда юқори коэффицентли тикмаларни амалга ошириш;

8) смарт-контрактлар орқали тўлов. Мисол учун, жиноятчи ва спортчи ўртасида “агар натижа мана бундай бўлса, маблағ автомат ўтсин” деган шарт билан блокчейн тизимида келишиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли далиллар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Betting Anomalies. Мисол учун, тотализатор ва букмекерлик компанияларидаги шубҳали пул тикиш графиклари (Betting patterns);

2) Encrypted Chats. Мисол учун, Telegram, WhatsApp ёки Signal ва бошқа мессенжерлардаги шифрланган, лекин форензика усули билан тикланган ёзишмалар;

3) Geo-Location Logs. Мисол учун, спортчи ёки ҳакамнинг мусобақа олдидадан шубҳали шахслар билан бир локацияда бўлганлиги;

4) Crypto-Wallet Artifacts. Мисол учун, пора сифатида келиб тушган Stablecoin (USDT) транзакциялари хэши;

5) Smart Device Logs. Мисол учун, смарт-соат ёки фитнес-трекерлардаги биометрик маълумотлар, масалан ўйиннинг муҳим дақиқасида спортчининг юрак уриши сунъий пасайганлиги ёки ғайритабиий ҳолати.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси спортчи, тренер ёки спорт ҳакамининг мобил қурилмалари ва компьютерлари орқали онлайн букмекерлик платформаларига (тотализаторларга) кириш логларини, матч натижаларини ўзгартиришга оид яширин электрон ёзишмаларни ҳамда пора предмети бўлган рақамли активларнинг (криптовалюта ва б.) қабул қилиниши тарихини, қурилмалардаги ёзишмалар ва келишув файлларни тиклаш, трансляция ёки техник тизимларга ташқаридан аралашув бўлганлигини, спортчи ёки унинг яқинларига тегишли бўлган аккаунтлардан ўз ўйинига ёки келишилган натижага тикмалар тикилганини, жамоавий чатлар (Discord, TeamSpeak, Telegram)даги ёзишмаларни таҳлил қилиниб, ўчирилган хабарларни ва кодланган сўзларни (масалан, “пул” ўрнига “керакли файл”), мусобақа пайтида спортчининг компьютерига ташқи таъсир бўлганлигини масалан, масофадан бошқариш дастурлари ўрнатилганлигини, мусобақадан олдин ёки кейин спортчининг ҳамёнига аномал миқдорда криптовалюта ёки қимматбаҳо ўйин активлари (skins) келиб тушганини;

2) суд-молия-кредит экспертизаси спорт мусобақаси натижасини қасддан ўзгартириш эвазига олинган пул маблағларининг банк карталари, халқаро электрон ҳамёнлар ёки букмекерлик ҳисоб рақамлари орқали амалга оширилган транзакциялар занжирини ва маблағларнинг якуний эгасига келиб тушган вақтини;

3) суд-иқтисодий экспертизаси қонунга ҳилоф равишда олинган моддий қимматликлар ёки мулкый манфаатдорликнинг умумий қийматини ҳисоблаб, жиноятнинг моддада кўрсатилган кўп ёки жуда кўп миқдорга мослигини;

4) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчилари ўртасидаги ахборот-коммуникация технологиялари тармоқларидаги (ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар) ёзишмалар матнини таҳлил қилиб, унда мусобақа натижасини қасддан ўзгартириш мақсади борлигини, шахснинг буни била туриб қилганини ёки тамагирлик (мажбурлаш, босим ўтказиш) аломатлари мавжудлигини тасдиқловчи лингвистик белгиларни, ёзишмалардаги яширин маъноларни;

5) суд-фонографик экспертизаси спорт ҳаками ёки спортчиларга мусобақа боришини ўзгартириш бўйича берилган оғзаки кўрсатмалар, телефон сўзлашувлари ёки овозли хабарлардаги нутқ эгасини, шунингдек, аудиоёзувнинг яхлитлигини ва техник ўзгартиришлар (монтаж) қилинмаганлигини;

6) видеоматериалларнинг суд экспертизаси спорт мусобақаси жараёнида содир этилган шубҳали ҳаракатлар (масалан, атайлаб хато қилиш ёки қоида бузиш) акс этган видеоёзувларни ҳамда спортчига электрон тўлов воситаларини топшириш ёки банкоматлардан ноқонуний пул ечиш жараёнидаги кузатув камералари тасвирларини;

7) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси мусобақа натижаларини сохталаштириш мақсадида электрон тизимларга киритилган электрон протоколлар, онлайн букмекерлик платформаларидаги электрон квитанциялар ва рақамли имзоларнинг шакллантирилиш жараёни ва ҳақиқийлигини;

8) суд-бухгалтерия экспертизаси агар спортчи ёки ташкилотчига берилган моддий манфаатдорлик спорт клубининг ёки федерациянинг электрон ҳисоб-китобларида сохта ҳомийлик шартномалари ёки мукофот пуллари сифатида ниқобланган бўлса, ташкилотнинг электрон бухгалтерия ҳисобларидаги асоссиз пул ўтказмаларини;

9) суд-психологик экспертизаси спортчи ёки ҳакамнинг жиноятни содир этиш вақтидаги руҳий ҳолатини, ўз ҳаракатларининг спорт принципларига ва қонунга ҳилоф эканлигини англаганлигини, шунингдек, уюшган гуруҳ томонидан унга ўтказилган тамагирлик ва психологик таъсир даражасини;

10) суд-портрет экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари тизимларидан (масалан, онлайн тотализаторлардан пул ютиб олиш ва уни нақдлаштириш жараёнида банкоматларда) фойдаланиш вақтида биометрик назоратга ёки камерага тушиб қолган шахснинг қиёфасини айнан шу жиноят иштирокчиси билан идентификация қилишни;

11) суд-товаршунослик экспертизаси спорт мусобақаси натижасини қасддан ўзгартириш эвазига қонунга ҳилоф равишда олинган ахборот-коммуникация технологиялари ускуналарининг (сўнгги русумдаги смартфонлар, компьютерлар ва б.) жиноят содир этилган пайтдаги ҳақиқий бозор қийматини;

12) суд-хатшунослик экспертизаси яширин электрон тўловларни амалга ошириш ёки букмекерлик иловаларига кириш учун зарур бўлган логин-пароллар, крипто-ҳамён калитлари қайд этилган қўлёзма ёзувларнинг айнан қайси спортчи ёки ташкилотчи томонидан ёзилганини;

13) одам ДНКси суд-биологик экспертизаси мулкый манфаат сифатида берилган техник қурилмалар ёки электрон карталар юзасида қолган биологик излар орқали ушбу буюмларга гумондор шахсларнинг (масалан, воситачи ёки спортчининг) жисмонан текканлигини;

14) ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси агар спорт мусобақалари натижаларини сотиб олиш халқаро жиноий синдикатлар томонидан трансчегаравий электрон тўлов тизимлари (офшор ҳудудлардан) орқали хорижий валютада молиялаштирилган бўлса, мазкур транзакцияларнинг миллий валютани тартибга солиш қоидаларига зидлигини аниқлайди.



Мазкур жиноят такроран, кўп ёки жуда кўп миқдорда, тамагирлик йўли билан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, бу ҳаракатлар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Бу жиноят жаҳон чемпионати ёки паролимпия ўйинлари билан боғлиқ бўлса ёки бошқа ҳолларда халқаро трансчегаравий кибержиноят кўринишида ҳам содир этилиши мумкин. Мисол учун, кибержиноят ташкилотчиси бир давлатда, спортчи иккинчи давлатда, букмекерлик идораси эса учинчи давлатда (офшор ҳудудда) бўлиши мумкин.

Кибермуҳитда спортчининг шахсий ҳаётига оид маълумотларни хакерлик йўли билан қўлга киритиб, уларни тарқатиш билан қўрқитиш (шантаж) орқали мусобақа натижасини ўзгартиришга мажбур қилиши орқали кибертамагирлик йўли билан ҳам содир этилиши мумкин. Халқаро киберсиндикатлар алгоритмлар ёрдамида ўйинлар боришини таҳлил қилиб, энг заиф бўғинни (ҳакам ёки иштирокчини) аниқлаши ва рақамли алоқа каналлари орқали уларни оғдириб олиши мумкин.

1.11-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

214²-модда. Спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳакамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёхуд бажармаслиги эвазига қонунга ҳилоф эканлигини билла туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уларни мулкӣ манфаатдор этиш, ушбу Кодекснинг 211 ва 213-моддаларида назарда тutilган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) такроран;*
- б) кўп миқдорда;*
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –*

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда;*
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –*

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар моддий қимматликлар берган ёки мулкӣ манфаатдор этган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкӣ манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат

тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашishiга, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашishiга йўл қўйилмайди. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹¹⁹.

Қонунчиликка асосан, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашishiга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниқласа, улар ўз ваколатлари доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўриши мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзга қонуний фаолиятига аралашishi ёки бундай фаолиятни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

¹¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига:

битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босишни талаб қилиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш тўғрисида талаб қўйиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида қабул қилинган, зарар кўрилишига олиб келган қарорлар учун уларнинг бошқарув органлари аъзоларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тақиқланади.

Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг филиаллари раҳбар ходимларини тайинлашга аралашиши, банк маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиши тақиқланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг банклар кредит портфели ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш юзасидан банклар фаолиятига аралашиши тақиқланади.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан ушбу хўжаликларнинг агротехника усуллари, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, бу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилашига аралашишга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно¹²⁰.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, ҳолисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт¹²¹.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари барча ариза берувчиларнинг электрон давлат хизматларидан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

¹²⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹²¹ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини ҳамда киберхавфсизлигини таъминлаши шарт¹²².

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити хавфсизлигини таъминлаш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши;

электрон рақамли имзонинг калити бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки кириш режимининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказини дарҳол хабардор қилиши;

тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатларга имзо қўйиш учун мўлжалланган электрон рақамли имзонинг калитидан фақат тегишли мақсадларда фойдаланиши шарт¹²³.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур¹²⁴.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши

¹²² Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–395-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹²³ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹²⁴ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим¹²⁵.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоккланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига

¹²⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт¹²⁶.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹²⁷.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш

¹²⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, Қонунда белгиланган, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, беғараз ва холис бўлиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши, ўз хизмат мавқеидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги, шунингдек ўз хизмат фаолиятига, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқароларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиши, шунингдек ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида олинган мазкур маълумотларни ошкор қилмаслиги, шу жумладан давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти тугаганидан кейин ошкор этмаслиги, қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши, давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши, ўзининг касбий компетенциясини мунтазам равишда ошириб бориши шарт. Давлат фуқаролик хизматчиси ўзаро яқин қариндошликда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунилишига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно, педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустасно, ўзи хизмат қилаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олишга, ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга, чет давлат фуқаролигини олишга, қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга,

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар, шунингдек давлат фуқаролик хизматига киришдан олдин олинган ва ошкор қилинган мол-мулк мустасно, ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга ҳақли эмас. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фуқаролик хизматига қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Давлат фуқаролик хизматчиси шуғулланиши мумкин бўлмаган ҳақ тўланадиган фаолият турлари рўйхати коррупцияга қарши курашиш ва давлат фуқаролик хизмати бўйича махсус ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади. Ушбу чекловларга риоя этмаганлик давлат фуқаролик хизматчисини қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт. Давлат фуқаролик хизматчиси қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шарт¹²⁸.

Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонунчиликда белгиланган доирада амалга ошириши шарт. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак. Маъмурий орган маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шарт. Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқланади¹²⁹.

Қонунчиликка кўра, жисмоний тарбия ва спорт субъектлари жумласига жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, шу жумладан спорт-техника ташкилотлари, жисмоний тарбия-спорт жамиятлари, спорт клублари, спорт тайёргарлиги марказлари, спорт федерациялари (уюшмалари) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа нодавлат нотижорат

¹²⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹²⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ–457-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ташкilotлари, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантирувчи ташкilotлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи таълим муассасалари, ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасалари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги тадқиқотларни амалга оширувчи илмий ташкilotлар, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи фуқаролар, спортчилар, спорт ҳакамлари, тренерлар, спорт бўйича агентлар ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассислар, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт тадбирларининг иштирокчилари ҳамда томошабинлари, қонунчиликка мувофиқ бошқа органлар ва ташкilotлар киради. Спортчи ўзи иштирок этаётган жисмоний тарбия ёки спорт тадбирлари тўғрисидаги қоидаларга, низомларга (регламентларга) ҳамда жисмоний тарбия ёки спорт тадбирлари ташкilotчиларининг талабларига риоя этиши шарт¹³⁰.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек

¹³⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ–394-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин¹³¹.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади¹³².

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, ҳокимият ёки мансаб ваколатини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга ҳилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолда, спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳакамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёхуд бажармаслиги эвазига қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уларни мулкӣ манфаатдор этиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш, қасд (ғаразгўйлик, тамагирлик) ва ҳк.

¹³¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹³² Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмишнинг спортчи, тренер, спорт ҳаками ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчилари ва ташкилотчилари билан боғлиқ ҳолда, содир этилиши;

6) қилмишнинг Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолда, спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳакамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёхуд бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уларни мулкӣ манфаатдор этиш орқали содир этилиши;

7) айбдорнинг қилаётган қилмиши қонунга хилоф эканлигини билиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари;

12) айбдор қилмишида Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаслиги зарурлиги.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) спортчи, тренер, спорт ҳаками ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига моддий қимматликлар берилган вақтдан;

2) спортчи, тренер, спорт ҳаками ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчилари ва ташкилотчилари мулкӣ манфаатдор этилган вақтдан;

3) спортчи, тренер, спорт ҳаками ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларида моддий қимматликларга тенглаштирилган неъматларни олиш ҳуқуқи берилган вақтдан;

4) спортчи, тренер, спорт ҳаками ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига моддий қимматликларга тенглаштирилган неъматларни олиш ҳуқуқини берувчи имтиёз (масалан, блокчейн тармоғида транзакция тасдиқланган лаҳза) берилган вақтдан.

Бунда, тарафларнинг ўзаро бир-бирларини кўрган ёки кўрмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавfli қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – моддий қимматликлар, мулкий манфаатдорликка боғлиқ корпоратив молиявий активлар, электрон ҳисоб рақамлари, онлайн тўлов баланслари, виртуал активлар, рақамли активлар, мол-мулк, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозлар, мулкий ҳуқуқлар, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар, мулкий йўсиндаги ҳаракатлар, шу жумладан, электрон пуллар, криптовалюта, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни бериш ёки муаллифлик ҳуқуқидан фойда олишга қаратилган ҳаракатлар, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товар сотиш каби ҳаракатлар, мулкий манфаатлар, шу жумладан, умумий мулкдорлик, меросдан воз кечиш ва ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миждозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узок муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш,

тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

Бунда, жиноят предмети сифатида моддий қийматга эга нарса, номоддий манфаат, рақамли актив, махфий ахборот ва ҳуқуқ бериш тан олиниши мумкин. Бироқ, номоддий манфаатга кирадиган ҳолатлар, жумладан, жинсий алоқа қилиш, бошқа шахсни жинсий алоқа қилишга кўндириш ушбу жиноят предмети саналмайди ва улар жиноят бўлиши учун айбдор мулкӣ манфаатдорликка ёки моддий қимматликка эга бўлиши шарт.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёйишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Betting Syndicates (тикиш синдикатлари). Мисол учун, жинорий гуруҳлар томонидан спортчиларга порани тўғридан-тўғри эмас, балки учинчи шахслар (Drops) орқали крипто-ҳамёнларга ўтказиб беришиши;

2) Affiliate Link Schemes. Мисол учун, спортчи ёки ҳакамга махсус букмеккерлик ҳаволалари берилиб, у орқали ютказилган пулларнинг маълум фоизи (откат) спортчининг яширин ҳисобига тушиши таъминланиши;

3) Social Media Manipulation. Мисол учун, ижтимоий тармоқлардаги сохта аккаунтлар орқали спортчи билан алоқага чиқиб, унга реклама шартномаси ниқоби остида келишилган ўйин учун бўнак (advance) бериш;

4) Dark Web Mediation. Мисол учун, пора бериш шартлари ва маблағ ўтказмалари Даркнетдаги махсус Escrow (кафиллик) сервислари орқали амалга оширилиши мумкин;

5) криптовалюта трансферлари. Мисол учун, спортчи ёки ҳакамнинг аноним ҳамёнига (Bitcoin, Monero, USDT) маблағ ўтказиш ва монеро каби аноним коинлар транзакция занжирини кўришни имконсиз қилиш;

6) In-game assets (Ўйин ичидаги активлар). Мисол учун, киберспортда пора сифатида жуда қимматбаҳо скинлар (масалан, CS:GO ёки Dota 2 даги ўн минглаб доллар турадиган виртуал буюмлар) бериш ва уларни кейинчалик махсус сайтларда нақд пулга айлантириш;

7) беттинг-аккаунтларни молиялаштириш. Мисол учун, спортчининг букмеккерлик идорасидаги шахсий ҳисобини воситачилар (дроплар) орқали тўлдириб бериш йўли билан содир этилиши мумкин;

8) darknet форумларидаги битимлар. Мисол учун, келишилган ўйинларни ташкил этувчи деллоллар яширин тармоқлар орқали спортчилар

билан алоқага чиқиб, шартларни келишади ва тўловни амалга ошириш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли далиллар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Anomalous Betting Patterns. Мисол учун, тотализаторларда маълум бир ўйинчи ёки воқеа масалан, 15-дақиқада сариқ карточка учун ғайритабиий даражада катта миқдорда пул тикилгани ҳақидаги маълумотлар;

2) IP Correlation. Мисол учун, пора берувчининг ва олувчининг қурилмалари бир вақтнинг ўзида крипто-биржага ёки аноним мессенжерга киргани ҳақидаги провайдер логлари;

3) Encrypted Metadata. Мисол учун, шифрланган чатларнинг ўзи ўқилмаса-да, уларнинг ҳажми, частотаси ва алоқа вақти (масалан, ўйин бошланишидан 10 дақиқа олдин) муҳим из ҳисобланади;

4) Crypto-Transaction Traces. Мисол учун, блокчейндаги транзакциялар занжири, айниқса мixelлар (изни лойқалатувчи сервислар) ишлатилган бўлса, уларнинг кириш ва чиқиш нуқталари;

5) Smart Contract Artifacts. Мисол учун, агар келишув автоматлаштирилган бўлса, смарт-контракт кодидаги шартлар ва манзиллар.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси оғдириб олувчи шахснинг қурилмаларидаги букмекерлик иловалари, транзакциялар тарихи ва спортчилар ёки ҳакамлар билан мусобақа натижасини келишишга қаратилган яширин электрон алоқа изларини, пора берувчининг қурилмасидан ўчирилган ёзишмаларни ва браузер тарихини;

2) суд-молия-кредит экспертизаси спорт мусобақаси натижасини қасддан ўзгартириш учун йўналтирилган маблағларнинг банк карталари, электрон тўлов тизимлари ёки крипто-биржалар орқали ҳаракатланиш занжирини ва ушбу пулларнинг манбасини;

3) суд-иқтисодий экспертизаси спортчини ёки ташкилотчини оғдириб олиш учун берилган моддий қимматликларнинг умумий қийматини ҳисоблаб, жиноятнинг кўп ёки жуда кўп миқдорга мослигини;

4) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари тармоқларидаги ёзишмаларни таҳлил қилиб, ундаги мусобақа натижасини қасддан ўзгартириш мақсадини, пора таклиф қилиш ва келишув шартларини тасдиқловчи лингвистик белгиларни, ёзишмалардаги яширин маъноларни аниқлаш, ёзишмалардаги кодланган сўзларнинг масалан, “об-ҳаво ўзгаради” натижа келишилганини билдирадувчи асл маъносини;

5) суд-фонографик экспертизаси телефон сўзлашувлари ёки мессенжерлардаги овозли хабарлар орқали спортчи ёки ҳакамни оғдириб олишга қаратилган нутқ эгасини идентификация қилади ва ёзувнинг ҳаққонийлигини;

6) видеоматериалларнинг суд экспертизаси банкоматлар, тўлов терминаллари ёки учрашув жойларидаги кузатув камералари тасвирлари

орқали оғдириб олувчи шахснинг ҳаракатларини ва моддий воситаларни топшириш жараёнини;

7) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси оғдириб олишни ниқоблаш учун ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тайёрланган электрон ҳомийлик шартномалари, тўлов квитанциялари ва рақамли



реквизитларнинг ҳақиқийлигини;

8) суд-бухгалтерия экспертизаси агар оғдириб олиш юридик шахснинг маблағлари ҳисобидан сохта электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилган бўлса, ташкилотнинг электрон ҳисобларидаги асоссиз пул чиқимларини;

9) суд-психологик экспертизаси айбдор шахсга нисбатан товламачилик (пора сўраб қисташ) ҳолати бўлган-бўлмаганлигини ҳамда унинг ўз ихтиёри билан арз қилиш ва чин кўнгилдан пушаймонлик ҳолатини;

10) суд-портрет экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари тизимларидан фойдаланиш ёки маблағларни нақдлаштириш вақтида камерага тушган шахснинг қиёфасини оғдириб олувчи билан идентификация қилишни;

11) суд-товаршунослик экспертизаси оғдириб олиш предмети сифатида берилган қимматбаҳо ахборот-коммуникация технологиялари ускуналари ва рақамли активларнинг (NFT, премиум аккаунтлар ва б.) бозор қийматини;

12) суд-хатшунослик экспертизаси оғдириб олиш жараёнида фойдаланилган банк реквизитлари, крипто-ҳамён манзиллари ёки логин-пароллар ёзилган кўлёзма қайдларнинг кимга тегишлилигини;

13) суд-электротехникавий экспертизаси жиноятни содир этишда ишлатилган ва идентификацияни яширишга хизмат қилувчи махсус техник воситаларнинг (VPN-routerлар, аноним алоқа қурилмалари) вазифасини;

14) одам ДНКси суд-биологик экспертизаси оғдириб олиш учун берилган техник воситалар, банк карталари ёки алоқа қурилмаларида қолган биологик излар орқали уларни ушлаган шахсларни;

15) ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси агар жиноят халқаро букмекерлик бозорларига таъсир қилиш учун чет эл валютасида ва трансчегаравий ахборот-коммуникация технологиялари каналлари орқали содир этилган бўлса, маблағларнинг ҳаракат йўналишини;

16) суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси спорт мусобақалари натижаларини сотиб олишнинг ижтимоий тармоқлар ва ОАВ орқали тарқалган акс-садосининг давлатнинг спорт соҳасидаги имижига етказган зарарини аниқлайди.

Ушбу жиноят бўйича экспертиза хулосаси қуйидаги далилларга таяниши лозим:

1) **Техник алоқа (Digital Communication).** Мессенжерлардаги (Telegram, Signal, Discord) ёзишмалар, пора бериш бўйича инструкциялар (масалан, 80-дақиқада пенальти бўлиши керак каби техник кўрсатмалар) таҳлил қилиниши лозим;

2) **IP-манзиллар ва Геолокация.** Пора берувчи ва спортчининг мулоқот вақтидаги географик жойлашувини аниқлаш, тўлов тасдиғи юборилган қурилманинг идентификация маълумотлари (IMEI) текширилиши керак.

3) **Блокчейн аналитикаси.** Маблағларнинг кимга тегишли ҳамёнлардан чиққани ва қайси крипто-миксерлар орқали ўтганини кузатиш лозим.

4) **Беттинг алгоритмлари таҳлили.** Муайян ўйин пайтида букмекерлик идораларида шубҳали ва аномал равишда юқори суммали тикмалар тикилгани ҳақидаги техник ҳисоботлар текширилиши шарт.

Агар спортчи мансабдор шахс ёки давлат органи хизматчиси бўлмаса, фақат профессионал спорт иштирокчиси бўлса, ушбу ҳолатда жиноят ЖК 214²-моддаси билан квалификация қилинади. Моддий қимматлик берилган ёки спортчи мулкӣ манфаатдор этилган (масалан, унинг номига онлайн-казинода пул ютиб берилган) вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади. Жиноятнинг тамомланишида поранинг бир қисми берилган ёки берилмаганлиги аҳамиятсиз.

Ушбу жиноят такроран, кўп ёки жуда миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, бу ҳолатлар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади. Агар моддий қимматликлар берган ёки мулкӣ манфаатдор этган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкӣ манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

1.12-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

215-модда. Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтинчи соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга. Давлат рамзлари давлат ҳимоясидадир. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур

етказмаслиги шарт¹³³. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига асосан ҳам Қорақалпоғистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга¹³⁴.

Қонунчиликка асосан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлишга, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан ва унинг тасвири туширилган белгилардан йиртилган, ифлосланган, тешилган, ранги ўчган ҳолда ва бошқа номаъқул тарзда фойдаланишга, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан бирор-бир нарса учун устки ёпинғич сифатида фойдаланишга, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини столларга, ўриндиқларга, стулларга тўшашга ёки унинг тасвирини туширишга ва ундан қоплама сифатида фойдаланишга, шунингдек уни ўтириладиган бошқа жойларга ёки оёқ остига тўшашга ёки унинг тасвирини туширишга, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан кийим-бош, дастрўмол ёки кўрпа-тўшак сифатида, шунингдек буюмларни сақлаш ва ташиш учун фойдаланишга, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгиларни пойабзалга, дастрўмолга, кўрпа-тўшакка, ички кийимга, сочиқларга, қутиларга (ўровларга), бир марта фойдаланиш ва ташлаб юбориш учун мўлжалланган буюмларга босиб чиқаришга ёки унинг тасвирини бошқача тарзда туширишга, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан ва унинг тасвири туширилган белгилардан одоб-ахлоқ қоидалари ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига зид равишда ёхуд уларни таҳқирлаш ҳисобланадиган бошқача тарзда фойдаланишга йўл қўйилмайди¹³⁵.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзидир. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт¹³⁶.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ҳурмат қилиши шарт¹³⁷.

¹³³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹³⁴ Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹³⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида” 1991 йил 18 ноябрдаги 407-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹³⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида” 1992 йил 2 июлдаги 616-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹³⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида” 1992 йил 10 декабрдаги 768-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш тақиқланади¹³⁸.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт¹³⁹.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур¹⁴⁰.

Номақбул рекламага йўл қўйилмайди. Рекламада давлат рамзларидан, хусусан Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвиридан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси оҳангидан фойдаланиш ёки уларни айнан такрорлаш тақиқланади¹⁴¹.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект

¹³⁸ Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹³⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида” 2022 йил 7 июндаги ЎРҚ–776-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очик маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим¹⁴².

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар

¹⁴² Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт¹⁴³.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан давлат рамзларига ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборотни тарқатиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹⁴⁴.

Давлатга рамзларига ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборотни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ

¹⁴³ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁴⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жиной ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди¹⁴⁵.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт¹⁴⁶.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иктисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги

¹⁴⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁴⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин¹⁴⁷.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади¹⁴⁸.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, шу жумладан, давлат размларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, қасд (ғаразғўйлик, ўч олиш) ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;

¹⁴⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁴⁸ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 - 5) қилмишнинг Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси билан боғлиқ ҳолда, содир этилиши;
 - 6) қилмишнинг Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш орқали содир этилиши;
 - 7) айбдорнинг қилаётган қилмиши қонунга ҳилоф эканлигини билиши;
 - 8) алоқа;
 - 9) ахборот;
 - 10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
 - 11) ахборот-коммуникация технологиялари.
- Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

- 1) Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилишда ифодаланган ахборот телекоммуникация тармоғида жойлаштирилган вақтдан;
- 2) Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилишда ифодаланган ахборот телекоммуникация тармоғида тарқатилган вақтдан;
- 3) Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилишда ифодаланган ахборот телекоммуникация тармоғида реклама қилинган вақтдан;
- 4) Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилишда ифодаланган ахборот телекоммуникация тармоғида узатилган вақтдан;
- 5) Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилишда ифодаланган ахборот ошкор қилинган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси ва уларга оид ахборот ва ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали

маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эғалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миждозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узок муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёйишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Visual Defacement (рақамли таҳқирлаш). Мисол учун, давлат байроғи ёки герби тасвирини график муҳаррирлар (Photoshop ва ҳ.к.) ёрдамида ҳақоратли тасвирлар билан бирлаштириш ёки уларни мазах қилувчи контекстга жойлаштириш;

2) AI and Deepfakes. Мисол учун, сунъий интеллект ёрдамида давлат мадҳиясини ҳақоратли сўзлар билан қайта ишлаш (Voice swapping) ёки рамзларни видео-манипуляция қилиш;

3) Algorithmic Dissemination. Мисол учун, ҳурматсизлик ифодаланган видео ёки фотоларни ижтимоий тармоқларда (TikTok, Instagram ва ҳк.) трендга чиқариш орқали оммавий таҳқирлашни ташкил қилиш;

4) Virtual Desecration. Мисол учун, метаоламларда (Metaverse) ёки онлайн ўйинларда давлат рамзларини ерга ташлаш, ёқиш ёки бошқа таҳқирловчи виртуал ҳаракатларни симуляция қилиш орқали амалга оширилиши мумкин;

5) рақамли дефейс (Defacement). Мисол учун, давлат органларининг расмий веб-сайтларига ҳакерлик ҳужуми уюштириб, ундаги Давлат герби ёки байроғи тасвирини ҳақоратли расмлар, ёзувлар ёки душманлик белгилари билан алмаштириш;

6) график манипуляция (Deepfake ва Фотошоп). Мисол учун, давлат рамзлари тасвирини компьютер дастурлари ёрдамида мазах қилувчи ёки обрўсизлантирувчи кўринишга келтириш (масалан, гербдаги рамзларни ҳақоратли элементлар билан алмаштириш) ва уни Интернет тармоғида тарқатиш;

7) мадҳияни таҳқирлаш. Мисол учун, давлат мадҳиясининг аудио-файлини сунъий интеллект ёки овоз таҳрирлагичлар ёрдамида мазах қилувчи оҳангга солиш ёки матнини ҳақоратли сўзлар билан ўзгартириб, ижтимоий тармоқларда (TikTok, Reels ва ҳк.) оммалаштириш;

8) кибермуҳитдаги ҳурматсизлик. Мисол учун, метаолам (Metaverse) ёки оммавий онлайн ўйинларда давлат байроғини таҳқирловчи ҳаракатларни виртуал тарзда содир этиш ва буни жонли эфир (streaming) орқали намоиш қилиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли далиллар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Metadata (Exif-data). Мисол учун, рамз таҳқирланган фото ва видео қачон, қаерда (GPS) ва қайси қурилмада яратилганини кўрсатувчи ички маълумотлар;

2) CDN Logs. Мисол учун, контентнинг интернетга юкланган вақти, манба IP-манзили ва тарқалиш траекторияси;

3) Hash Correlation. Мисол учун, файлнинг уникал рақамли бармоқ изи (MD5, SHA-256) орқали унинг асл (ўзгартирилмаган) нусхасини топиш;

4) Social Media Engagement. Мисол учун, лайклар, репостлар ва изоҳлар – булар жиноятнинг оммавийлик белгисини ва айбдорнинг қасдини (изоҳлардаги сўзлари орқали) исботлашга хизмат қилади;

5) Deleted Artifacts. Мисол учун, хизматчининг қурилмасидан ўчириб юборилган файллар ва таҳрирлаш дастурларидаги излар.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси давлат рамзлари таҳқирланган рақамли контент (файл) қайси қурилмада яратилганини, қайси IP-манзил орқали интернет тармоғига жойлаштирилганини, ўчириб юборилган электрон маълумотларни ва файлнинг асл метамаълумотларини (яратилган вақти, географик координаталари);

2) суд-санъатшунослик экспертизаси давлат байроғи ёки гербининг тасвирига ахборот-коммуникация технологиялари (Photoshop ва б.) ёрдамида киритилган ўзгартиришларнинг бадий хусусиятини, уларнинг қонун билан белгиланган эталонларга мослигини ҳамда ушбу тасвирлар рамзнинг обрўсини туширишга қаратилганлигини;

3) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси давлат мадҳияси матнини ўзгартириб куйлаш ёки давлат рамзлари акс этган постлар остига ёзилган изоҳларни таҳлил қилиб, улардаги ҳурматсизлик, ҳақорат ёки камситиш маъноларини англатувчи лингвистик бирликлар ва инвектив (сўкиниш) лексикани;

4) суд-фонографик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат мадҳиясини масхаралаб ижро этган шахснинг овозини идентификация қилади ҳамда аудиоёзувда нутқни сунъий ўзгартирувчи дастурлар қўлланилганини;

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси давлат байроғини ёқиш, йиртиш ёки бошқача тарзда таҳқирлаш жараёни акс этган видеоёзувларнинг ҳаққонийлигини, унда компьютер графикаси ёки Deepfake технологиялари ишлатилганлигини ҳамда тасвирдаги шахсларнинг ҳаракатлари кетма-кетлигини;

6) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш вақтидаги руҳий ҳолатини, унинг хатти-ҳаракатларида миллий ғурур ва давлатчилик асосларини қасддан камситишга бўлган ички психологик йўналишни (мотивни);

7) суд-портрет экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари тармоқларида тарқатилган видео ва фотосуратларда давлат рамзларига ҳурматсизлик қилаётган шахснинг юз тузилишини гумонланувчи шахс билан идентификация қилишни;

8) суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси таҳқирланган давлат рамзларининг интернет сегментида тарқатилиши натижасида давлатнинг халқаро нуфузига ва жамиятдаги ватанпарварлик ҳиссига етказилган маънавий-сиёсий зарар даражасини;

9) суд-хатшунослик экспертизаси агар давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қўлёзма матнлар масалан, байроқ устига ёзилган ёзувлар орқали содир этилиб, сўнгра фотоси интернетга юкланган бўлса, ушбу ёзувлар қайси шахс томонидан ижро этилганини;

10) суд-товаршунослик экспертизаси ҳурматсизлик объекти бўлган ёки жиноятни содир этишда фойдаланилган АКТ ускуналарининг (смартфон, компьютер ва б.) ва давлат рамзлари туширилган ашёларнинг бозор қийматини;

11) суд-социологик экспертизаси давлат рамзларига нисбатан кибер-ҳурматсизлик акс этган контентнинг интернет фойдаланувчилари ўртасида тарқалиш кўламини (вируслилик даражасини) ва ижтимоий фикрга салбий таъсирини;

12) ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси давлат рамзлари тасвирланган ҳужжатлар (байроқ, герб муҳри) устида ахборот-

коммуникация технологиялари воситалари (принтер, гравер) ёрдамида амалга оширилган механик ёки кимёвий ўзгартиришларнинг усулини;

13) суд-фото-техникавий экспертизаси давлат рамзлари тасвирланган рақамли фотосуратларнинг асл эканлигини ёки ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида амалга оширилган фотомонтаж белгиларини аниқлайди.

Давлат рамзларига ҳурматсизлик акс этган контент сониялар ичида минглаб одамларга етиб бориши туфайли у ўзининг ижтимоий хавфлилигини кескин ошириб боради, одатда кибержиноятчилар сохта аккаунтлар (фейк), VPN ва аноним серверлар ортига яшириниб, давлат рамзларини обрўсизлантиришга ҳаракат қилишади ва кўпинча бундай ҳаракатлар ижтимоий тармоқларда “хайп” ёки нотўғри тушунилган “эркинлик” ниқоби остида ёшлар томонидан содир этилади.

Бундай кибержиноятларни тергов қилиш давомида суд-санъатшунослик ва лингвистик экспертизаси тайинланиб, тарқатилган рақамли тасвир ёки аудио ҳақиқатан ҳам ҳурматсизлик элементларини (ҳақорат, мазах, таҳқир) ўз ичига олганлиги текширилади, суд-компьютер-техникавий экспертизаси ўтказилиб, контент биринчи бўлиб қайси IP-манзил ва қайси қурилмадан Интернет тармоғига юкланганлиги аниқланади, тасвир ёки видеога график муҳаррирлар ёрдамида қасддан ўзгартириш киритилганлиги текширилади, ижтимоий тармоқдаги профилнинг ҳақиқий эгасини техник маълумотлар (электрон почта, телефон рақами, кириш логлари) асосида аниқлаш чоралари амалга оширилади.

Мазкур жиноят билан бир вақтнинг ўзида тайёрланган контентда бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан кўзғатиш учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатиш ҳолати бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 150-моддаси, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилиш ва шунга оид материални тарқатиш ҳаракати бўлса, Жиноят кодексининг 156-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга ҳилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга ҳилоф тарзда бузишга очикдан-очик даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш ҳолатлари мавжуд бўлса, Жиноят кодексининг 159-моддаси билан жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилиниши лозим.

**1.13-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб
ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар
фаолиятида қатнашишга ундаш жиноятининг юридик-техник таҳлили**

216¹-модда. Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан элик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтинчи соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ этироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт. Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди¹⁴⁹.

Қонунчиликка асосан, жамоат бирлашмалари ва уларнинг идоралари томонидан қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият ваколатларига эга бўлганларга нисбатан ғайридемократик тарзда куч ишлатиб тазйиқ ўтказиш тақиқланади. Қонуний равишда амал қилиб турган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда мансабдор шахсларга демократик усулда ҳал этиш баҳонаси билан тазйиқ ўтказишга бўлган ҳар қандай уринишга Қонун билан барҳам берилади.

Аҳолининг саломатлиги ва ахлоқига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларига тажовуз қиладиган жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолияти қонунга мувофиқ таъкиб қилинади.

Фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек конституцион тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан синфий, шунингдек ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонунчилик билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўймайди.

Қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, худди шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Халқаро жамоат бирлашмаларининг, уларнинг бўлинмаларининг филиаллари, шу жумладан оммавий ҳаракатлари ва уларнинг тармоқ бўлинмаларининг, шунингдек жумҳурият ва маҳаллий жамоат бирлашмалари

¹⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

(шу жумладан оммавий ҳаракатларнинг) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг жойларидаги идораларида ўз уставларини рўйхатдан ўтказмаган бўлсалар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатишларига йўл қўйилмайди.

Барча жамоат бирлашмалари ўз уставларида, бошқа ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари доирасида иш кўрадилар.

Фуқаронинг жамоат бирлашмаси фаолиятида қатнашиши ёки қатнашмаслиги унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш ёки унга имтиёзлар бериш учун, шу жумладан давлат ташкилотида лавозимни эгаллаш шарти ёки Қонунда кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик учун асос бўла олмайди.

Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ишларини амалга ошириш; табиатни, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади. Фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек конституцион тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан синфий, шунингдек ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонунчилик билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўймайди.

Ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек диний характерга эга партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа структура бўлаклари ташкил этиш тақиқланади. Жамоат бирлашмалари ва уларнинг идоралари томонидан қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият ваколатларига эга бўлганларга нисбатан ғайридемократик тарзда куч ишлатиб тазйиқ ўтказиш тақиқланади. Қонуний равишда амал қилиб турган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда мансабдор шахсларга демократик усулда ҳал этиш баҳонаси билан тазйиқ ўтказишга бўлган ҳар қандай уринишга Қонун билан барҳам берилади. Аҳолининг саломатлиги ва ахлоқига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қиладиган жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолияти қонунга мувофиқ

таъқиб қилинади. Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун бу ишда айбдор бўлган давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар жавобгар бўладилар¹⁵⁰.

Виждон эркинлиги – бу фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир. Фуқаро динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодатларда, диний расм-русумлар ва маросимларда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка, диний таълим олишга нисбатан ўз муносабатини белгилаётганда уни у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди. Вояга етмаганларни уларнинг хоҳиш-иродасига, ота-онасининг ёки қонуний вакиллариининг хоҳиш-иродасига зид тарзда диний ташкилотларга жалб этишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига путур етказиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш, урушни, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилиш, фуқароларнинг соғлиғи ва ахлоқига тажовуз қилиш, фуқаролар тотувлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштирувчи тухматдан иборат уйдирмаларни тарқатиш, аҳоли ўртасида саросима уйғотиш ҳамда шахс, жамият ва давлатга қарши қаратилган бошқа ҳаракатлар содир этиш мақсадида диндан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунчилик ҳужжатлари талабларига ва ўз устави қоидаларига риоя этиши шарт¹⁵¹.

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга, оммавий тартибсизликларга, ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, уруш, терроризм, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини, порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи,

¹⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” 1991 йил 15 февралдаги 223-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁵¹ Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ–699-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади¹⁵².

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидагилар тақиқланади:

экстремистик фаолиятнинг ҳар қандай кўринишлари;

юридик шахслар ташкил этилганда уларни экстремистик ташкилотларнинг номи билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки ўхшаш бўлган белгиларни ўз ичига олган номлардан фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экстремизмни молиялаштириш тақиқланади.

Ташкилотлар экстремистик фаолиятни амалга оширганлик учун тугатилади, уларнинг фаолияти эса тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар экстремистик фаолиятни амалга оширганлик учун қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатга олинган минтақавий, халқаро ёки хорижий ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан экстремистик ташкилот деб топилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мазкур ташкилотнинг (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонасининг) фаолияти тақиқланади ҳамда бу ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) тугатилади, унга (унинг бўлинмасига, филиалига, ваколатхонасига) тегишли бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган мол-мулк эса мусодара қилинади ҳамда давлат мулкига ўтказилади¹⁵³.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир

¹⁵² Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁵³ Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” 2018 йил 30 июлдаги ЎРҚ–489-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хукукбузарликни содир этишдан ёки бундай хукукбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт¹⁵⁴.

Тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди¹⁵⁵.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур¹⁵⁶.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб

¹⁵⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁵⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек яқуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим¹⁵⁷.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши,

¹⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт¹⁵⁸.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлиғига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹⁵⁹.

Тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди¹⁶⁰.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги

¹⁵⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁵⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁶⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт¹⁶¹.

Рекламада жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеига қараб, бошқа ҳолатларга кўра камситиш, қонунчиликнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказувчи ёхуд зарар етказиши мумкин бўлган, шунингдек хавфсизлик воситаларига эътиборсиз бўлишга ундовчи ҳаракатларга даъват қилиш, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ахборот маҳсулотини ёш таснифини кўрсатмасдан реклама қилиш, миллий ва оилавий анъаналарга, шунингдек ахлоқ ва маънавиятнинг умум қабул қилинган нормаларига зид бўлган шакллар, иборалар ва образлардан фойдаланиш тақиқланади¹⁶².

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги

¹⁶¹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁶² Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида” 2022 йил 7 июндаги ЎРҚ–776-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин¹⁶³.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади¹⁶⁴.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, шу жумладан, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг нормал фаолиятини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, қасд (ғаразгўйлик, ўч олиш) ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;

¹⁶³ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁶⁴ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмишнинг шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида қайта содир этилиши ёки вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилиши;

6) қилмишнинг Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш орқали содир этилиши;

7) алоқа;

8) ахборот;

9) кибермухит, шу жумладан, кибермакон;

10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундашда ифодаланган ахборот телекоммуникация тармоғида жойлаштирилган вақтдан;

2) Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундашда ифодаланган ахборот телекоммуникация тармоғида тарқатилган вақтдан;

3) Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундашда ифодаланган ахборот телекоммуникация тармоғида реклама қилинган вақтдан;

4) Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундашда ифодаланган ахборот телекоммуникация тармоғида узатилган вақтдан;

5) Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундашда ифодаланган ахборот ошкор қилинган вақтдан;

6) Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундашда ифодаланган ҳаракат телекоммуникация тармоғида бошланган вақтдан;

7) Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга вояга етмаганни ундаш бошланган вақтдан.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари,

озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – турли шакллардаги оид ахборот ва ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Algorithm-based Recruitment. Мисол учун, ижтимоий тармоқларда (YouTube, Facebook ва хк.) алгоритмлар ёрдамида маълум бир диний ёки сиёсий мавзуларга қизиқувчи шахсларни аниқлаш ва уларга мақсадли (Targeted) реклама ёки хабарлар юбориш;

2) Closed Telegram Ecosystems. Мисол учун, ёпиқ гуруҳлар ва ботлар орқали аъзоликка жалб қилиш, бунда шахсга босқичма-босқич (дрип-маркетинг усулида) мафкуравий таъсир ўтказиш;

3) Gamification. Мисол учун, онлайн ўйинлар чатларида вояга етмаганлар билан алоқа ўрнатиш ва ўйин ниқоби остида ғайриқонуний оқимларга қизиқтириш;

4) Virtual Flashmobs. Мисол учун, интернетда ғайриқонуний ташкилотнинг рамзлари ёки ғояларини оммалаштириш орқали шахсларни виртуал қатнашишга ундаш орқали амалга оширилиши мумкин;

5) рақамли тарғибот (Cyber-Propaganda). Мисол учун, ижтимоий тармоқларда (Telegram, Facebook, Instagram, TikTok ва хк.) ғайриқонуний ташкилотларнинг ғояларини мадҳ этувчи видеолар, аудиолар ва матнларни тизимли равишда тарқатиш;

6) ижтимоий муҳандислик (Social Engineering). Мисол учун, фойдаланувчилар билан шахсий ёзишмаларга киришиб, уларнинг ижтимоий ва психологик ҳолатидан фойдаланган ҳолда секта ёки оқимларга жалб қилиш;

7) виртуал гуруҳлар ва каналлар. Мисол учун, ёпиқ гуруҳлар яратиш ва у ерда ғайриқонуний ташкилотларнинг идеологиясини сингдириш, виртуал йиғилишлар (конференциялар) ташкил этиш;

8) вояга етмаганларни жалб қилиш: Мисол учун, кибермуҳитда ёшларни онлайн ўйинлар ёки кўнгилочар гуруҳлар орқали уларга қаҳрамонлик ёки адолат ниқоби остида ёт ғояларни сингдириш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли далиллар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Direct Messages (DM). Мисол учун, мессенжерлардаги шахсий ёзишмалар, унда шахс очиқчасига бизга қўшил, иштирок эт деб ёзган излар;

2) Digital Footprint of Groups. Мисол учун, шахс администраторлик қиладиган ёки аъзоларни жалб қиладиган гуруҳларнинг аъзолар рўйхати (Subscriber list);

3) Referral Links. Мисол учун, шахс томонидан тарқатилган ва ғайриқонуний ресурсга йўналтирувчи уникал ҳаволалар;

4) Transaction Logs. Мисол учун, ташкилот фаолиятида қатнашиш учун аъзолик бадаллари ёки хайрия (Donation) сифатида ўтказилган крипто-транзакциялар;

5) Browser History & Downloads. Мисол учун, шахснинг қурилмасида ғайриқонуний ташкилотнинг низомлари, қўлланмалари ва тарғибот материалларининг мавжудлиги.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ғайриқонуний ташкилотлар фаолиятига ундовчи материаллар тарқатилган қурилмаларни, фойдаланилган аноним мессенжерларни (Telegram, Signal ва б.), ўчириб юборилган рақамли ёзишмаларни, IP-манзилларни ҳамда булутли (cloud) маълумотлар омборига кириш изларини, рақамли далилларнинг манбаини, уларни ким ва қачон тарқатганини ва ўчирилган ёзишмаларни;

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси тарқатилган матнли, аудио ва видео материалларда шахсларни ғайриқонуний бирлашмалар фаолиятида қатнашишга ундаш, даъват қилиш ёки жалб этишга қаратилган лингвистик белгиларни ҳамда диний-экстремистик ғоялар мавжудлигини, матнларда айнан ундаш (жалб қилиш) элементи борлигини, уларда психологик таъсир усуллари қўлланилганини;

3) видеоматериалларнинг суд экспертизаси ундаш мақсадида фойдаланилган видеороликларнинг ҳаққонийлигини, улардаги монтаж белгиларини, тасвирга тушган жой ва вақтга оид техник кўрсаткичларни ҳамда видеоконтентнинг тарқалиш манбасини;

4) суд-фонографик экспертизаси аудиохабарлар ёки видеолардаги овоз эгасини идентификация қилади ҳамда тарғибот нутқининг яхлитлигини, унда овозни сунъий ўзгартириш ёки монтаж қилиш усуллари қўлланилганлигини;

5) суд-психологик экспертизаси ундовчи материалларнинг вояга етмаганларга ёки бошқа шахсларга психологик таъсир даражасини, шахсни манипуляция қилиш усуллари ҳамда айбдорнинг бошқаларни ғайриқонуний фаолиятга йўналтиришдаги қасд мақсадини;

6) суд-диншунослик экспертизаси (махсус комплекс экспертиза таркибида) тарқатилаётган материалларнинг диний мазмунини, уларнинг Ўзбекистон Республикасида тақиқланган диний ташкилотлар, оқимлар ёки секталар ғояларига мансублигини;

7) суд-портрет экспертизаси тарғибот видеоларида ёки виртуал йиғилишларда иштирок этган шахсларнинг қиёфасини гумонланувчилар билан идентификация қилишни;

8) суд-фото-техникавий экспертизаси — ғайриқонуний ташкилотларнинг рамзлари ёки атрибутикалари акс этган рақамли фотосуратларнинг яратилиши ва уларга ахборот-коммуникация технологиялари орқали ишлов берилганлиги ҳолатларини;

9) суд-хатшунослик экспертизаси электрон тарзда тарқатилган (сканерланган) ундовчи варақалар ёки аризалардаги қўлёзма ёзувларнинг муаллифини ва ижрочисини;

10) суд-иқтисодий экспертизаси ғайриқонуний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш жараёнида амалга оширилган молиявий харажатларни, маблағ йиғиш (краудфандинг) ёки аъзолик бадалларининг электрон тўлов тизимлари ва криптовалюталар орқали ҳаракатини;

11) суд-социологик экспертизаси тарқатилган контентнинг ижтимоий тармоқлардаги қамровини, унинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва вояга етмаганлар аудиториясига таъсир қилиш қўламини;

12) суд-сиёсатшунослик экспертизаси тарқатилаётган материалларнинг давлат хавфсизлиги ва жамият барқарорлигига таҳдид солиш даражасини ҳамда уларнинг маълум бир ғайриқонуний сиёсий оқимларга алоқадорлигини аниқлайди.

Бундай кибержиноятларни тергов қилишда суд-компьютер-техникавий, суд-филологик (лингвистик), диншунослик¹⁶⁵ экспертизалари биргаликда ўтказилиши лозим ва унда қуйидагилар аниқланиши шарт:

қурилмадаги ўчириб юборилган ёзишмалар, кэш-файлларни ва браузер тарихини тиклаш йўли билан рақамли изларни топиш ва уни таҳлил қилиш;

ғайриқонуний контентнинг юклаб олинган ва тарқатилган вақти (Metadata) аниқланиши;



тарқатилган материалларда ҳақиқатан ҳам қатнашишга ундаш ёки даъват аломатлари борми ёки бу шунчаки маълумот улашишми деган масалага аниқлик киритиш;

профиль кимга тегишли эканлигини аниқлаш (телефон рақами, IP-манзил, электрон почта);

қурилманинг MAC-манзили ва IMEI коди орқали айбланувчининг алоқадорлигини тасдиқлаш;

гуруҳ ёки каналнинг администратори кимлигини ва маблағлар (агар хайрия йиғилган бўлса) қаерга йўналтирилганини (крипто-ҳамёнлар таҳлили) аниқлаш.

Мазкур жиноятда ундаш ахборотни тармоқ орқали тарқатиш ёки тармоқдан фойдаланиб тегишли ҳаракат учун даъват қилиш шаклида ҳам бўлиши мумкин. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундашни назарда тутувчи ахборотнинг тармоққа жойлаштирилиши, башарти жойлаштирувчида ундашни ифодаловчи қасд мавжуд бўлмаса ва уни учинчи шахс билиш имкони бўлмаса, уни ушбу жиноят билан малакалаб бўлмайди. Агарда ундаш учун қасд аломати мавжуд бўлиб, тегишли ахборот кейинчалик тарқатиш мақсадида тармоққа жойлаштирилган бўлса, бу ҳаракат суиқасд сифатида ушбу жиноят билан квалификация қилиниши даркор.

Айнан жамоат бирлашмаси ва диний ташкилотнинг рўйхатдан ўтмасдан, амалдаги қонунчиликка зид ҳолатда қонунга ҳилоф равишда фаолиятини юритаётган ташкилот фаолиятида иштирок этишни ундашга қаратилган ҳар қандай фаолият айриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш деб ҳисобланади.

Башарти ундашда ифодаланган ҳаракат ахборот шаклида бўлиб, ушбу ахборот мазмуни бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан қўзғатиш

¹⁶⁵ Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатишда ифодаланган ҳаракат билан ҳам боғлиқ бўлса, Жиноят кодексининг 150-моддаси, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш ҳаракати мавжуд бўлса, бу ҳаракат Жиноят кодексининг 156-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси томонидан жосуслик, чет эл давлатига, чет эл ташкилотига ёки уларнинг вакиллариغا Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда бошқача ёрдам кўрсатиш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига, ҳудудий дахлсизлигига, хавфсизлигига, муҳофаа салоҳиятига, иқтисодиётига зарар етказишга қаратилган қасддан содир этилган қилмиш билан боғлиқ бўлса, Жиноят кодексининг 157-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очикдан-очик даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатишни ифодаловчи ҳолат мавжуд бўлса, бу ҳаракат Жиноят кодексининг 159-моддаси, агарда тарқатилган ахборот мазмуни диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материаллар бўлса, Жиноят кодексининг 244¹-моддаси билан жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилиниши лозим.

**1.14-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб
хужжатлар, штамплар, мухрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни
қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жиноятининг
юридик-техник таҳлили**

228-модда. Сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, мухрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтинчи соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш

–

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи,

фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт. Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди¹⁶⁶.

Қонунчиликка асосан, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиной жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва

¹⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур¹⁶⁷.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим¹⁶⁸.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг

¹⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг конунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт¹⁶⁹.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва

¹⁶⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

(ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹⁷⁰.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт¹⁷¹.

Бир вақтнинг ўзида агар электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган бўлса, электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш пайтида ёхуд имзолаш пайтини белгиловчи далиллар мавжуд бўлганда электрон ҳужжатни имзолаш пайтида амалда бўлса, электрон рақамли имзодан электрон рақамли имзо калитининг сертификатида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилаётган бўлса, электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо қоғоз ҳужжатга қўлда шахсан қўйилган имзо билан бир хил аҳамиятга эга бўлади. Давлат хизматларини кўрсатиш чоғида миллий ва халқаро (минтақавий) стандартлар асосида ишлаб чиқилган электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилади. Электрон рақамли имзо калитининг эгаси электрон рақамли имзонинг калити бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки кириш режимининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказини дарҳол хабардор қилиши, тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатларга имзо қўйиш учун мўлжалланган электрон рақамли имзонинг калитидан фақат тегишли мақсадларда фойдаланиши шарт. Агар электрон рақамли имзо калитининг эгаси юридик шахс бўлса, ушбу юридик шахснинг раҳбари электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланилиши учун масъул бўлади. Электрон рақамли имзо калитининг эгаси бўлган юридик шахснинг раҳбари юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда бу ҳақда рўйхатга олиш марказига хабар қилиши, ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси тугатилганда электрон рақамли имзонинг калитини белгиланган тартибда топшириши шарт¹⁷².

Электрон ҳужжат айланишида электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш электрон ҳужжат айланишининг иштирокчиларига ёки бошқа юридик ва

¹⁷⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷¹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷² Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жисмоний шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади¹⁷³.

Миллий архив фонди таркибига киритилган архив ҳужжатлари доимий (муддатсиз) сақланиши лозим ва уларни йўқ қилиб ташлаш тақиқланади. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар шахсий таркиб бўйича ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаши шарт. Архив ҳужжатларидан фойдаланувчилар архив ҳужжатларидан фойдаланиш тартибига риоя қилиши, архив ҳужжатларининг бут сақланишини таъминлаши, архив ҳужжатларидан олинган маълумотларни бузиб кўрсатиш ёки сохталаштиришга йўл қўймаслиги шарт¹⁷⁴.

Пул белгиларини қалбакилаштириш ва қонунга хилоф равишда тайёрлаш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади¹⁷⁵.

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади¹⁷⁶.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик, ахборот ресурсларидаги маълумотларни ўғирлаш, йўқотиш, бузиш, блокировка қилиш ва сохталаштириш, ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жавобгардирлар¹⁷⁷.

Давлат харидлари жараёнида фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупциянинг намоён бўлишига йўл қўйилмайди¹⁷⁸.

Тўловга қобилиятсизликка олиб келган ғайриқонуний ҳаракатлар деганда қарздорга ёки кредиторларга зарар етказган мансабдор шахсларнинг ёки қарздор мол-мулки эгасининг ёхуд кредиторларнинг ёки бошқа шахсларнинг қасддан қилган ҳаракатлари билан боғлиқ қоидабузарликлар тушунилади. Ғайриқонуний ҳаракатлар жумласига қарздорнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳисобга олишга оид ҳар қандай ҳужжатини сохталаштириш киради¹⁷⁹.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иктисодий, сиёсий,

¹⁷³ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” 2004 йил 29 апрелдаги 611-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида” 2010 йил 15 июндаги ЎРҚ–252-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2019 йил 11 ноябрдаги ЎРҚ–582-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ–684-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида” 2022 йил 12 апрелдаги ЎРҚ–763-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги ҳавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин¹⁸⁰.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади¹⁸¹.

¹⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁸¹ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, шу жумладан, расмий ҳужжатлар ва корхона, муассаса ёки ташкилотнинг штамплари, муҳрлари, бланкаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимида кириб, сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши, сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши ёки муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаш ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш ёхуд бундай ҳужжатларни сотиш, моддий ёки (ва) номоддий манфаат, қасд (ғаразгўйлик) ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;

2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;

3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;

4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;

5) қилмишнинг сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши ёки муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаш ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш ёхуд бундай ҳужжатларни сотиш мақсадида содир этилиши;

6) қилмишнинг сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари,

бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш йўли билан содир этилиши;

7) қилмишнинг муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларга ёки корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларига боғлиқ бўлиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрланган вақтдан;

2) муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжат қалбакилаштирилган вақтдан;

3) муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар сотилган вақтдан;

4) корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрланган вақтдан;

5) корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкалари сотилган вақтдан;

6) ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланилган вақтдан.

Бунда, қалбаки ҳужжатнинг якуний рақамли файли (масалан, .jpg, .pdf ва ҳк.) сақланган (Save) вақтдан, файл харидорга электрон каналлар орқали юборилган ёки булутли омборга (Google Drive, Telegram ва ҳк.) кириш ҳуқуқи берилган вақтдан, қалбаки ҳужжат давлат ёки хусусий секторнинг ахборот тизимига юкланган ёки электрон почта орқали тегишли манзилга жўнатилган вақтдан ҳам тамомланади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – қалбаки ҳужжат, қалбаки штамп, муҳр, бланкалар ва унга оид қурилма ва бошқа техник воситалар ҳамда ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали

маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узок муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Pixel-Perfect Forgery. Мисол учун, график муҳаррирлар (Photoshop, CorelDraw ва ҳк.) ёрдамида ҳужжатнинг рақамли нусхасини (PDF, JPEG ва ҳк.) ўзгартириш орқали муҳр ва имзолар бошқа ҳужжатлардан кесиб олиш;

2) QR-Code Spoofing. Мисол учун, ҳужжатдаги ҳақиқий QR-кодни сохта ҳаволага (фишинг сайтига) йўналтирувчи код билан алмаштириш орқали текширувчи шахс кодни сканерлаганда, тизим ҳужжат ҳақиқий деган сохта саҳифани чиқариб бериш;

3) E-Signature Theft. Мисол учун, бировнинг электрон рақамли имзо калитини (token) ўғирлаш ва у орқали рақамли ҳужжатни тасдиқлаш;

4) Deepfake Scan. Мисол учун, сунъий интеллект ёрдамида шахснинг паспорти ёки дипломининг реал сканерланган нусхасини генерация қилиш;

5) Metadata Manipulation. Мисол учун, ҳужжатнинг яратилган вақти ва муаллифи ҳақидаги техник маълумотларни (Metadata) ўзгартириш орқали эски сана билан ҳужжат яратиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Metadata (EXIF/XMP). Мисол учун, файлнинг қайси дастурда (масалан, Adobe Photoshop ва ҳк.) таҳрирлангани, сақланган санаси ва вақти;

2) Error Level Analysis (ELA). Мисол учун, рақамли тасвирнинг турли қисмларидаги сиқилиш (compression) даражасини солиштириш орқали қайси қисм қўшилганини аниқлаш;

3) Printer Steganography. Мисол учун, рангли принтерлар ҳужжат четига кўз илғамас сарик нуқталар (Machine Identification Code) қолдириши ва бу орқали ҳужжат қайси принтерда чиқарилганини аниқлаш мумкин;

4) Registry Keys & Cache. Мисол учун, компьютерда ҳужжатнинг хомаки (черновик) нусхалари, муҳр ва штампларнинг клипартлари сақланиб қолганлиги;

5) Log-files of Certificate Authorities. Мисол учун, электрон рақамли имзонинг қайси IP-манзил орқали ва қайси қурилмада ишлатилгани ҳақидаги қайдлар.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси расмий электрон ҳужжатларни, рақамли муҳр ва штампларни қалбакилаштиришда фойдаланилган компьютер ускуналарини, махсус дастурий таъминотларни (график редакторларни), электрон ҳужжатлар айланиши тизимларига ноқонуний кириш изларини, сохталаштирилган файлларнинг яратилиш вақти ҳамда уларни тармоқ орқали сотиш ёки жўнатиш тарихини, файлнинг рақамли келиб чиқишини, таҳрирлаш тарихини ва ишлатилган дастурий таъминотни, рақамли ҳужжатнинг мета-маълумотларини (Metadata/EXIF) таҳлил қилиб, файл қайси дастурда, қачон ва ким томонидан ўзгартирилганлиги ва бу орқали монтаж изларини, тасвирдаги пикселлар зичлиги ва ёруғликнинг номуносивблиги орқали нусха кўчириш (Copy-Paste) изларини, қалбаки ҳужжатдаги босма белгиларини гумон қилинувчининг принтеридан чиққан намуналар билан солиштириш орқали қурилмалар идентификациясини, компьютер хотирасида ҳужжатнинг хомаки нусхаларини ва шаблонларини, айбланувчининг даркнет форумлари ёки қалбаки ҳужжат сотиладиган гуруҳлар билан алоқасини (IP-логлар, ёзишмалар);

2) ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида (масалан, рангли принтерлар, юқори аниқликдаги сканерлар орқали) тайёрланган қалбаки ҳужжатлар, бланкалар ва муҳр изларининг тайёрланиш усулини, улардаги химоя элементларининг (QR-

кодлар, штрих-кодларнинг) сохталаштирилганлигини ҳамда электрон имзоларнинг ҳақиқий ҳужжатдан кўчириб ўтказилганлик (монтаж) ҳолатларини;

3) суд-хатшунослик экспертизаси электрон курилмалар (график планшетлар) ёрдамида ҳужжатларга туширилган ёки рақамли дастурлар орқали генерация қилинган сохта имзо ва қўлёзма ёзувларнинг ижрочисини, шунингдек, уларнинг ҳақиқий шахс имзосига техник тақлид қилиш орқали бажарилганлигини, ҳужжатдаги қўлёзма имзо айнан шу шахсга тегишли ёки йўқлигини;

4) суд-фото-техникавий экспертизаси шахсни тасдиқловчи қалбакилаштирилган электрон ҳужжатлар (паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномалари) ва бланкалардаги рақамли фотосуратларнинг оригинал эканлигини ёки махсус дастурлар орқали амалга оширилган фотомонтаж ва деталларни алмаштириш белгиларини, ҳужжат нусхасидаги фотосуратнинг фотомонтаж эканлигини;

5) суд-портрет экспертизаси сохталаштирилган ва ахборот-коммуникация технологиялари орқали тақдим этилган электрон ҳужжатлардаги фотосуратлардаги шахснинг қиёфасини ҳужжатдан ноқонуний фойдаланаётган реал шахс билан идентификация қилишни;

6) суд-иктисодий экспертизаси қалбаки ҳужжатларни, штамплар ёки бланкаларни рақамли тармоқлар (масалан, яширин мессенжер гуруҳлари) орқали тижорат мақсадида сотиш натижасида айбдор томонидан олинган даромадларнинг (электрон пуллар, крипто-активларнинг) ҳаракатини ва миқдорини;

7) материаллар, ашёлар ва буюмларнинг суд-криминалистик экспертизаси рақамли ускуналардан чоп этилган қалбаки ҳужжатлардаги бўёқ моддалари (тонер, сиёҳ) ва қоғоз таркибини, уларнинг ҳақиқий давлат намунасидаги бланкалар таркибидан фарқини;

8) суд-товаршунослик экспертизаси электрон ҳужжатлар, штамплар ва бланкаларни қалбакилаштириш жараёнида фойдаланилган ахборот-коммуникация технологиялари воситаларининг (компьютерлар, 3D-принтерлар, сканерларнинг) бозор қийматини аниқлайди.

Мазкур жинойт натижасида айбдорнинг аниқ бир қасд бўйича моддий манфаатдорлиги текширилиб, жинойт бўйича сабабий боғланиш бор ёки йўқлиги аниқланиши шарт.

Сохталаштиришдан маънавий манфаатдорлик қачонки моддий манфаатдликка олиб келса ёки шу кўзланган бўлса, ушбу қилмишни жинойт сифатида квалификация қилиш мумкин. Шунингдек, агар шахс ҳужжатни қалбаки эканлигини билмай фойдаланган бўлса, субъектив томон (қасд) мавжуд бўлмайдиган ва жиноий жавобгарлик келиб чиқмайди.

Башарти сохталаштириш қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар яшаш, уларни ўтказишга оид бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 176-моддаси, ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб

кўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг кўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлса, Жиноят кодексининг 278²-моддаси, компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, Жиноят кодексининг 278⁴-моддаси билан квалификация қилинади.

Шу билан бирга, ушбу жиноятда субъектив томон доимо тўғри қасд бўлиши керак, башарти эгри қасд орқали мазкур қилмиш кибержиноят сифатида содир этилса ва бу қалбаки ҳужжат қабул қилиувчи ва тақдим этувчи томонидан қонунчиликдаги аниқ бир имтиёзни берувчи ёки мажбуриятдан озод қилувчи эканлигини назарда тутувчи мажбурий расмий ҳужжат сифатида қабул қилинмаган бўлса, бу ҳолатни жиноят деб бўлмайти. Мисол учун, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, масалан, “Photoshop” ёки бошқа график муҳаррирда тегишли расмий ҳужжатнинг аслига эмас, балки ҳужжатнинг нусхасига киберҳужум уюштирилиб, ушбу ҳужжатга тегишли ўзгартириш киритиб, у тақдим этилса, бу ҳолат ЖК нинг 228-моддаси билан квалификация қилинмайти.

Вазирлар Маҳкамасининг “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги Низомга иловада расмий давлат ҳужжатлари қуйидагича кўрсатилган:

I. Давлат гербли гувоҳномалари: туғилганлик тўғрисида гувоҳнома; никоҳдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома; никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома; вафот этганлик тўғрисида гувоҳнома.

II. Шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти; чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун Ўзбекистон Республикасида яшашга рухсатнома.

III. Ҳарбий ҳисобга олиш ҳужжатлари: чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси; ҳарбий билет; офицер ва захирадаги офицернинг шахсий гувоҳномаси.

IV. Маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар: тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома; ўрта маълумот тўғрисида аттестат; ўрта махсус таълим ҳамда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисида диплом; олий маълумот тўғрисида диплом; фан номзоди (ёки доктори) дипломи.

V. Ҳуқуқ берувчи ёки мажбуриятлардан озод қилувчи ҳужжатлар: меҳнат дафтарчаси; ҳайдовчилик гувоҳномаси; ногиронлик гувоҳномаси; уруш қатнашчиси гувоҳномаси.

Юқоридагилардан кўринадикки, агар айбдорнинг шу ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, қалбакилаштириши, сохта ҳужжатлар тузиши, тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши жиноий жавобгарликка асос бўлади.

Расмий ҳужжат қуйидаги белгиларга эга бўлиши лозим:

- 1) юридик кучга эга ҳужжат қонун, фармон, қарор, буйруқ, шартнома каби ҳуқуқий асосга эга бўлади;
- 2) давлат тилида, гербли бланкда, рақамланган ҳолда белгиланган талаблар асосида расмийлаштирилади, ҳужжатда реквизитлар санаси, рақами, имзо, муҳр ва бошқалар тўлиқ акс этган бўлиши шарт;
- 3) маълумотни аниқ, расмий ва ишончли тарзда баён этади ва муайян мансабдор шахс томонидан тасдиқланади.



Расмий ҳужжат турлари:

- 1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари);
- 2) маъмурий ҳужжатлар (буйруқ, баённома, маълумотномалар, иш жойидан расмий хатлар ва маълумотномалар);
- 3) суд ҳужжатлари (суд ҳукми, ажрим, қарорлари);
- 4) нотариал тасдиқланган ҳужжатлар (васиятнома, ишончнома, нотариал шартномалар);
- 5) иқтисодий ҳужжатлар (шартнома, ҳисобот, ҳисобварақ, юк хати, бажарилган ишлар далолатномалари ва ҳужжатлари).
- 6) лицензия, гувоҳнома, патент ва бошқа рухсатнома ҳужжатлари.
- 7) ташкилотнинг ички буйруқ ва фармойишлари кабилар.

Расмий ҳужжатларга қуйидагилар кирази:

давлат гербли гувоҳномалари (туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, никоҳдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома, никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома, вафот этганлик тўғрисида гувоҳнома);

шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун Ўзбекистон Республикасида яшашга рухсатнома, хорижга чиқиш паспортлари);

ҳарбий ҳисобга олиш ҳужжатлари (чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси, ҳарбий билет, офицер ва захирадаги офицернинг шахсий гувоҳномаси);

маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар (тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома, ўрта маълумот тўғрисида аттестат, ўрта махсус таълим ҳамда

бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисида диплом, олий маълумот тўғрисида диплом, фан номзоди (ёки доктори) дипломи);

ҳуқуқ берувчи ёки мажбуриятлардан озод қилувчи ҳужжатлар (меҳнат дафтарчаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ногиронлик гувоҳномаси, уруш қатнашчиси гувоҳномаси, лицензия, гувоҳнома, патент ва бошқа рухсатнома ҳужжатлари, транспорт воситаси ҳужжатлари ва бошқалар);

маъмурий ҳужжатлар (буйруқ, баённома, маълумотномалар, иш жойидан расмий хатлар ва маълумотномалар);

суд ҳужжатлари (суд ҳукми, ажрим, қарорлари);

нотариал тасдиқланган ҳужжатлар (васиятнома, ишончнома, нотариал шартномалар);

иқтисодий ҳужжатлар (шартнома, ҳисобот, ҳисобварақ, юк хати, бажарилган ишлар далолатномалари ва ҳужжатлари) ва бошқалар¹⁸².

Фуқаролар томонидан тузилган ҳужжат, масалан, тилхат, блокнот ёки дафтардаги маълумотлар, ёзишмалар, шартнома ёки асл ҳужжатнинг нусхалаларини сохталаштириш Жиноят кодексининг 209 ёки 228-модда таркибини бермайди, бунда мазкур ҳужжат бошқа жиноятни енгиллаштириш мақсадида фойдаланилган восита сифатида баҳоланиши мумкин.

¹⁸² <https://sud.uz/news-2024-11-21-1/>.

1.15-§. Киберўзбошимчалик жиноятининг юридик-техник таҳлили

229-модда. Ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва

қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹⁸³.

Қонунчиликка асосан, табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар¹⁸⁴.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди¹⁸⁵.

Ташувчиларнинг белгиланган йўналишдан ўзбошимчалик билан четга чиқиши ман этилади¹⁸⁶.

Тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди¹⁸⁷.

Қарздордан қарзни талаб қилиш Жиноят кодексининг 165-моддаси билан тавсифланиши мумкин эмас, лекин айрим ҳолларда ўзбошимчалик (ЖКнинг 229-моддаси) тариқасида баҳоланиши лозим¹⁸⁸.

Ўзбошимчалик билан бортдан бортга ўтишга йўл қўйилмайди¹⁸⁹.

Географик объектлар номларининг бирини бошқасига ўзбошимчалик билан алмаштиришга йўл қўйилмайди¹⁹⁰.

¹⁸³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁸⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” 1992 йил 9 декабрдаги 754-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁸⁵ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁸⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида” 1997 йил 25 апрелдаги 419-І-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁸⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида” 1998 йил 17 апрелдаги 11-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 10 декабрдаги 76/1-сон буйруғи (рўйхат рақами 2067, 2010 йил 14 январь) билан тасдиқланган Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” 2011 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–303-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ҳайдовчиларга белгиланган ҳаракатланиш йўналишини ўзбошимчалик билан ўзгартириш тақиқланади¹⁹¹.

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга, оммавий тартибсизликларга, ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, уруш, терроризм, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини, порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади¹⁹².

Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг ҳудудий бўлинмаси вакиллари иштирокисиз питомникларда сақланаётган Ўзбекистон фаунасига мансуб ёввойи ҳайвонларни, шунингдек, касал ва жисмоний нуқсонга эга ҳайвонларни ўзбошимчалик билан табиатга чиқариб юбориш тақиқланади¹⁹³.

¹⁹¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги 342-сон қарори билан тасдиқланган Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни автомобиль транспортида ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁹² Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁹³ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2012 йил 18 майдаги 5, 18-сон қарори (рўйхат рақами 2373, 2012 йил 21 июнь) билан тасдиқланган Аҳоли

Операторга иш вақтида ўзбошимчалик билан ускунани очиш ва таъмирлаш тақиқланади¹⁹⁴.

Иссиқлик таъминотининг ишлаб турган тизимларига ўзбошимчалик билан уланиш, шунингдек ушбу тизимлардан ўзбошимчалик билан фойдаланиш тақиқланади¹⁹⁵.

Ёввойи ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойларга кўчириш, иқлимга мослаштириш ва чатиштириш тақиқланади¹⁹⁶.

Ўсимликларни улар ўсадиган муҳитда ўзбошимчалик билан йўқ қилиб юбориш, шу жумладан ёқиб юбориш тақиқланади¹⁹⁷.

Ҳайвондан идентификация рақамини сақловчи атрибутни ечиш, ўзгартириш, бошқа ҳайвон идентификация рақамини сақловчи атрибут билан алмаштириш, ветеринария паспортига ўзбошимчалик билан ўзгартириш ва қўшимчалар, турли ёзувлар киритиш, шунингдек, нобуд бўлган (сўйилган, йўқ қилинган) ҳайвонларнинг идентификация рақамини сақловчи атрибут ва ветеринария паспортини сақлаш тақиқланади¹⁹⁸.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчиларга қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ягона электр энергетикаси тизимига ўзбошимчалик билан улаш тақиқланади¹⁹⁹.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият амалга оширилганда, табиатдан фойдаланувчиларга ер ости бойликларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ман этилади²⁰⁰.

Ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, шунингдек, иш жойларини ва топшириқ ҳажмини наряд ёки фармойишда белгиланганидан кенгайтириш тақиқланади²⁰¹.

пунктларида ёввойи ҳайвонларни сақлаш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 30 июлдаги 36-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2398, 2012 йил 2 ноябрь) билан тасдиқланган Телефон ва телеграф станциялари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁹⁵ Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган Кўп квартирали уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2016 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-408-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2016 йил 21 сентябрдаги ЎРҚ-409-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁹⁸ Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 сентябрдаги 748-сон қарори билан тасдиқланган “Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁹⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ЎРҚ-539-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁰⁰ Вазирлар Маҳкамасининг “Экологик хавфсизлик тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 18 февралдаги 95-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁰¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги 638-сон қарори билан тасдиқланган Электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Бевосита алмашлаб улашларни бажараётган тезкор ходимга ўзбошимчалик билан блокировкаларни ишдан чиқариб қўйиш ман этилади²⁰².

Тегишли ваколатга эга бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга йўл копламасини бузиш, ўзгартириш ёки унга зарар етказиш, ифлослантириш, йўл белгиларини, светофорларни, шунингдек, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг бошқа техник воситаларини ўзбошимчалик билан олиб ташлаш, ўрнатиш, тўсиб қўйиш, шикастлантириш, йўлларда ҳаракатланишга тўсқинлик қилувчи қурилма ва нарсаларни қолдириш, тегишли рухсатсиз йўлнинг қатнов қисмига тўсиқлар ўрнатиш ёки уларни тўсиб қўйиш, “сунъий нотекистик” қурилмаларини ўрнатиш тақиқланади²⁰³.

Мулкни ўзбошимчалик билан эгаллаш ёки унга кириш ёхуд мулк дахлсизлигини бошқача тарзда бузиш қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади²⁰⁴.

Алмашлаб улашларни бевосита бажарувчи тезкор ходимларга хавфсизлик блокировкаларини ўзбошимчалик билан ишдан чиқариш тақиқланади²⁰⁵.

Электрон онлайн-аукцион орқали инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан олинган ер участкаларида, шунингдек ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида жойлашган қурилиши тугалланмаган объектлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди²⁰⁶.

Тегишли ваколатга эга бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларнинг навигация белгиларини ва хавфсиз ҳаракатланишни ташкил этишнинг техник воситаларини ўзбошимчалик билан олиб ташлаш, ўрнатиш, тўсиб қўйиш ва шикастлантиришига йўл қўйилмайди²⁰⁷.

Қуйидаги ҳолатлар истеъмолчилар томонидан электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ноқонуний фойдаланиш) ҳолатлари деб ҳисобланади:

а) электр таъминоти шартномасини тузмасдан, электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланиш.

Агар истеъмолчи энергия таъминоти корхонаси ходими билан тил бириктириб, уланишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини

²⁰² Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁰³ Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулк муносабатларга асосиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 24 августдаги ПФ–198-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁰⁵ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 18 октябрдаги 609-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁰⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида” 2022 йил 28 ноябрдаги ЎРҚ–803-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁰⁷ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси кемачилиги соҳасида хавфсизликни таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги 462-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

базармасдан, шартномасиз ва ҳисоблагичи ХЭТКнинг тегишли дастурий таъминоти базаларига киритилмасдан электр тармоғига уланиб, электр энергиясидан фойдаланган тақдирда ўзбошимчалик билан фойдаланишга тенглаштирилади (истеъмолчининг электр тармоғига уланиш учун тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлиб, лекин ҳисоблагич ХЭТКнинг тегишли дастурий таъминоти базасига ойдан-ойга ўтиш жараёнида дастурга кирмай қолган ҳолатлар бундан мустасно);

б) ҳисоблагич кўрсаткичларини қасддан камайтириш мақсадида унга ташқи таъсир кўрсатиш;

в) ҳисоблагич ва ўлчов трансформаторларининг пломбаларини ўзбошимчалик билан бузиш;

г) I тариф гуруҳи истеъмолчиларида ўрнатилган ҳисоблагичда сутканинг вақт зонасини ўзбошимчалик билан ташқи таъсир кўрсатиш орқали ўзгартириш;

д) ўзбошимчалик билан ҳисоблагич ёки ўлчов трансформаторларини алмаштириш;

е) ҳисоблагичнинг уланиш схемасини ўзбошимчалик билан ўзгартириш²⁰⁸.

Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар юкларни ташиш чоғида юкларни юк жўнатувчилар ва юкни олувчиларга тегишли бўлган ёки улар томонидан ижарага олинган вагонлар ва контейнерларни ўзбошимчалик билан эгаллаганлик, бу вагонлар ва контейнерларга шикаст етказганлик ёки уларни йўқотганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда неустойка тўлаш тарзида жавобгар бўлади²⁰⁹.

Электрон браслет қўлланиладиган шахслар электрон браслетни ўзбошимчалик билан ечмаслиги шарт²¹⁰.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини

²⁰⁸ Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 319-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁰⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида” 2024 йил 27 ноябрдаги ЎРҚ–1006-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²¹⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 5 декабрдаги 813-сон қарори билан тасдиқланган “Уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган ва озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахсларни электрон браслет орқали масофадан туриб назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур²¹¹.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим²¹².

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини

²¹¹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²¹² Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокраниши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт²¹³.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлиғига, шаънига, кадр-қимматига путур

²¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт²¹⁴.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт²¹⁵.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий

²¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин²¹⁶.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади²¹⁷.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, шу жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқладиган манфаатлари ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп микдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши йўли билан содир этилади.

²¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²¹⁷ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмишнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига нисбатан содир этилиши;

6) қилмишнинг ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши йўли билан содир этилиши;

7) ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш қилмишининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига боғлиқ бўлиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилган вақтдан;

2) ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказилган вақтдан;

3) ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилган вақтдан;

4) ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилган вақтдан;

5) ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилган вақтдан;

6) ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш давлат манфаатларига жиддий зиён етказилган вақтдан бошлаб.

Бунда, ушбу зарар ёки зиённи фуқаро, жамоат ёки давлат билган ёки билмаганлигидан қатъий назар у келиб чиққан вақтдан бошлаб жиноят тамомланган саналади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – турли хил мазмундаги ахборот, мулк, шартнома, ҳужжат, техник воситалар ҳамда ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;

- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Admin Lockout (Раҳбариятни тизимдан узиб қўйиш). Мисол учун, корхона муассислари ўртасидаги низо вақтида бош администратор (ёки IT мутахассис) бошқа таъсисчиларнинг корпоратив почта, CRM-тизим (Bitrix24, AmoCRM) ёки булутли серверларига кириш ҳуқуқини (паролларини) ўзгартириб, уларни блокировка қилиши;

2) Domain/Social Media Hostage (Домен ва саҳифаларни гаровга олиш). Мисол учун, SMM-мутахассис ўзи юритаётган миллионлаб обуначига эга компаниянинг Instagram ёки Telegram каналини (ўз номига очилганини важ қилиб) ўзилаштириб олиши ва қайтариш учун муайян шартлар қўйиши;

3) Data Withholding (Маълумотларни ушлаб туриш). Мисол учун, бухгалтернинг раҳбарият билан зиддият сабабли 1С-Бухгалтерия базасининг архивини (электрон калитларни) беркитиб қўйиши ёки ўзининг шахсий дискига кўчириб олиб, иш жараёнини фалаж қилиши;

4) Digital Repossession (Рақамли мулкни тортиб олиш). Мисол учун, фрилансер ёки аутсорс дастурчининг буюртмачидан пулини тўлиқ ололмагани важ қилиб, яратилган тизимга олдиндан ўрнатилган Backdoor (яширин эшик) ёки Logic Bomb (мантикий бомба) орқали тизимни ўчириб қўйиши;

5) қарзни мажбурий ундириш (Cyber-Repo). Масалан, қарздор пулни қайтармаётгани учун кредитор (ҳақдор) унинг ижтимоий тармоқдаги akkaунтларини хакерлик йўли билан блоклаб қўйиши ёки тизимига кириб, маблағни ўзбошимчалик билан ечиб олиши;

6) лойиҳа ёки кодни блоклаш. Мисол учун, дастурчи иш ҳақини ололмагани учун ўзи ёзган дастур кодини масофадан туриб ўчириб ташлаши ёки компания серверига киришни чеклаб қўйиши;

7) рақамли активлар устидан назорат. Мисол учун, шериклар ўртасидаги келишмовчилик сабабли, биттасининг компания домен номи ёки электрон ҳамёнини ўз номига ўтказиб олиши йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Access Revocation Logs. Мисол учун, қачон ва қайси IP-манзил орқали бошқа фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари чекланганлигини тасдиқловчи аудит логлари;

2) Contractual Artifacts. Мисол учун, электрон почта ёки мессенжерлардаги ёзишмалар. (Киберўзбошимчаликда шахс одатда аввал ўз талабини қонуний асослашга уринади: “шартнома бўйича пулимни бермасанг, серверни ўчираман” деган мазмундаги ёзишмалар қасднинг йўналишини кўрсатади);

3) Authentication Tokens (OAuth). Мисол учун, ижтимоий тармоқлардаги администраторлик ҳуқуқларининг кимга тегишли эканлиги ва қачон ўзгартирилганлиги тарихи (Meta Business Manager логлари);

4) Source Code Versioning (Git Logs). Мисол учун, GitHub ёки GitLab тизимларида кодга қасддан бузувчи ёки чекловчи алгоритмлар (Time-bombs) қачон ва ким томонидан қўшилгани излари.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни амалга ошириш мақсадида электрон тизимларга (масалан, бировнинг бошқарувидаги серверлар, ижтимоий тармоқ саҳифалари, веб-сайт доменлари) рухсатсиз кириш изларини, тизим паролларини ўзбошимчалик билан ўзгартириш ҳолатларини, блоклаб қўйилган ёки олиб қўйилган рақамли маълумотларни ҳамда ушбу ҳаракатлар амалга оширилган IP-манзилларини, тизимга кириш ҳуқуқлари ким томонидан ва қайси усулда (рухсатсиз ёки ўз ваколати доирасида) чекланганини;

2) суд-иқтисодий экспертизаси ўзбошимчалик билан рақамли ресурсларга киришни чеклаш, электрон маълумотларни ёки рақамли активларни ўзлаштириш ва тизимлар ишини тўхтатиб қўйиш натижасида фуқаролар, ташкилотлар ёки давлат манфаатларига етказилган кўп миқдордаги зарар ёки жиддий зиённинг аниқ молиявий ҳажмини;

3) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги электрон ёзишмалар (мессенжерлар, электрон почта хабарлари) матнини таҳлил қилиб, айбдорнинг ўз хатти-ҳаракатларини ўзининг ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларига асосланган деб ҳисоблаганлигини тасдиқловчи лингвистик белгиларини ва қўйилган талабларини;

4) суд-бухгалтерия экспертизаси агар киберўзбошимчалик ташкилотнинг электрон ҳисоб-китоб тизимларида мулкӣй низолар (масалан, ходим ёки ҳамкор томонидан ўзининг улушини, маошини ёки қарзини ўзбошимчалик билан электрон тизим орқали ўз ҳисобига ўтказиб олиши) заминида содир этилган бўлса, электрон бухгалтерия ҳужжатларидаги ноқонуний ўтказмаларни ва молиявий тафвутларини;

5) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг ҳаракат содир этиш вақтидаги руҳӣй ҳолатини, унинг ўзини ҳақ деб билган ички субъектив ишончини (яъни, жиноят мотиви ўз фараз қилинган ҳуқуқларини тиклашга қаратилганлигини) ҳамда бу ҳаракатларнинг жабрланувчининг руҳиятига етказган психологик зиён даражасини;

6) суд-фонография экспертизаси тарафлар ўртасида ўзбошимчалик билан амалга оширилган ҳаракатлар юзасидан келиб чиққан низолар, мулкӣй ёки номулкӣй талаблар ва фараз қилинган ҳуқуқларни рўқач қилиш ҳолатлари акс этган овозли хабарлар ёки телефон сўзлашувларидаги нутқ эгасини ва аудиоёзувнинг техник яхлитлигини;

7) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси ўзбошимчаликни амалга оширишга ҳуқуқӣй асос сифатида кўрсатилган ва ахборот-коммуникация технологиялари воситасида шакллантирилган электрон шартномалар, тилхатлар, далолатномалар ёки рақамли рухсатномаларнинг ҳақиқӣйлигини ва уларга техник йўл билан киритилган ўзгартиришларини;

8) суд-товаршунослик экспертизаси киберўзбошимчалик натижасида ноқонуний олиб қўйилган, ушлаб турилган ёки фойдаланилиши чекланган ахборот-коммуникация технологиялари ускуналарининг (серверлар, компьютерлар) ва рақамли дастурий маҳсулотларнинг бозор қийматини аниқлайди.

Ушбу жиноятда жиддий зиён деганда моддий бўлмаган, лекин муҳим зарар, шу жумладан, тизимларнинг узоқ вақт ишламай қолиши, муҳим маълумотларнинг йўқолиши, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилиши ва ҳк.ни тушуниш лозим. Кўп миқдордаги зарар деганда эса, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар тушунилади.

Мазкур жиноятда ҳақиқий ва фараз қилинган ҳуқуқлар ўзаро фарқ қилишга эҳтибор қаратиш даркор.

Ҳақиқий ҳуқуқда шахснинг ҳақиқатан ҳам шу ҳақи бор ёки суд қарори билан тасдиқланган қарздорлик мавжуд, лекин у МИБга мурожаат қилмай, ўзи ахборот-коммуникация технологиялари орқали тизимга кириб қарзни ундирса, бу ўзбошимчалик деб баҳоланиши керак.

Фараз қилинган ҳуқуқда эса, шахс мен шунга ҳақлиман деб янглишади, масалан, ишдан бўшатишди, компьютер меники бўлади, деб уни уйига олиб кетиб, ичидаги маълумотларни блоклаб қўйиши мумкин ва бу ҳам ўзбошимчалик саналади.

Бунда, агар шахс ўз ҳуқуқини тиклаш учун ахборот тизимида рухсатсиз кирса, унинг ҳаракати ЖК 229-модда ва 278¹-модда ёки 278²-моддаси билан жиноятлар мажмуи сифатида малакаланади.

Ўзбошимчалик ҳаракати бошланиб, шахс, жамият ёки давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етган вақтдан бошлаб тамомланган саналади, аксинча бўлса, ушбу шахснинг ҳаракати маъмурий ҳуқуқбузарлик деб топилиши даркор.

**1.16-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб,
диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш жиноятининг
юримдик-техник таҳлили**

229²-модда. Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтинчи соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз вояга етмаган шахсга диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек вояга етмаган шахсга хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтинчи соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкidan ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ этироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт. Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди²¹⁸.

Қонунчиликка асосан, маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга диний таълимотдан сабоқ бериш тақиқланади²¹⁹. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилгандир. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига (бундан диний таълим муассасалари мустасно) йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи, уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар, таъминланади. Ҳар ким диний таълим муассасаларида профессионал диний таълим олиш ҳуқуқига эга. Диний таълим муассасаларида ўқишга фуқаролар қонунчиликка мувофиқ умумий ўрта, ўрта махсус таълим ёки профессионал таълим олганидан кейин қабул қилинади. Диний профессионал таълим олган шахслар диний таълим муассасаларида диний фанларни ўқитиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир²²⁰.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни

²¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²¹⁹ Вазирлар Маҳкамасининг “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²²⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ-699-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди²²¹.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур²²².

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқирилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда

²²¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²²² Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табiiй муҳитга зарар етказмаслиги лозим²²³.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши,

²²³ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт²²⁴.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштирилаётган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт²²⁵.

Тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди²²⁶.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматида ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт²²⁷.

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик

²²⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²²⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²²⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда кўркув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш²²⁸.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги

²²⁸ Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин²²⁹.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади²³⁰.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, шу жумладан, диний таълимотни муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз ёки хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш ёхуд вояга етмаган шахсга шундан усуллардан бирида диний таълимотдан сабоқ бериш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;

²²⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²³⁰ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмиш вояга етмаган шахсдан бошқаларга нисбатан содир этилганда шундай қилмиши учун айбдорнинг бир йил ичида маъмурий жазога тортилган бўлиши зарурлиги;

6) қилмишнинг махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз ёки хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш ёхуд вояга етмаган шахсга шундан усуллардан бирида диний таълимотдан сабоқ бериш йўли билан содир этилиши;

7) қилмишнинг диний таълимот ва уни амалга ошириш билан боғлиқ бўлиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – сабоқ бериш бошланган вақтдан бошлаб. У турлича бўлиши мумкин, жумладан, эфир орқали турли хил кўргазмали материаллар, хатти-ҳаракатлар билан ёки фақатгина гапириш усули билан дин таълимотни тушунтириш, телекоммуникация тармоғи орқали ахборот юбориш, узатиш, тарқатиш, жойлаштириш, тегишли ахборотни ошкор қилиш ва ҳк.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – турли хил мазмундаги ахборот, мулк, шартнома, ҳужжат, техник воситалар ҳамда ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар,

электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узок муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёйишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қўйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Closed Conferencing (Ёпиқ видеоконференциялар). Мисол учун, Zoom, Google Meet ёки Microsoft Teams ва ҳк. платформаларида пароль орқали кириладиган махфий онлайн дарслар ташкил қилиш;

2) Subscription-based Telegram Schools. Мисол учун, ойлик тўлов (одатда Click ёки Payme орқали) эвазига киритилган ёпиқ Telegram каналларида аудиоподкастлар ва матнли дарслар орқали таълим бериш;

3) Micro-Learning via Messengers. Мисол учун, WhatsApp ёки Signal гуруҳларида вояга етмаганларга кунлик вазифалар бериш, улардан овозли хабар (Voice message) орқали дарсларни сўраш ва баҳолаб бориш;

4) Gamified Indoctrination. Мисол учун, болалар учун мўлжалланган мобил иловалар ёки онлайн ўйинлар ичидаги чатларда устоз-шогирд аънарасини виртуаллаштириш;

5) ёпиқ онлайн гуруҳлар. Ижтимоий тармоқлар (Telegram, WhatsApp, Discord ва бошқалар)да махсус гуруҳлар очиб, тегишли рухсатномасиз диний таълимотдан дарс бериш;

6) видео-конференциялар. Мисол учун, Zoom, Google Meet, Skype ва бошқа видеоэфир имкони бўлган тизимлар ёки мессенжерлар орқали жонли эфирда (стрим) хусусий тартибда диний сабоқ бериш жараёнини ташкил этиш;

7) интерактив ботлар ва платформалар. Мисол учун, фойдаланувчиларга диний таълимотдан босқичма-босқич сабоқ берувчи махсус дастурлар ёки Telegram-ботлар яратиш ва бошқариш;

8) ижтимоий тармоқлардаги курслар. Ижтимоий тармоқлар (Instagram, TikTok ва бошқалар)да диний билимларни ўргатаман мазмунидаги пуллик ёки bepул вебинарлар, онлайн мактаблар ташкил қилиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Digital Billing (Тўлов излари). Мисол учун, таълим учун ўтказилган P2P транзакциялар, одатда тўлов изоҳига (Comment) дафтар учун, ҳада ёки курс учун деган кодланган сўзлар ёзилади;

2) Session Logs & Connection Duration. Мисол учун, провайдерлардан олинган маълумотлар устоз ва ўқувчининг IP-манзиллари мунтазам равишда бир вақтда (масалан, ҳар куни кечкурун 2 соат давомида) видеоконференция серверига улангани;

3) Cloud Storage Artifacts. Мисол учун, Google Drive ёки Yandex.Diskка юкланган диний адабиётлар, конспектлар ва видеодарслар архиви ҳамда уларга берилган Access (рухсат) тарихи;

4) Voice Fingerprints. Мисол учун, мессенжерларда сақланиб қолган овозли хабарлар метамаълумотлари.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ноқонуний диний таълим беришда фойдаланилган техник қурилмаларни, онлайн дарслар ўтилган платформаларни (Zoom, Google Meet, Telegram ва б.), дарслар жадвали ва ўқувчилар рўйхати сақланган электрон файлларни, дарс жараёни акс этган видеоёзувларнинг қурилма хотирасидаги изларини ҳамда масофавий дарс ўтиш учун ишлатилган IP-манзилларни, ўчириб юборилган ёпиқ чатларни тиклаш, дарслар қачон ва қайси платформада ўтилганини, ўқувчиларнинг рақамли идентификаторларини;

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси онлайн дарслар давомида ишлатилган нутқни, тақдим этилган матнли материалларни ва ёзишмаларни таҳлил қилиб, уларда диний таълимотдан сабоқ бериш (диний тушунчаларни тизимли ўргатиш, шарҳлаш) аломатлари мавжудлигини ҳамда мазкур таълимотнинг қайси диний йўналишга мансублигини;

3) видеоматериаллар суд экспертизаси экспертизаси масофавий диний таълим жараёни ёзиб олинган видеофайлларнинг ҳаққонийлигини, улардаги

вақт ва жой кўрсаткичларини, дарс ўтувчи шахснинг хатти-ҳаракатларини ҳамда тасвирдаги шахслар орасида вояга етмаганлар бор-йўқлигини;

4) суд-фонографик экспертизаси аудиодарслар ёки видеоконференциялар давомида диний таълимотдан сабоқ берган шахснинг овозини гумонланувчи билан идентификация қилади ҳамда аудиоёзувнинг яхлитлигини ва техник ишлов берилмаганлигини, овозли хабарлардаги айбдорнинг овозини;

5) суд-психологик экспертизаси диний таълим бериш жараёнида тингловчиларга, айниқса вояга етмаганларга ўтказилган психологик таъсир усуллари, уларнинг дунёқараши ва руҳиятидаги ўзгаришларни ҳамда сабоқ берувчининг таълим беришга бўлган қасд мақсадини;

6) суд-диншунослик экспертизаси (махсус комплекс экспертиза таркибида) берилаётган таълимнинг мазмунини, унда ишлатилган адабиётлар ва манбаларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлигини ҳамда берилаётган сабоқларнинг диний таълимот тушунчасига киришини;

7) суд-портрет экспертизаси онлайн дарслар ва жонли эфирлар вақтида экранда кўринган сабоқ берувчининг ва ўқувчиларнинг (айниқса вояга етмаганларнинг) қиёфасини идентификация қилишни;



8) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси диний таълим бериш ҳуқуқини берувчи сохталаштирилган электрон дипломлар, сертификатлар ёки диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатномаси деб рўқач қилинган рақамли ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини аниқлайди;

9) суд-иқтисодий экспертизаси хусусий тартибда диний таълим берганлик учун электрон тўлов тизимлари, банк карталари ёки крипто-ҳамёнлар орқали амалга оширилган тўловлар миқдорини ва ушбу маблағларнинг ҳаракат йўналишини;

10) суд-хатшунослик экспертизаси диний таълим бериш жараёнида фойдаланилган ва суратга олинб (ёки сканерланиб) тарқатилган қўлёзма конспектлар, рўйхатлар ёки топшириқларнинг ижрочисини;

11) суд-товаршунослик экспертизаси ноқонуний диний таълим бериш мақсадида жиҳозланган студиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, қурилмалар, ускуналар ва тарқатилган диний адабиётларнинг бозор қийматини;

12) суд-социологик экспертизаси онлайн диний таълим дарсларининг ижтимоий тармоқлардаги қамровини, аудитория таркибини ва ушбу фаолиятнинг жамиятдаги диний барқарорликка таъсир қилиш даражасини аниқлайди.

Ушбу тоифадаги жиноятларни фош этишда суд-компьютер техникавий экспертизаси, диншунослик экспертизаси мажбурий ўтказилиши лозим ва унда қуйидагилар ҳам текширилади:

рақамли мулоқот аудити ўтказилиб, мессенжерлардаги ёзишмалар, аудио файллар ва видео дарсларнинг мазмунини таҳлил қилиниб, улар ҳақиқатан ҳам таълимотдан сабоқ беришми ёки шунчаки маълумот алмашишми, деган масала ҳал этилиши шарт;

техник идентификация ўтказилиши учун дарслар ўтилган IP-манзилларни аниқлаш ва уларни муайян қурилма (телефон, компьютер) билан боғлаш зарур;

гуруҳ ёки канал администраторининг шахсини рақамли излар асосида фош этиш керак;

агар сабоқ бериш ҳақ эвазига бўлса, “Click”, “Payme” каби тўлов тизимлари ёки криптоҳамёнлар орқали амалга оширилган транзакцияларни кузатиш ва текшириш лозим.

Ушбу таълим жараёнида телекоммуникация ёки интернет тармоғидан фойдаланиб диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш ҳаракати амалга оширилган бўлса, бу ҳаракат жиноятлар мажмуи сифатида малакаланиши шарт.

1.17-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жиноятининг юридик-техник таҳлили

230¹-модда. Исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан далилларнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритишда ва ўзга бузиб кўрсатишларда намоён бўладиган сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши), –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

б) шахсни ушлаб туришга, қамоққа олишга, жиноий жавобгарликка тортишга ёки жиноий жавобгарликдан озод этишга, ҳукм қилишга ёхуд оқлашга сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Оғир ёки ўта оғир жиноят тўғрисидаги жиноят иши бўйича далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), худди шунингдек далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқладиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат

суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт²³¹.

Қонунчиликка асосан, ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг ҳулосаси, ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.

Агар тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир

²³¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши мумкин.

Исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади. Исбот қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Исбот қилишда иштирок этишга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, шунингдек бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар жалб этилади. Улар ушбу Кодексда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширадилар ҳамда мажбуриятларни бажарадилар.

Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим. Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Инсон шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлиғини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-укубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади.

Жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки

судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оклайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида қўриши шарт. Эксперт ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва ҳолисона ёзма хулоса бериши шарт. Мутахассис иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг эътиборини қаратиши шарт. Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида фуқароларнинг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўриқлаш таъминланиши керак.

Исбот қилишда қуйидагилар тақиқланади:

1) шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш;

2) зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиш;

3) тунги вақтда, яъни кеч соат 22-00 дан эрталаб соат 6-00 гача тергов ҳаракатлари олиб бориш. Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймаслик, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно.

4) шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш;

5) шахсни жиноят ишига гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, бундан экспертиза ёки тафтиш ўтказиш талаб этиладиган ҳоллар мустасно;

6) шахсга унинг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунига қадар ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш;

7) ушланган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш;

8) мазмунан қўриб чиқиш учун судга юборилган жиноят иши доирасида процесс иштирокчиларини суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва (ёки) сўроқ қилиш, бундан улар билан боғлиқ бўлган алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши ёки суднинг ёзма топшириғи мавжуд бўлган ҳоллар мустасно.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья тергов ва суд муҳокамаси жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва

бошқаларнинг шахсий ҳаётига доир аниқланган маълумотларни ошкор қилмаслик чора-тадбирларини кўриши шарт. Бунинг учун шундай маълумотлар аниқланиши мумкин бўлган тергов ёки суд ҳаракатлари олиб борилаётганда иштирок этадиган шахслар доираси чекланади, иштирокчилар эса уларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади.

Тергов ёки суд ҳаракатлари жараёнида олиб қўйиладиган нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар тегишли баённомаларда аниқ кўрсатилиши керак, бунда нарсанинг ёки ҳужжатнинг ёхуд электрон маълумотларнинг эгасига баённома нусхаси ёки унинг кўчирмаси топширилиб, тилхат олинади. Ишга алоқаси бўлмаган нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар қонуний эгасига дарҳол қайтарилиши керак. Бунда, агар ишга тааллуқли бўлмаган далиллар тергов органининг ва (ёки) суднинг тасарруфида қолган бўлса, улар қайта тикланмайдиган тарзда йўқ қилиниши лозим. Фуқаролар сақлаши тақиқланган нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар йўқ қилиниши ёхуд уларни сақлашга ҳамда тасарруф этишга ваколатли бўлган муассасаларга ёки ташкилотларга берилиши лозим.

Тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг, шунингдек суд муҳокамасидаги тарафларнинг бу ҳаракатлар жараёни ва натижалари акс эттирилган баённома билан танишиш, худди шунингдек баённомага қўшимча ва тузатишлар киритиш ҳуқуқлари таъминланиши керак. Иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозим. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, маъбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.

Агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, шу жумладан:

1) жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда;

2) уларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда;

4) жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида;

5) номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

6) жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз

тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

Фактик маълумотлардан далил сифатида фойдаланишнинг мақбул эмаслиги терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ўз ташаббуси билан ёки иштирокчиларнинг илтимосномаси бўйича аниқланади. Терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья далилларнинг мақбул эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганида ҳар бир ҳолатда йўл қўйилган бузилиш нимада аниқ ифодаланганлигини аниқлаб олиши ва асослантирилган қарор қабул қилиши шарт.

Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан ушбу Кодекс нормалари бузилган ҳолда олинган кўрсатувлардан, эксперт хулосасидан, ашёвий, ёзма ва рақамли далиллардан, аудио-, видеоёзувлардан ва бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланади.

Олиб қўйиш ёки кўздан кечириш бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда мутахассис иштирокисиз олинган электрон маълумотлар номақбул далиллар деб топилади²³².

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқладиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди²³³.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар

²³² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²³³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур²³⁴.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим²³⁵.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг

²³⁴ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²³⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг конунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт²³⁶.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва

²³⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

(ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт²³⁷.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт²³⁸.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда

²³⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²³⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин²³⁹.

Бунда, тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-кидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади²⁴⁰.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, шу жумладан, одил судловни муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан далилларнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритишда ва ўзга бузиб кўрсатишларда намоён бўладиган сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши) йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар ва ҳк.

²³⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁴⁰ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмиш исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан содир этилган бўлиши зарурлиги;

6) қилмишнинг исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан далилларнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритишда ва ўзга бузиб кўрсатишларда намоён бўладиган сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши) йўли билан содир этилиши;

7) қилмишнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далиллар билан боғлиқ бўлиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

терговга қадар текширув ёки жиноят ишлари материалларига ёлғон маълумотлар киритилган вақтдан;

терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари турли йўллار орқали бузиб кўрсатилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – биринчи қисми формал, қолган қисмлари аралаш, шу жумладан, моддий таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилики даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавfli қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – экспертиза хулосалари, суд-тергов баённомалари, қарорлар, гувоҳ кўрсатмалари, турли хил мазмундаги ахборот, далиллар ва ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узок муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳ.к.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёншкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Metadata Alteration (Метамаълумотларни ўзгартириш). Мисол учун, рақамли фотосурат ёки видеонинг яратилган вақти ва GPS-локациясини махсус дастурлар ёрдамида ўзгартириб, шахснинг алибисини йўққа чиқариш ёки аксинча, сохта алиби яратиш;

2) Deepfake Insertion. Мисол учун, видеокузатув мосламаларидан олинган далилларга сунъий интеллект ёрдамида шахснинг қиёфасини ёки овозини қўшиш;

3) Log Injection. Мисол учун, сервер ёки компьютер тизими қайдларига (log files) шахснинг тизимга кирганлиги ёки маълумот ўчирганлиги ҳақида сохта ёзувларни қўшиб қўйиш;

4) Database Manipulation. Мисол учун, тергов органлари фойдаланадиган базаларга (масалан, “E-Ma’muriy” ёки “E-Sud”) техник аралашув орқали маълумотларни ўзгартириш;

5) рақамли файлларни таҳрирлаш (File Tampering). Мисол учун, тергов жараёнида олинган видеоёзувлар, аудио файллар ёки фотосуратларни махсус дастурлар (Deepfake, Adobe Premiere) ёрдамида ўзгартириш, масалан, айбланувчининг юзини бошқа шахснинг юзига алмаштириш ёки аудиоёзувдаги мен қилмадим деган сўздан “–ма” қўшимчасини олиб ташлаш;

6) мета-маълумотларни ўзгартириш (Metadata Alteration). Мисол учун, файлнинг яратилган вақти, жойи (GPS координатлари) ва қайси қурилмада олингани ҳақидаги рақамли изларни ўзгартириш ва бу орқали алибини йўққа чиқариш ёки сунъий равишда яратиш;

7) лог-файлларни сохталаштириш (Log Fabrication). Мисол учун, серверлардаги кириш-чиқиш логларига (IP-манзиллар, вақтлар) ўзгартириш киритиш орқали шахснинг кибермакондаги ҳаракатларини бузиб кўрсатиш;

8) электрон ёзишмаларни ясаш. Мисол учун, махсус ботлар ёки базага тўғридан-тўғри кириш орқали Telegram ёки бошқа мессенжерларда шахс ёзмаган хабарларни гўёки у ёзгандек қилиб тергов материалларига қўйиш ва уни “Жиноий-ҳуқуқий статистика” ахборот тизимига киритиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) File System Artifacts. Мисол учун, файлнинг яратилган, ўзгартирилган ва қирилган вақтлари (MAC times) ўртасидаги мантиқий номувофиқлик;

2) Hex-Editor Analysis. Мисол учун, файл коди ичида ёт дастурий таъминот ёки қўлда қиритилган ўзгартиришларнинг мавжудлиги;

3) Hash Mismatch. Мисол учун, агар тергов жараёнида олинган рақамли далилнинг дастлабки хэш-қиймати (MD5/SHA) кейинги босқичларда ўзгарган бўлса – бу сохталаштиришнинг (ёки нотўғри сақлашнинг) тўғридан-тўғри исботидир;

4) Shadow Copies. Мисол учун, тизимнинг соя нусхаларида ҳужжатнинг дастлабки, асл кўринишининг сақланиб қолганлиги.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида далилларни сохталаштиришда фойдаланилган қурилмаларни, электрон ҳужжатларнинг яратилиш ва ўзгартирилиш вақти (метамаълумотлари) бузиб кўрсатилганлигини, тизим маълумотларига

киритилган сохта қайдларни ҳамда ўчириб юборилган асл рақамли далилларнинг изларини, рақамли файлнинг хэш-суммасини (SHA-256 ёки MD5) текшириш орқали агар баённомага илова қилинган файлнинг хэши дастлабки нусха билан мос келмаса – далил қонуний кучини йўқотишини, файлнинг яратилиш санаси (Metadata) тизимдаги “Event Log”лар билан солиштирилишини ташкил қилиш орқали сохталаштиришни, шахснинг ҳақиқатан ҳам жинойт содир этилган жойда бўлган-бўлмаганлигини (Cell Tower Logs) тергов ҳужжатидаги маълумот билан солиштириш ёки агар далил сифатида олинган файлнинг хэш-қиймати (рақамли бармоқ изи) дастлабки баённомадаги қиймат билан мос келмаса, бу далилга техник таъсир ўтказилганлигини, Hex-editor таҳлили амалга оширилиб, файлнинг ички кодларини ўрганиш орқали унга ташқи дастурий таъсир кўрсатилгани изларини, Digital Forensics амалга оширилиб, қурилманинг “Shadow copies” ёки вақтинчалик файллар базасидан далилнинг асл нусхасини ва сохтасини;

2) видеоматериаллар суд экспертизаси далил сифатида тақдим этилган видеоёзувлардаги техник монтаж белгиларини, кадрларнинг сунъий равишда алмаштирилганлигини ёки Deepfake технологиялари ёрдамида тасвирдаги шахсларнинг ҳаракатлари ва қиёфасига киритилган ўзгартиришларни;

3) суд-фонографик экспертизаси далил сифатида илова қилинган аудиоёзувлар ёки овозли хабарлардаги нутқнинг яхлитлигини, техник монтаж изларини ҳамда овозни сунъий синтез қилиш (нейротармоқлар ёрдамида овозни ўхшатиш) орқали яратилган сохта аудиодалилларни;

4) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси сохталаштирилган электрон ёзишмалар, баённомалар ёки кўрсатмалар матнини таҳлил қилиб, уларнинг муаллифлик хусусиятларини, нутқ услубидаги сунъийликни ҳамда матнга била туриб киритилган ёлғон маълумотларнинг мазмуний таркибини;

5) суд-фото-техникавий экспертизаси далил сифатида тақдим этилган рақамли фотосуратлардаги фотомонтаж белгиларини, тасвир деталларининг график редакторлар ёрдамида ўзгартирилганлигини ёки фотосуратнинг техник кўрсаткичлари сохталаштирилганлигини;

6) ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари воситалари орқали чоп этилган сохта баённомалар ва расмий ҳужжатлардаги муҳр, штамп изларининг тайёрланиш усулини ҳамда рақамли имзоларнинг техник монтаж йўли билан кўчириб ўтказилганлигини;

7) суд-портрет экспертизаси сохталаштирилган видео ёки фотоматериаллардаги шахсларнинг анатомик-антропологик белгиларини таҳлил қилиш орқали далилда акс этган шахс билан реал шахснинг айнан битта эканлигини ёки фарқланишини;

8) суд-психологик экспертизаси исботлашни амалга ошираётган шахснинг далилларни сохталаштириш вақтидаги руҳий ҳолатини, унинг хатти-ҳаракатларидаги ғаразли ёки бошқа паст ниятларини тасдиқловчи психологик белгиларни ҳамда айбдорнинг иродавий ҳолатини;

9) суд-иктисодий экспертизаси далилларни сохталаштириш натижасида келиб чиққан моддий зарар миқдорини, айниқса иктисодий жинойтлар бўйича

далилларни бузиб кўрсатиш орқали кўзланган молиявий манфаатдорлик ҳажмини;

10) суд-хатшунослик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тайёрланиб, сўнгра қоғозга туширилган сохта ҳужжатлардаги имзолар ва қўлёзма қайдларнинг ижрочисини ҳамда уларни бажаришда қўлланилган техник воситаларни аниқлайди.

Шунингдек, ушбу сохталаштириш субъектлари сифатида исботлашни амалга ошираётган шахслар ва исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар иштирок этсагина, бу қилмилни ЖКнинг 230¹-моддаси билан квалификация қилиш мумкин. Аксинча бўлса, қилмишда ЖКнинг 228-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби бор ёки йўқлиги аниқланиши шарт.

1.18-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш) жиноятининг юридик-техник таҳлили

230²-модда. Жиноятни содир этишга алоқаси йўқлиги олдиндан аён бўлган шахсни жиноий таъқиб қилиш мақсадида ёхуд шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказиш мақсадида тезкор-қидирув фаолияти натижаларини тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга ваколатли шахслар томонидан сохталаштириш (қалбакилаштириш), –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар ахборотни ноошкора олиш учун мўлжалланган махсус техника воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса,

–

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкidan ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт²⁴¹.

Қонунчиликка асосан, ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг ҳулосаси, ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.

Агар тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олинishi мумкин.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиши шарт.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда, мазкур органлар ҳамда уларнинг раҳбарлари ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни тиклаш, етказилган

²⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда айбдорларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш натижасида олинган, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этиш билан боғлиқ бўлмаган ахборотдан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклаш учун фойдаланилиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Инсоннинг шахсий ҳаёти ҳолатларига оид маълумотларнинг ошкор этилишига олиб келадиган, унинг ҳаётини, соғлиғини хавф остига қўядиган, шаъни ва кадр-қимматини камситадиган ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига аниқ риоя қилиши ва уларни бажариши шарт. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка аниқ риоя қилишдан ҳамда уларни ижро этишдан чекиниш қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади²⁴².

Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир. Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим. Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Инсон шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлиғини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади. Жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт. Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексида назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга

²⁴² Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–344-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим. Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт.

Эксперт ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ёзма хулоса бериши шарт. Мутахассис иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг эътиборини қаратиши шарт. Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида фуқароларнинг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўриқлаш таъминланиши керак. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.

Агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, шу жумладан:

1) жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда;

2) уларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда;

4) жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида;

5) номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

6) жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

Фактик маълумотлардан далил сифатида фойдаланишнинг мақбул эмаслиги терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ўз ташаббуси билан ёки иштирокчиларнинг илтимосномаси бўйича аниқланади. Терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья далилларнинг мақбул эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганида ҳар бир ҳолатда йўл қўйилган бузилиш нимада аниқ ифодаланганлигини аниқлаб олиши ва асослантирилган қарор қабул қилиши шарт.

Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан ушбу Кодекс нормалари бузилган ҳолда олинган кўрсатувлардан, эксперт хулосасидан, ашёвий, ёзма ва рақамли далиллардан, аудио-, видеоёзувлардан ва бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланади.

Олиб қўйиш ёки кўздан кечириш бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда мутахассис иштирокисиз олинган электрон маълумотлар номақбул далиллар деб топилади²⁴³.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди²⁴⁴.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар

²⁴³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁴⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур²⁴⁵.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим²⁴⁶.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг

²⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг конунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт²⁴⁷.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва

²⁴⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

(ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт²⁴⁸.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт²⁴⁹.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, шу жумладан, одил судловни муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс-махсус субъект-тезкор қидирув органи ходими.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, жиноятни содир этишга алоқаси йўқлиги олдиндан аён бўлган шахсни жиноий таъқиб қилиш ёхуд шахснинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказиш мақсадида тезкор-қидирув фаолияти натижаларини тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга ваколатли шахслар томонидан сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – жиноятни содир этишга алоқаси йўқлиги олдиндан аён бўлган шахсни жиноий таъқиб қилиш, шахснинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказиш, моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

²⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ-788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга ваколатли шахслар томонидан содир этилган бўлиши зарурлиги;
- 6) қилмишнинг жиноятни содир этишга алоқаси йўқлиги олдиндан аён бўлган шахсни жиноий таъқиб қилиш мақсадида ёхуд шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказиш мақсадида тезкор-қидирув фаолияти натижаларини тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга ваколатли шахслар томонидан сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан содир этилиши;
- 7) қилмишнинг тезкор-қидирув фаолияти натижалари билан боғлиқ бўлиши;
- 8) жиноятни содир этишга алоқаси йўқлиги олдиндан аён бўлган шахсни жиноий таъқиб қилиш ёки шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказиш мақсадида содир этилиши;
- 9) алоқа;
- 10) ахборот;
- 11) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
- 12) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – тезкор-қидирув фаолияти натижалари сохталаштирилган (қалбакилаштирилган) вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлиликлари даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – аудио ёзувлар, видео кузатув материаллари, телефон тинглаш маълумотлари, интернет логлар, GPS кузатув, яширин операциялар натижалари, агентлар маълумоти, турли хил мазмундаги ахборот, далиллар ва ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миждозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қўйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Digital Planting (Рақамли ташлаб қўйиш). Мисол учун, шахсининг компьютерига ёки смартфонига масофадан туриб зарарли дастур (Троян/RAT) киритиш орқали тақиқланган диний материаллар ёки сохта молиявий ҳужжатларни яширинча юклаш ва кейин кўздан кечириш тадбирида уларни аниқлаш;

2) COPM (SORM) тизимларини манипуляция қилиш. Мисол учун, телефон сўзлашувлари ёки интернет трафигини ушлаб қолувчи аппарат-дастурий мажмуалар орқали олинган ёзувларнинг муҳим қисмларини қирқиб ташлаш ёки контекстни бузиб кўрсатувчи аудиомонтаж қилиш;

3) IMSI-Catcher (Стингрей) ёрдамида сохта локация яратиш. Мисол учун, сохта уяли алоқа база станцияси ёрдамида жабрланувчининг мобил курилмасини жиноят содир бўлган жойда қайд этиш орқали сохта биллинг яратиш;

4) Спуфинг (Spoofing) ва сохта ёзишмалар. Мисол учун, жабрланувчининг рақами ёки akkaунтидан фойдаланган ҳолда (Caller ID Spoofing) бошқа шахсга хабар юбориш ва буни тезкор тадбир натижаси сифатида расмийлаштириш;

5) рақамли ташлаб қўйиш (Digital Planting). Мисол учун, шахснинг компютери ёки смартфонига масофадан туриб (троян дастурлари ёки тизимдаги заифлик орқали) тақиқланган материалларни (масалан, диний экстремистик материаллар, порнография ёки давлат сирини ташкил этувчи файллар) жойлаштириш ва кейин уни тезкор тадбир давомида топиб олиш;

6) тармоқ трафигини манипуляция қилиш. Мисол учун, махсус дастурий таъминот ёрдамида шахс кирмаган сайтларга гўёки кирганлиги ҳақида сохта трафик логларини (HTTP logs) яратиш ёки унинг IP-манзилидан ноқонуний ҳаракатлар содир этилганлиги ҳақида сунъий излар қолдириш;

7) аудио ва видео мониторингни сохталаштириш. Мисол учун, тезкор-қидирув тадбирида олинган яширин аудиоёзувларни сунъий интеллект ва Voice Cloning технологиялари ёрдамида ўзгартириб, шахс айтмаган гапларни унинг овозида ясаш, генерация;

8) мессенжерлардаги сунъий ёзишмалар. Мисол учун, тезкор ходим томонидан назорат қилинадиган агент ёки бот орқали шахсга провокацион хабарлар юбориш ва тизим ичида ушбу ёзишмаларнинг мазмунини шахснинг зарарига ўзгартириш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Audit Logs (Аудит қайдлари). Мисол учун, СОРМ ёки бошқа ёпиқ тизимларга оператив ходим қайси вақтда, қандай логин/пароль билан киргани ва қайси файлни юклаб олиб, тизимдан ташқарида қанча вақт ушлаб тургани (ўзгартириш эҳтимоли) тарихи;

2) Hash Function Inconsistencies. Мисол учун, махсус техника (масалан, яширин диктофон ёки камера) ёзиб олган файлнинг асл хэш-коди терговга тақдим этилган CD/DVD дискдаги файл хэш-коди билан солиштирилади;

3) Zero-Day Artifacts. Мисол учун, агар жабрланувчининг курилмасига масофадан файл ташланган бўлса, файлнинг яратилган вақти (Creation Time) ва курилманинг интернетга уланган трафик ҳажмидаги аномалиялар ўрганилади.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тезкор-қидирув тадбирларининг электрон маълумотлар базаларига, тизим логларига ва рақамли архивлардаги оператив маълумотларга киритилган сохта ўзгартиришларни, электрон баённомаларнинг яратилиш вақти (метамәълумотлари) бузиб

кўрсатилганлигини ҳамда асл маълумотларнинг касддан ўчириб юборилганлигини, тақдим этилган электрон маълумотлар (ёзишмалар, файллар) қурилмага қандай усулда тушганини, масофадан рухсатсиз кириш излари бор-йўқлигини;

2) видео-тасвирларни тадқиқ қилиш экспертизаси тезкор-қидирув фаолияти давомида олинган видеоматериаллардаги техник монтаж белгиларини, тасвирга сунъий равишда киритилган деталларни ҳамда нейротармоқлар ва график дастурлар ёрдамида шахснинг хатти-ҳаракатлари нотўғри талқин қилинадиган ҳолатга келтирилганлигини;

3) суд-фонография экспертизаси тезкор тадбирларда фойдаланилган аудиоёзувлар (масалан, телефон сўзлашувларини назорат қилишда олинган ёзувлар) таркибидаги нутқнинг яхлитлигини, сўз ва жумлаларнинг сунъий равишда кесиб-уланганлигини (монтаж қилинганини) ҳамда овознинг ҳақиқийлигини;

4) суд-электротехникавий экспертизаси жиноятнинг 2-қисмида назарда тутилган ахборотни ноошкора олиш учун мўлжалланган махсус техника воситаларининг (яширин камералар, диктофонлар, трекерлар) техник ҳолатини, уларнинг ишлаш принципини ва маълумотларни сохталаштириш учун ушбу қурилмаларга ташқаридан техник аралашув бўлган-бўлмаганлигини;

5) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси тезкор-қидирув тадбирлари натижалари акс этган ҳисоботлар, баённомалар ва оператив маълумотлар матнини таҳлил қилиб, улардаги маълумотларнинг мантикий зиддиятларини ҳамда шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказишга қаратилган лингвистик воситаларни;

6) суд-фото-техникавий экспертизаси оператив фотокузатув натижасида олинган ва далил сифатида тақдим этилган рақамли фотосуратлардаги график ўзгартиришларни, фотомонтаж белгиларини ҳамда тасвир параметрларининг сохталаштирилганлигини;

7) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси тезкор тадбирларни расмийлаштиришда қўлланилган ва ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тайёрланган расмий электрон ҳужжатларга, баённомаларга киритилган техник ўзгартиришларни ва уларнинг қалбакилаштирилганлигини;

8) суд-портрет экспертизаси сохталаштирилган оператив видео ёки фотоматериалларда акс этган шахснинг ташқи қиёфа белгиларини гумонланувчи шахс билан солиштириб, тасвирдаги шахснинг реал шахсга мувофиқлигини ёки график дастурлар ёрдамида алмаштириб қўйилганлигини;

9) суд-психологик экспертизаси тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширган ваколатли шахснинг қилмишни содир этиш вақтидаги руҳий ҳолатини, унинг хатти-ҳаракатларидаги шахсни асоссиз жиноий таъқиб қилиш ёки ишчанлик обрўсини туширишга қаратилган ички мотивини;

10) суд-хатшунослик экспертизаси тезкор ҳисоботлардаги, оператив дафтарлардаги ва қўлда ёзилиб, сўнгра рақамлаштирилган баённомалардаги

ёзувлар ҳамда имзоларнинг айнан қайси ваколатли шахс томонидан бажарилганлигини аниқлайди.

Жиноят ахборотни ноошкора олиш учун мўлжалланган махсус техника воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, бу ҳолат жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Ахборотни ноошкора олиш учун мўлжалланган махсус техника воситалари мисол учун қуйидагилар бўлиши мумкин:

жосуслик (шпионлик) дастурлари (Spyware). Масалан, қурилманинг микрофони ва камерасини яширин ёқиш, экрандан скриншот олиш функциясига эга дастурлар;

кейлоггерлар (keyloggers). Клавиатурада терилган ҳар бир белгини (пароллар, шахсий ёзишмалар) яширин қайд этувчи воситалар;

IMSI-catcher (Стингрей). Мобил алоқа сигналларини тутиб олувчи ва абонентнинг жойлашуви ҳамда қўнғироқларини сохталаштириш имконини берувчи техник қурилмалар.

Суд-компьютер-техникавий ва фоноскопик экспертизада файлнинг яратилиш тарихи, шу жумладан, файл қурилма хотирасига қачон тушганлиги, ушбу вақтда шахснинг ўзи қурилмадан фойдаланганлиги ёки масофавий кириш (Remote Access) излари борлиги, тезкор ходимнинг иш компьюттери ёки шахсий қурилмасида далилларни ясаш учун ишлатиладиган махсус скриптлар ёки файл макетлари бор-йўқлиги, тармоқ провайдери маълумотлари бўлган тезкор ходим тақдим этган натижа провайдердаги асл трафик маълумотлари (NetFlow) билан мос келишлиги текширилиши шарт. Тезкор-қидирув натижалари туфайли айбсиз шахс жавобгарликка тортилиб кетиши мумкин, шу сабабли ҳар доим суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья ҳар қандай тезкор-қидирув натижаси (скриншот, аудио, видео)ни судда “Hash-value” (рақамли муҳр) текширувидан ўтказиши шарт ва у экспертиза ёки мутахассисни жалб қилиш йўли билан ҳал қилинади.

Мазкур жиноят **субъекти** 16 ёшга тўлган махсус субъект бўлиб, қонунчиликка кўра, қуйидаги тезкор-қидирув органлари ходимлари жиноят субъекти бўлиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг;

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий разведкасининг;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг органлари.

Бунда, бошқа давлат органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш тақиқланади.

1.19-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

233-модда. Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш, яъни банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, худди шунингдек банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон

Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади²⁵⁰.

Қонунчиликка асосан, хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли. У ўз мол-мулкидан хўжалик фаолиятини ва қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши, уни бошқа шахсларга эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун текинга ёхуд ҳақ эвазига бериши мумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак. Хусусий мулкка тажовуз қилишга йўл қўйилмайди. Қонунга хилоф равишда хусусий мулк ҳуқуқини чеклашга ва (ёки) ундан маҳрум қилишга бевосита ёки билвосита қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Номатбуллиги олдиндан маълум бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан ундан мол-мулкни, молиявий маблағларни ёки бошқа мулкӣ ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш тақиқланади. Мулкдорнинг хўжалик фаолиятига пировард натижада унинг мол-мулки тортиб олинисига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ёхуд мулкдорни ўз мулкига бўлган ҳуқуқидан воз

²⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

кечишга мажбур қиладиган қонунга хилоф равишдаги аралашув тақиқланади. Хусусий мулкка тажовуз қилиш қонунга биноан таъқиб қилинади²⁵¹.

Мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади. Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди²⁵².

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур²⁵³.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан

²⁵¹ Ўзбекистон Республикаси “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” 2012 йил 24 сентябрдаги ЎРҚ–336-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁵² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁵³ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим²⁵⁴.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган

²⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт²⁵⁵.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт²⁵⁶.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан

²⁵⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁵⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт²⁵⁷.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иктисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин²⁵⁸.

²⁵⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁵⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Бунда, тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-кидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади²⁵⁹.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, шу жумладан, одил судлов ва мулк дахлсизлигини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс-махсус субъект-банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс ёки банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга ҳилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга ҳилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилиши, худди шунингдек банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа ҳилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс, банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан содир этилган бўлиши зарурлиги;

²⁵⁹ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

6) қилмишнинг банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилиши, худди шунингдек банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш йўли билан содир этилиши;

7) қилмишнинг банк солинган мулк билан боғлиқ бўлиши;

8) қилмиш қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш ёхуд банк операцияларини амалга ошириш йўли билан содир этилиши;

9) алоқа;

10) ахборот;

11) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

12) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) банд солинган мулк ўзлаштирилган ёки растрата қилинган вақтдан;

2) банд солинган мулк яширилган вақтдан;

3) банд солинган мулк нобуд қилинган вақтдан;

4) банд солинган мулкка шикаст етказилган вақтдан;

5) банд солинган мулк билан боғлиқ банк операцияси амалга оширилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – банд солинган мулк, гаров мулки, банк ҳисобидаги пуллар, омонатлар ва ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миждозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёйишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Micro-Unfreeze (Микро-муздан ечиш). Мисол учун, банк ходими жиноий тил бириктирган ҳолда, МИБ томонидан электрон банд солинган ҳисобварақни Автоматлаштирилган банк тизими дастури орқали тунги вақтда 5 дақиқага муздан ечади, пулларни тезда офшор ёки крипто-ҳисобга ўтказиш ва ҳисобни яна банд солинган ҳолатга қайтариш;

2) Shadow Routing (Яширин йўналтириш). Мисол учун, корхона ҳисобига банд солинганда, корхона раҳбари ўз миждозларига (дебиторларга) хизмат ҳақини тўғридан-тўғри бошқа, учинчи шахсининг транзит ҳисобварағига ўтказиш бўйича яширин шартномалар тузиш (мулкни яшириш);

3) Crypto-Asset Dissipation (Крипто-активларни яшириш). Мисол учун, суд томонидан хатланган ва терговчига ишониб топширилган (ёки мулкдорнинг ўзига блок қилинган) крипто-ҳамённинг Seed-фразасидан (махфий калитдан) фойдаланиб, маблағларни марказлашмаган биржалар

(DEX) ёки миксерлар (Tornado Cash каби) орқали бошқа совуқ ҳамёнларга кўчириб юбориш;

4) банд солинган ҳисобварақлар билан ноқонуний операциялар. Мисол учун, банк ёки тўлов ташкилоти ходими тизимга рухсатсиз кириб ёки хизмат мавқеидан фойдаланиб, суд ёки Мажбурий ижро бюроси томонидан банд (блок) солинган ҳисобдаги пулларни бошқа ҳисобларга ўтказиб юбориши;

5) рақамли активларни яшириш. Мисол учун, банд солинган виртуал активларни, масалан криптовалюта, НФТ, домен номлари ва бошқаларни блокчейн тизимидаги миксерлар ёки аноним ҳамёнлар орқали изини йўқотиш;

6) тизимдаги маълумотларни ўзгартириш. Мисол учун, маълумотлар базасида мулкнинг банд остида эканлиги ҳақидаги белгини (флаг ёки статус) ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўчириб ташлаш ёки ўзгартириш орқали уни сотиш ёки гаровдан чиқариш имконини яратиш;

7) виртуал мулкни nobud қилиш. Мисол учун, гаровга қўйилган ёки банд солинган дастурий маҳсулотларни, маълумотлар базаларини ёки рақамли ҳужжатларни масофавий ўчириб ташлаган ҳолда унга шикаст етказиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Автоматлаштирилган банк тизими логлари. Мисол учун, ҳисобварақ ҳолатини ким, қайси IP-манзилдан, қайси логин ёки пароль остида ва соат нечада ўзгартирганлиги тарихи;

2) API Integration Logs. Мисол учун, МИБ ва Марказий банк ёки тижорат банклари ўртасидаги маълумот алмашинув шлюзидаги хатоликлар ёки сунъий равишда яратилган техник носозликлар қайдлари;

3) Blockchain Explorers. Мисол учун, криптовалюта ўтказмаларида транзакция хэши (TxHash), жўнатувчи ва қабул қилувчи манзиллари ҳамда ўтказманинг аниқ вақти.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси банк ёки бошқа кредит ташкилотининг электрон маълумотлар базаларига кирилганлик изларини, банд солинган (музлатилган) ҳисобварақлар, гаров реестрлари ёки рақамли активлар (криптовалюталар) устидаги чекловларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қасдан четлаб ўтиш ёки ўчириб ташлаш ҳолатларини ҳамда ушбу ҳаракатларни бажарган шахснинг тизим логларини, банк ходимининг компютери ёки серверида ҳисобвараққа чекловни бекор қилувчи мантикий буйруқлар (SQL-сўровлар) қачон ва қандай киритилганини;

2) суд-молия-кредит экспертизаси банк ёки кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан электрон тўлов тизимлари ва масофавий банк хизматлари орқали амалга оширилган ноқонуний банк операцияларини, яширин транзакциялар занжирини ва маблағларнинг электрон ҳаракатланиш йўналишини;

3) суд-бухгалтерия экспертизаси банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулк (жумладан, электрон шаклдаги активлар) ишониб топширилган корхона ва ташкилотларнинг электрон бухгалтерия ҳисобларидаги камомадларни, мулкни ноқонуний ҳисобдан чиқариш, ўзлаштириш ёки растрата қилиш билан боғлиқ молиявий тафовутларни;

4) суд-иқтисодий экспертизаси банд солинган мулкни ахборот-коммуникация технологияларидан масалан, онлайн савдо платформалари, электрон биржалардан фойдаланиб қонунга ҳилоф равишда сотиш ёки яшириш натижасида мулкдорга ёки давлатга етказилган анча миқдордаги зарарнинг аниқ молиявий ҳажмини ҳамда жазони енгиллаштириш учун асос бўлувчи зарарнинг уч қарра миқдорида қопланганлик ҳолатини;

5) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси мулкка банд солиш ёки уларни гаровга қўйиш тўғрисидаги электрон далолатномалар, чеклов хатлари ва шартномаларга ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида киритилган сохта ўзгартиришлари ва ҳужжатнинг қалбакилаштирилганлигини;

6) суд-товаршунослик экспертизаси гаровга қўйилган ва интернет тармоғи орқали ноқонуний тасарруф этилган (сотиб юборилган) мулкнинг ёки банд солинган ахборот-коммуникация технологиялари ускуналарининг (серверлар, компьютерларнинг) жиноят содир этилган вақтдаги ҳақиқий бозор қийматини;

7) суд-психологик экспертизаси ишониб топширилган мулкни тасарруф этган шахснинг (банк ходими ёки қарздорнинг) жиноятни содир этиш вақтидаги руҳий ҳолатини, мулкка чеклов ўрнатилганлигини била туриб уни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида нобуд қилиш ёки ўзлаштиришга қаратилган қасд мотивини аниқлайди.

Ушбу жиноятда етказилган моддий зарар уч қарра миқдорида қопланган тақдирда, озошликни чеклаш ва озошликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. Экспертизада транзакциялар таҳлили (Transaction Logs) амалга оширилиб, банд солинган маблағ қайси вақтда, қайси IP-манзилдан ва кимнинг логин-пароли орқали ўтказилганлиги, тизим аудит журнари (Audit Trails) текширилиб, мулкнинг банд солинганлиги ҳолати (статуси) ким томонидан ва қандай техник усул билан бекор қилинганлиги, масофавий таъсир изларига аниқлик киритилиб, мулк ёки маълумотлар ўчирилган бўлса, бу “Remote Access” дастурлари орқали амалга оширилганлиги ёки бевосита сервер хонасида бўлганлиги текширилади.

Банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш ўзлаштириш ёки растрата ҳаракати билан бирга амалга оширилса, қилмиш ЖКнинг 167- ва 233-моддалари, башарти қилмиш банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга ҳилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш киберўғрилиқ шаклида амалга оширилган бўлса, ЖКнинг 169- ва 233-моддалари билан жиноятлар мажмуи сифатида малакаланиши шарт.

1.20-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жиноятининг юридик-техник таҳлили

235-модда. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни маъмурий қамоққа олинган шахсга, шунингдек гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш йўли билан ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказиш, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёхуд шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;

б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) такроран;

д) кекса шахсга ёки ночор аҳволдаги шахсга, вояга етмаган шахсга ёхуд ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

е) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

ж) ҳаётга ва соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган ашёлар қўлланилиб;

з) далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) мақсадида содир этилган бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жихатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт²⁶⁰.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1984 йил 10 декабрда қабул қилган “Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция”га кўра “қийноқ” ҳар қандай тусдаги шундай ҳаракатни англатадики, у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир

²⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

этишда у гумон қилинадиган ҳаракат учун жазолаш, шунингдек, уни ёки учинчи шахсни қўрқитиш ёки зўрлаш мақсадида ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатдаги бошқа шахс ёки уларнинг гижгижлаши билан ёки уларнинг хабардорлигида ёки индамай розилиги билан ҳар қандай тусдаги камситишга асосланган ҳар қандай сабаб бўйича қасддан кучли оғриқ ёки жисмоний ёхуд маънавий азоб берилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига асосан, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас²⁶¹.

Қонунчиликка қўра, қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ҳамда инсонга нисбатан бошқача шафқатсиз ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, қонунга хилоф бошқа чоралар қўллаш, шу жумладан, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини бузиш натижасида олинган далиллар айблов асосига қўйилиши мумкин эмас.

Суриштирувчи, терговчи, суд (судья) қамоқ жойларидан келтирилган шахсдан ҳар доим суриштирув, тергов ҳаракатлари ўтказилган пайтда унга нисбатан қандай муносабатда бўлишганлиги ҳамда сақлаш шароити тўғрисида сўрашлари шарт. Суриштирувнинг ёки терговнинг қийноққа солиш ёхуд қонунга хилоф бошқа усуллари қўлланилганлиги тўғрисидаги ҳар бир мурожаат факти бўйича арз қилинган важларини синчиклаб текшириш, шу жумладан, тиббий гувоҳлантириш ўтказиш орқали синчиклаб текширишлари ва натижасига қараб, тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши кўзгатишга қадар процессуал ёки бошқа ҳуқуқий чоралар кўришлари шарт²⁶².

Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Инсон шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлиғини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади²⁶³.

Жиноят-ижроия қонунчилигининг нормалари маҳкумларни қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний ёки камситувчи муомала турларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга зид бўлиши мумкин эмас²⁶⁴. Маҳкумларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний

²⁶¹ Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2003 йил 19 декабрдаги 17-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ёки кадр-қимматини камситувчи муомала ёхуд жазо турларининг қўлланилишига йўл қўйилмайди²⁶⁵.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас²⁶⁶.

ЖПК 95¹-моддасига кўра, агар фактик маълумотлар қонунга ҳилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ЖПК талаблари бузилган, шу жумладан жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда олинган бўлса мақбул эмас деб топилади²⁶⁷.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди²⁶⁸.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар

²⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2495, 2013 йил 29 июль) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–344-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2018 йил 24 августдаги 24-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶⁸ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур²⁶⁹.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим²⁷⁰.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг

²⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг конунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт²⁷¹.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва

²⁷¹ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

(ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт²⁷².

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт²⁷³.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади²⁷⁴.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, шу жумладан, одил судлов, шахсдарнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс-махсус субъект-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими ёки уларнинг хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

²⁷² Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁷³ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁷⁴ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, маъмурий қамоққа олинган шахсга, шунингдек гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан кўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш йўли билан ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф рухий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – маъмурий қамоққа олинган шахс, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум, гувоҳ, жабрланувчи, жиноят процессининг бошқа иштирокчиси ёхуд уларнинг яқин қариндошларидан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш, моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг маъмурий қамоққа олинган шахсга, шунингдек гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилиши;
- 6) қилмишнинг маъмурий қамоққа олинган шахсга, шунингдек гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан кўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш йўли билан ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган

қонунга ҳилоф руҳий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказиш йўли билан содир этилиши;

7) қилмишнинг маъмурий қамоққа олинган шахс, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум, гувоҳ, жабрланувчи, жиноят процессининг бошқа иштирокчиси ёхуд уларнинг яқин қариндошларидан ёки бошқа учинчи шахсдан бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида содир этилиши;

8) қилмишнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан билан содир этилиши;

9) қилмишнинг кўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга ҳилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга ҳилоф руҳий, психологик, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда босим ўтказиш йўли билан содир этилиши;

10) алоқа;

11) ахборот;

12) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

13) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) банд солинган мулк ўзлаштирилган ёки растрата қилинган вақтдан;

2) банд солинган мулк яширилган вақтдан;

3) банд солинган мулк нобуд қилинган вақтдан;

4) банд солинган мулкка шикаст етказилган вақтдан;

5) банд солинган мулк билан боғлиқ банк операцияси амалга оширилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – инсоннинг жисмоний ва руҳий дахлсизлиги ва ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали

маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миждозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узок муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёйшкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Cyber-Psychological Torture. Мисол учун, шахснинг яқин қариндошларига тегишли шахсий (интим) фото/видео маълумотларни эълон қилиш ёки ижтимоий тармоқларда шарманда қилиш билан қўрқитиш;

2) Sleep Deprivation (Digital monitoring). Мисол учун, камералардаги чироқларни ва баланд овозли аудио тизимларни масофадан бошқариш орқали шахсни сурункали уйқусизлик ҳолатига келтириш;

3) Digital Isolation. Мисол учун, шахсни ташқи дунёдан, адвокатдан ва хабар алмашиш воситаларидан бутунлай узиб қўйиш орқали кучли депрессия ва қўрқув ҳолатига солиш орқали бошқа совуқ ҳамёнларга қўчириб юбориш;

4) рақамли шантаж ва компромат. Мисол учун, шахснинг смартфонни ёки компьютерларидан хакерлик йўли билан олинган шахсий ҳаётга доир маълумотлар, интим фотосуратлар ёки видеоларни тарқатиш билан қўрқитиш орқали иқдорлик кўрсатуви олиш;

5) киберқийинчилик (Sleep deprivation via Tech). Мисол учун, маҳбус ёки гумон қилинувчи сақланаётган хонада масофадан бошқариладиган ахборот-коммуникация технологиялари орқали юқори частотали товушлар, чидаб бўлмас ёруғлик эффекти ёки кечаси ухлатмаслик учун автоматик тизимлардан фойдаланиш;

6) ижтимоий изоляция ва рақамли босим. Мисол учун, шахснинг яқин қариндошларига ижтимоий тармоқлар орқали сунъий яратилган (Deepfake) сохта таҳдидли хабарларни кўрсатиш ёки уларни қамоққа олиш билан виртуал қўрқитиш;

7) техник манипуляция. Мисол учун, шахснинг кўз олдида унинг электрон қурилмаларига сохта далилларни (масалан, порнография ёки экстремистик материал) юклаб қўйиш ва шу орқали руҳий босим ўтказиш;

8) рақамли шок терапияси (Information Overload/Deprivation). Мисол учун, шахс сақланаётган хонада ахборот технологиялари ёрдамида сунъий равишда дезориентация ҳолатини яратиш, масалан, кечаю кундуз бир хил частотадаги рақамли шовқин ёки маълум бир визуал тасвирларни экранда узлуксиз намоиш этиш;

9) ижтимоий тармоқлар орқали виртуал жазолаш. Мисол учун, шахсдан иқдорлик кўрсатуви олиш учун унинг ижтимоий тармоқлардаги обрўсини бир сонияда йўқ қилиш билан таҳдид қилиш, шахснинг шахсий (интим) ёзишмаларини ёки фотосуратларини “Live” эфирга чиқариб юбориш билан қўрқитиш;

10) киберсталкинг (Давлат органи ходими томонидан). Мисол учун, шахсни қўрқитиш мақсадида унинг ҳар бир қадамини, ёзишмаларини ва телефон сўзлашувларини реал вақтда (Real-time) унга эшиттириш ёки кўрсатиш орқали сен қаерда бўлма, биз сени кузатамиз деган ваҳимани сингдириш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) CCTV Integrity Analysis. Мисол учун, тергов ҳибсхоналари ёки ИИБ биноларидаги видеокузатув тизимларида ўчирилган ёки техник носозлик деб кўрсатилган вақт оралиғини тиклаш ва видеодаги кадрлар частотасининг сунъий ўзгаришини (монтаж) аниқлаш;

2) Health Monitoring Systems (Smart Wearables). Мисол учун, агар маҳкумда смарт-соат ёки тиббий сенсорлар бўлса, сўроқ вақтидаги пульс, қон босими ва қўрқув гормонларининг кескин ортиши (стресс-маркерлар) жисмоний қийноқнинг билвосита исботи бўлиши мумкин;

3) Audit Logs of Interrogation Rooms. Мисол учун, электрон калитлар (RFID) ва биометрик тизимлар қайдлари сўроқ хонасига кимлар киргани ва у ерда регламентдан ташқари қанча вақт қолганини кўрсатувчи инкор этиб бўлмайдиган далил.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида жабрланувчига руҳий ёки психологик босим ўтказиш мақсадида ишлатилган техник қурилмаларни, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи маълумотларни (шахсий фото/видеолар) интернет орқали тарқатиш ёки уни шундай маълумотлар билан қўрқитиш (кибершантаж) изларини ҳамда ушбу мақсадда фойдаланилган аноним каналлар ва IP-манзилларни, сўроқ баённомалари ва электрон ҳужжатларнинг яратилган вақтини (Metadata) сўроқ вақти билан солиштириш орқали антидатировка (санани орқага суриш) ҳолатларини, сўроқ ўтказилган хонадаги ёки тергов органидаги сервер логларини, масофавий қурилмалар қайси вақтда ва ким томонидан бошқарилганлигини;

2) видеоматериалларнинг суд экспертизаси қийноққа солиш, уриш, дўппослаш ёки бошқача шафқатсиз муомала жараёни акс этган видеоёзувларнинг ҳаққонийлигини, тасвирдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларини, воқеа содир бўлган вақт ва жойни ҳамда видеоматериалларга техник ўзгартиришлар киритилган-киритилмаганлигини;

3) суд-фонографик экспертизаси жабрланувчини бирор-бир ахборот беришга мажбурлаш ёки иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида оғзаки қўрқитиш, ҳақорат қилиш ва психологик босим ўтказиш ҳолатлари акс этган аудиоёзувлардаги нутқ эгасини ҳамда аудиодалилнинг яхлитлигини;

4) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси мессенжерлар ёки ижтимоий тармоқлар орқали юборилган хабарлар матнини таҳлил қилиб, улардаги қийноққа солиш, қўрқитиш, камситиш ёки мажбурлаш мазмунидаги таҳдидли ибораларни ва шахснинг иродасига таъсир ўтказувчи лингвистик воситаларни;

5) суд-психологик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширилган психологик босимнинг жабрланувчи руҳиятига таъсирини, унинг қўрқув ва чорасизлик ҳолатини ҳамда қийноқ натижасида шахсда юзага келган маънавий-руҳий жароҳатлар даражасини, жабрланувчида посттравматик стресс бузилиши (ПТСД) аломатларини ва унинг кўрсатув беришдаги иродаси фалажлангани, шахсда рақамли босим (масалан, шантаж) натижасида юзага келган руҳий жароҳатларни;

6) суд-фото-техникавий экспертизаси жабрланувчига босим ўтказиш учун ишлатилган ёки қийноқ излари муҳрланган рақамли фотосуратларнинг ҳақиқийлигини ҳамда уларда фотомонтаж ёки сунъий равишда тасвир параметрларини ўзгартириш белгиларини;

7) суд-портрет экспертизаси қийноқ ҳолатлари акс этган ёки қийноққа далолатчилик қилган шахсларнинг рақамли тасвирлардаги қиёфасини гумонланувчилар билан идентификация қилишни;

8) суд-тиббий экспертизаси (комплекс ҳолда) қийноққа солиш вақтида жисмоний босим ўтказиш мақсадида ишлатилган ахборот-коммуникация технологиялари қурилмалари (масалан, электр токи берувчи техник воситалар) қолдирган жароҳатларнинг хусусиятини, уларнинг соғлиқ учун хавфлилик даражасини ва етказилган шикастларнинг механизмини, нафақат жароҳатларни, балки уларнинг етказилиш механизмини масалан, ток уриши, бўғиш излари ва вақтини;

9) суд-электротехникавий экспертизаси қийноқ қўллаш мақсадида махсус мослаштирилган ёки қайта ишланган техник воситаларнинг ишлаш принципини, уларнинг одам организмига таъсир қилиш қувватини ва хавфлилик даражасини;

10) суд-иқтисодий экспертизаси қийноққа солиш натижасида жабрланувчининг иш қобилятини йўқотиши, соғлиғини тиклаш учун сарфланган маблағлар ҳамда маънавий зарарни қоплаш учун асос бўлувчи молиявий ҳисоб-китобларни;

11) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси далилларни сохталаштириш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қалбакилаштирилган иқрорлик хатлари, баённомалар ва бошқа процессуал ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини аниқлайди.

Ушбу жиноят ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёхуд шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан, миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича, бир



гуруҳ шахслар томонидан, такроран, кекса шахсга ёки ночор аҳволдаги шахсга, вояга етмаган шахсга ёхуд ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан, икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан, ҳаётга ва соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган ашёлар қўлланилиб, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) мақсадида содир этилган ёки баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб

бўлса, бу ҳолатлар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади.

Жиноятнинг жабрланувчилари қуйидагилар саналади:

- 1) маъмурий қамоққа олинган шахс;
- 2) гумон қилинувчи;
- 3) айбланувчи;
- 4) судланувчи;
- 5) маҳкум;
- 6) гувоҳ;
- 7) жабрланувчи;

8) жиноят процессининг бошқа иштирокчиси; маъмурий қамоққа олинган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум, гувоҳ, жабрланувчи, жиноят процессининг бошқа иштирокчисининг яқин қариндошлари.

Қонунга ҳилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга ҳилоф тарзда жинойй жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга ҳилоф қўлланиш, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга ҳилоф тарзда бериш, шунингдек ҳар қандай қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш натижасида фуқарога етказилган зарар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади. Суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг бошқа тарздаги қонунга ҳилоф фаолияти натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, умумий асосларда тўланади²⁷⁵. Мазкур қилмиш далилларни сохталиштириш йўли билан содир этилса, ўша ҳаракатлар жинойтлар мажмуи сифатида ЖКнинг 230¹-моддаси ва 235-моддаси билан эмас, балки ЖКнинг 235-моддасининг иккинчи қисми “з” банди билан квалификация қилиниши лозим.

²⁷⁵ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

1.21-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

236-модда. Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, –

муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир.

Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт²⁷⁶.

Қонунчиликка кўра, судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖПК ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади²⁷⁷.

Прокуратура органларининг фаолиятига аралашуш тақиқланади²⁷⁸.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқладиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суийестемол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди²⁷⁹.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини

²⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁷⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁷⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2001 йил 29 августдаги 257-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁷⁹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур²⁸⁰.

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга, оммавий тартибсизликларга, ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, уруш, терроризм, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини, порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматиغا ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади²⁸¹.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини

²⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁸¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очик маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим²⁸².

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши,

²⁸² Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоккланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт²⁸³.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт²⁸⁴.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши,

²⁸³ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁸⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт²⁸⁵.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда

²⁸⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин²⁸⁶.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади²⁸⁷.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – бошқарув тартиби, шу жумладан, одил судловни муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиб, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиб мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиб йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиб, моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;

²⁸⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁸⁷ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

5) қилмишнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьяга нисбатан содир этилиши;

6) қилмишнинг тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштиш, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эриштиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга ҳилоф равишда таъсир ўтказиш йўли билан содир этилиши;

7) қилмишнинг ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эриштиш мақсадида содир этилиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштишга, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўрганилишига тўсқинлик қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат суриштирувчи, терговчи, прокурорга нисбатан амалга оширилган вақтдан;

2) судьяга турли шаклда қонунга ҳилоф равишда таъсир ўтказилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – терговга қадар текширув материаллари, жиноят иши ва унга оид материаллар, ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор ва ҳк.

Шу билан бирга, жиноят **предмети** қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар,

электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узок муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қўйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Digital Lobbying ва ботлар ҳужуми. Мисол учун, судьяга ёки терговчиға руҳий босим ўтказиш мақсадида ижтимоий тармоқларда уюштирилган хайп ёки сохта жамоатчилик фикрини (bots) шакллантириш;

2) суд-тергов ва прокуратура органларининг ахборот тизимларига ноқонуний кириш. Мисол учун, юқори турувчи мансабдор шахснинг ўз ваколатидан фойдаланиб, электрон тизимдаги ички ҳужжатларни (ажрим лойиҳаларини) улар ҳали эълон қилинмасдан олдин кўздан кечириши ва таҳрир қилиш бўйича кўрсатма бериши;

3) Secret Messenger Communication. Мисол учун, ўчиб кетувчи хабарлар (disappearing messages) орқали бевосита буйруқ бериш;

4) рақамли таъсир ўтказиш (digital influence). Мисол учун, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг шахсий қурилмаларига (смартфон, компьютер, планшет ва ҳк.) ҳакерлик йўли билан кириб, ишни

муайян шахс фойдасига ҳал қилиш учун уларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни қўлга киритиш ва уларни тарқатиш билан қўрқитиш (кибершантаж);

5) ахборот тизимларини манипуляция қилиш. Мисол учун, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ягона электрон иш юритув тизими, “Elektron jinoiy-huquqiy statistika” ягона ахборот тизими, “Adolat” ахборот тизимлари комплексига рухсатсиз кириб, ишни тақсимлаш алгоритмини ўзгартириш ёки электрон иш материалларини масофадан ўзгартириш ёки ўчириш;

6) ижтимоий муҳандислик (social engineering). Мисол учун, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья номидан сохта (Deepfake) аудио ёки видео материаллар яратиб, уларни тарқатиш орқали шахсни обрўсизлантириш ва шу йўл билан уни ишни юритишдан воз кечишга (самоотвод) ёки маълум бир қарор қабул қилишга мажбурлаш;

7) киберҳужумлар (DoS/DDoS). Мисол учун, тергов органи ёки суднинг электрон тизимларига ҳужум уюштириш орқали ишнинг муддатларини бузиш ёки муҳим электрон далилларни ўрганишга тўсқинлик қилиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Call Detail Records (CDR). Мисол учун, судья ёки терговчи билан мансабдор шахс ўртасидаги алоқа вақти ва давомийлиги, масалан, қарор чиқарилишидан бир соат олдин бўлган қўнғироқ;

2) System Access Logs. Мисол учун, суд ёки терговнинг ички ахборот тизимига бегона ёки юқори турувчи шахснинг (ўз функциясига кирмаса-да) киргани ҳақидаги қайдлар;

3) Signal, Telegram, WhatsApp ва бошқаларда Artifacts. Мисол учун, ҳатто хабарлар ўчирилган бўлса ҳам, телефон хотирасида (RAM ёки SQLite базаларида) қолган метамаълумотлар ёки скриншотлар.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ишни холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг хизмат қурилмаларига, электрон почтасига ёки шахсий мессенжерларига юборилган таъсир ўтказувчи хабарларнинг манбасини, фойдаланилган аноним тармоқларни, IP-манзилларни ва ўчириб юборилган рақамли изларни, тақдим этилган қурилмада масалан, “Ажрим_лойиҳа.docx” номли файл қачон ва қайси фойдаланувчи (User ID) томонидан яратилганлигини, электрон суд тизими серверидаги 2026 йил 15 январдаги лог-файлларда фалон IP-манзилдан рухсатсиз кириш ва ҳужжатни таҳрир қилиш излари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, қурилманинг ажратилмаган (unallocated) хотира қисмида ишга тикилган электрон баённоманинг аввалги (ўзгартирилгунга қадар бўлган) таҳрири сақланиб қолган ёки қолмаганлигини;

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси юборилган электрон хабарлар, постлар ёки мақолалар матнини таҳлил қилиб, уларда тергов ёки суд иши натижасига таъсир ўтказишга қаратилган қонунга ҳилоф таъсир, билвосита ёки тўғридан-тўғри кўрсатма, таҳдид ёки иродага тазйиқ ўтказиш каби лингвистик белгиларни, оғзаки ёки ёзма мурожаатнинг мазмунида “мажбурлаш”, “кўрсатма” ёки “яширин таҳдид” аломатлари бор-йўқлигини;

3) суд-фонографик экспертизаси телефон сўзлашувлари ёки мессенжерлардаги овозли хабарлар орқали суриштирувчи, терговчи ёки судьяга адолатсиз қарор чиқариш мақсадида қилинган таъсир вақтидаги нутқ эгасини идентификация қилади ҳамда аудиоёзувнинг яхлитлигини, овоз ёзувларидаги шахсларни идентификация қилиш ва ёзувнинг ҳақиқийлигини (монтаж эмаслигини);

4) видео-тасвирларни тадқиқ қилиш экспертизаси тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш жараёни акс этган (масалан, шахсни кузатиш, ташқаридан босим ўтказиш) видеоёзувларнинг ҳаққонийлигини, тасвирдаги шахсларнинг ҳаракатларини ва видеоконтентнинг яратилиш шароитларини;

5) суд-фото-техникавий экспертизаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ёки судьяга босим ўтказиш мақсадида ишлатилган сохталаштирилган (компромат) фотосуратларнинг яратилиш усулини, улардаги рақамли монтаж белгиларини ва фотосурат деталарига киритилган сунъий ўзгартиришларни;

6) суд-портрет экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари ва тармоқларида тарқатилган ёки шахсга юборилган видео ва фото материалларда аралашиш жиноятини содир этаётган шахснинг ташқи қиёфасини гумонланувчи билан идентификация қилишни;

7) суд-психологик экспертизаси таъсир ўтказишга уринган шахснинг хатти-ҳаракатларидаги иродавий йўналишни, унинг ишни ҳар томонлама ва ҳолисона ўрганилишига тўсқинлик қилишдаги қасд мақсадини ҳамда босим ўтказилган шахс (судья, терговчи) руҳиятига етказилган психологик таъсир даражасини, судья ёки терговчининг қарор қабул қилиш вақтидаги иродаси ташқи таъсир остида синдирилганлиги ёки йўқлигини;

8) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси тергов ёки суд жараёнига аралашиш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тайёрланган сохта юқори турувчи органларнинг кўрсатма хатлари, фармойишлари ёки бошқа сохталаштирилган расмий электрон ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини;

9) суд-иктисодий экспертизаси тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш жинояти мансабдор шахс томонидан ўз хизмат ваколатидан ташқари ҳолатда моддий манфаатдорлик ёки мулкӣй зиён етказиш замирида содир этилган бўлса, унга доир молиявий ҳаракатлар ҳажминини;

10) суд-хатшунослик экспертизаси терговчи ёки судьяга юборилган ва ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида суратга олиниб (ёки сканерланиб) тарқатилган аноним хатлар ёки таҳдидли кўлёзма ёзувларнинг ижрочисини аниқлайди.



Ушбу жиноятда агар шахс ахборот-коммуникация технологиялари орқали шунчаки ўз фикрини билдирса, блогер сифатида ўз постларини қолдирса, бу аралашиш ҳисобланмайди. Аралашиш деб баҳоланиши учун ҳаракатда “қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш”, яъни мажбурлаш, кўрқитиш, алдаш элементи бўлиши шарт.

Тергов давомида IP-манзиллар ва лог-файллар олиниб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьяга юборилган таҳдидли хабарлар ёки келишув таклифлари қайси курилмадан ва қайси геолокациядан келганини аниқлаш, электрон ёзишмаларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш мақсадида мессенжерлардаги (Telegram, Signal ва ҳ.к.) ёзишмаларнинг мета-маълумотларини таҳлил қилиш орқали уларнинг қасддан сохталаштирилмаганини текшириш, экспертиза ўтказилиб, тергов, прокуратура, суд тизимларига ташқи таъсир (интрузия) бўлган-бўлмаганини ва бу таъсир ишни ҳал этишга қандай алоқадорлигини аниқлаш шарт.

2-БОБ. ҲОКИМИЯТ, БОШҚАРУВ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ

2.1-§. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши кибержиноятлар учун жазо тизими

1. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган жарима жазоси – айбдордан давлат даромадига Жиноят кодексига белгиланган миқдорда пул ундиришдир.

1.1. Жазо миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш** бараваридан олти юз бараваригача.

1.2. Жазони алмаштириш шартлари –

агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа;

қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса;

кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган тақдирда; жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда.

1.3. Жазони алмаштириш мумкин бўлган жазо тизими –

мажбурий жамоат ишлари;

ахлоқ тузатиш ишлари;

озодликни чеклаш;

озодликдан маҳрум қилиш;

1.4. Жарима жазоси бошқа жазо билан алмаштирилганида унинг миқдори –

мажбурий жамоат ишларининг икки ярим соати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилади ва тўрт юз саксон соатдан кўп бўлмаган муддатга;

ахлоқ тузатиш ишларининг, озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

2. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси – суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлаш;

2.1. Жазони қўллаш шарти – чекланаётган ёки тақиқланаётган мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилиши лозим. Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига қўшимча жазо тариқасида

тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига, бундан ташқари суд ҳукми билан тайинланган муддатга жорий этилади. Бу жазо бошқа асосий жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланганда ва маҳкум шартли ҳукм қилинганда унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди, бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно.

2.2. Жазо муддати –

бир йилдан беш йилгача муддат – айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда;

бир йилдан уч йилгача муддат – қўшимча жазо тариқасида тайинланганда.

3. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган мажбурий жамоат ишлари жазоси – маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилиш;

3.1. Жазони ўташ жойи – маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади;

3.2. Жазо муддати ва ўташ шarti – бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга тайинланади ва олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади.

3.3. Жазо қўлланилмайдиган ҳолатлар –

пенсия ёшига етган шахсларга;

ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга;

хомиладор аёлларга;

уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга;

биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга;

ҳарбий хизматчиларга;

чет эл фуқароларига;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга;

3.4. Жазони алмаштириш шarti ва тартиби – маҳкум жазони ўташдан бўйин товланган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

4. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси – шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилиш;

4.1. Жазони ўташ жойи – жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

4.2. Жазо муддати – олти ойдан уч йилгача;

4.3. Жазо қўлланилмайдиган ҳоллар –

пенсия ёшига етганларга;

меҳнатга қобилиятсизларга;

ҳомиладор аёлларга;

уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга;

ҳарбий хизматчиларга;

4.4. Жазони алмаштириш шарти – агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўттиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетса, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

5. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган озодликни чеклаш жазоси – суд томонидан маҳкумга нисбатан уй-жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёхуд ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклаш;

5.1. Жазо муддати – бир ойдан беш йилгача;

5.2. Жазони ўташ жойи – суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товланишнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

5.3. Жазо билан маҳкумнинг зиммасига юкланадиган қўшимча тақиқлар (чеклашлар) –

муайян жойларга бормаслик;

оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

муайян фаолият билан шуғулланмаслик;

муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;

транспорт воситасини бошқармаслик;

маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;

муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик;

алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига қўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

5.4. Чеклов ва тақиқларни бекор қилиш ҳоллари – агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса;

5.5. Жазони алмаштириш ҳолатлари –

маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган;

суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда.

Бунда, жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

5.6. Жазо қўлланилмайдиган ҳолатлар –

ҳарбий хизматчилар;

чет эл фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга.

6. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси – маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштириш;

6.1. Жазо муддати – бир ойдан йигирма йилгача муддатга. Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин.

6.2. Жазо тайинлашнинг алоҳида шартлари – узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас. Озодликдан маҳрум қилиш ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган бир неча жазоларни қўйиш тартибида тайинланганда, унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.3. Жазо колониялари – *озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан:*

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) қасддан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда;

г) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар, шунингдек афв этиш тартибида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар ҳам жазони махсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) оғир ва ўта оғир жиноят учун жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётганларга, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинланади.

Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш, жазонинг муайян қисмига, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга:

а) ўта хавфли рецидивистларга;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Суд томонидан жазони манзил-колонияда ўташи тайинланган маҳкум сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазонинг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказди.

6.4. Жазо тайинланмайдиган ҳолатлар – ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо:

хомиладор аёлларга;

уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга;

қонунчиликка мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

2.2-§. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши кибержиноятлар учун жазо тайинлаш тартиби

1. Жазо тайинлашнинг умумий асослари – жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд Жиноят кодекси Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

2. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар –

а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;

б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;

в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;

г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш;

д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш;

е) зарурий мудофаанинг, охириги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки ҳўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;

ж) вояга етмаганнинг жиноят содир этиши;

з) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;

и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш.

Жазо тайинлашда суд ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Енгиллаштирувчи ҳолат Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

3. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар –

а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

б) ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;

в) хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

г) айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;

д) ўта шафқатсизлик билан;

- е) кўпчилик учун хавфли бўлган усулда;
- ж) ёш бола ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;
- з) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;
- и) умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- к) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;
- л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;
- м) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан;
- н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;
- о) мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Суд содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин.

Суд жазо тайинлашда ушбу моддада назарда тутилмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин эмас.

Ушбу ҳолатлар Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

4. Енгилроқ жазо тайинлаш асослари ва тартиби –

Суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин.

Суд шу асосларни эътиборга олиб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида қўлланилиши шарт деб кўрсатилган қўшимча жазони тайинламаслиги ҳам мумкин.

Содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топилиши мумкин.

5. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш асослари – жазо муддати ёки миқдори Жиноят кодекси қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмайдиган ҳолатлар шартлари:

Жиноят кодекси 55-моддаси биринчи қисмининг “а” ва “б” бандларида назарда тутилган айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам берган ва етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилган ҳолатлар мавжуд бўлган;

Жиноят кодекси 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган;

6. Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш – айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак.

7. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш –

1) тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар:

жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилган ҳолда;

жиноятнинг оғир-енгиллигини;

жиноий ният амалга оширилишининг даражасини ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини.

2) жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори – Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди.

Тамом бўлмаган жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши мумкин эмас.

3) иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш – суд ҳар қайси айбдорнинг жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини ҳисобга олади. Ҳар қайси иштирокчининг шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар суд томонидан фақат шу иштирокчининг ўзига жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

8. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш – шахс Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд Жиноят кодексининг 54-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлайди.

Агар жиноятлар мажмуини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, унда тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Бунда узил-кесил тайинланган жазо содир этилган жиноятлардан энг оғири учун назарда тутилган энг кўп жазо муддатидан ёки меъёридан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлардан лоақал биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, Жиноят кодексининг Умумий қисмида шу

жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади.

Содир этилган жиноятлардан биттаси учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланганда енгилроқ турдаги жазони умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

Содир этилган жиноятлардан биттаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда жазоларни тўла ёки қисман қўшиш ёхуд енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

Жиноятлар мажмуи бўйича ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади.

Жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган асосий жазога суд айрим жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазоларни ҳам қўшиши мумкин. Бунда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазонинг узил-кесил тайинланган муддати Жиноят кодексининг 45-моддасида назарда тутилган энг кўп муддатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшиб ҳисобланади.

5. Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш –

Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади.

Бир неча ҳукм юзасидан ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади.

Агар ҳукмлардан бири билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазо турини умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади.

Агар ҳукмлардан бири билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади.

Бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг фақат муддатлари қўшилади.

Илгариги ҳукм юзасидан ижро этилмай қолган қўшимча жазолар ҳукмлар жами тариқасида тайинланган асосий жазога қўшиб тайинланади.

9. Жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш қоидалари –

Ҳар хил турдаги асосий жазоларни қўшганда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни:

- а) озодликни чеклашнинг бир кунига;
- б) ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига;
- в) мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатига тўғри келади.

Жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари жазоси билан қўшилганда ҳар қайсиси алоҳида ижро этилади.

10. Ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки уй қамоғи вақтини ҳисобга олиш қоидалари –

ушлаб туришнинг, қамоққа олишнинг ёки уй қамоғининг ҳар бир куни:

- а) озодликни чеклашнинг, озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига;
- б) ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига;
- в) мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатига тенглаштирилади.

ушлаб турилган, қамоқда ёки уй қамоғида сақланган шахсга жарима тайинлашда ушлаб туришнинг, қамоқда ёки уй қамоғида сақлашнинг бир куни – базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштирилади.

11. Жазо муддатларини ҳисоблаш –

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларнинг муддатлари – ойлар ва йиллар;

Жазоларни алмаштириш, ҳисоблаш, қўшиш вақтида уларнинг муддатлари – суткалар;

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг муддатлари – соатлар билан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
3. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” 1991 йил 15 февралдаги 223-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида” 1991 йил 18 ноябрдаги 407-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида” 1992 йил 2 июлдаги 616-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида” 1992 йил 10 декабрдаги 768-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
12. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” 1999 йил 14 апрелдаги 763-І-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2001 йил 29 августдаги 257-ІІ-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-ІІ-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида” 2004 йил 26 августдаги 660-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида” 2004 йил 2 декабрдаги 704-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида” 2004 йил 2 декабрдаги 706-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

20. Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида” 2010 йил 15 июндаги ЎРҚ–252-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

21. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

22. Ўзбекистон Республикаси “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” 2012 йил 24 сентябрдаги ЎРҚ–336-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

23. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–344-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

24. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ–370-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

25. Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида” 2014 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ–374-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

26. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2015 йил 3 июндаги ЎРҚ–387-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

27. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ–393-

сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

28. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ–394-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

29. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–395-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

30. Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида” 2016 йил 4 январдаги ЎРҚ–399-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

31. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида” 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ–407-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

32. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

33. Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” 2017 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ–444-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

34. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ–457-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

35. Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” 2018 йил 30 июлдаги ЎРҚ–489-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

36. Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ЎРҚ–539-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

37. Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ–547-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

38. Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида” 2019 йил 29 июлдаги ЎРҚ–550-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

39. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2019 йил 22 октябрдаги ЎРҚ–573-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

40. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида” 2019 йил 1 ноябрдаги ЎРҚ–578-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

41. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2019 йил 11 ноябрдаги ЎРҚ–582-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

42. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида” 2020 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ–647-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

43. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 30 мартдаги ЎРҚ–679-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

44. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ–684-сон Қонуни lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

45. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ–699-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

46. Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги ЎРҚ–706-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

47. Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

48. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

49. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

50. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” 2022 йил 17 августдаги ЎРҚ–790-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

51. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

52. Ўзбекистон Республикасининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида” 2022 йил 28 ноябрдаги ЎРҚ–803-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

53. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликларни химоя қилиш тўғрисида” 2023 йил 9 ноябрдаги ЎРҚ–877-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

54. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида” 2024 йил 29 февралдаги ЎРҚ–917-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

55. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ–964-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

56. Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида” 2024 йил 27 ноябрдаги ЎРҚ–1006-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

57. Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

58. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2025 йил 17 апрелдаги ЎРҚ–1058-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

59. Ўзбекистон Республикасининг “Сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатлар тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2026 йил 21 январдаги ЎРҚ–1115-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

60. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Геноцид жиноятининг олдини олиш ва бундай жиноят учун жазо тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиш ҳақида” 1999 йил 20 августдаги 835-I-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

61. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясини ратификация ҳақида” 2001 йил 30 августдаги 274-II-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

62. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасига импорт қилиниши (олиб келиниши) тақиқланган буюмлар рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулк муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 24 августдаги ПФ–198-сон

Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

64. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 21 мартдаги ПҚ–1730-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

66. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПҚ–4328-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

67. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПҚ–4438-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

68. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ–167-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

69. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида” 2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ–381-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

70. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 октябрдаги 493-сон қарори билан тасдиқланган Биржа товари бўлиши мумкин бўлмаган мол-мулклар миллий-маданий ва тарихий бойликлар турларининг рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

71. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

72. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 472-сон “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни

тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

73. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

74. Вазирлар Маҳкамасининг “Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 16 августдаги 176-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

75. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

76. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарори билан тасдиқланган “Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

77. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 ноябрдаги 296-сон қарори билан тасдиқланган Махфий ахборотлар сирасига киритилган маълумотлар рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

78. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарори билан тасдиқланган “Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

79. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 1 августдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

80. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

81. Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижорат платформалар ва рақамли экотизим операторларининг-ахборот воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 2 августдаги 249-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

82. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов беришнинг алоҳида шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

83. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 февралдаги 71-сон қарори билан тасдиқланган Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрини юритиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

84. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги 638-сон қарори билан тасдиқланган Электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

85. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

86. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

87. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

88. Вазирлар Маҳкамасининг “Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 5 октябрдаги 570-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

89. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 18 октябрдаги 609-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

90. Вазирлар Маҳкамасининг “Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

91. Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

92. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси кемачилиги соҳасида хавфсизликни таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги 462-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

93. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 октябрдаги 550-сон қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

94. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 5 декабрдаги 813-сон қарори билан тасдиқланган “Уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган ва озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахсларни электрон браслет орқали масофадан туриб назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

95. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

96. Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларига тақдим этилган субсидиялар, имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 11 декабрдаги 784-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

97. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 декабрдаги 839-сон қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар ускуналарининг хавфсизлиги тўғрисида”ги техник регламенти // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

98. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

99. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/12-сон қарори (рўйхат рақами 3010, 2018 йил 12 май) билан тасдиқланган Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

100. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 14 ноябрдаги 19-мх-сон буйруғи (15.11.2023 й., рўй.: 3477) билан тасдиқланган Шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори ва (ёки) операторининг шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи тузилмавий бўлинмаси ёки ваколатли шахси фаолиятини ташкил этишнинг намунавий тартиби // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

101. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 15 ноябрдаги 20-мх-сон буйруғи (15.11.2023 й., рўй.: 3478) билан тасдиқланган Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг намунавий тартиби // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

102. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон буйруғи (14.11.2024 й., рўй.: 3574-сон) билан тасдиқланган “Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

103. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш, ҳисобга олиш шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 25 декабрдаги 36-сон буйруғи (27.01.2025 й., рўй.: 3604-сон) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

104. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 19 августдаги 20/2-сон қарори (23.09.2025 й., рўй.: 3679-сон) “Кредит бюроларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

105. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 23 декабрдаги 35/14-сон қарори (21.01.2026 й., рўй.: 3759-сон) билан тасдиқланган “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

106. Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

107. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” 2011 йил 11 февралдаги 1-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

108. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2018 йил 24 августдаги 24-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.